

32C



“МАЪРИФАТ” КУТУБХОНАСИ

Ҳалим САИДОВ

МАЪРИФАТ
ЛИБОСИДАГИ
ОЗОДЛИК


Ҳалим САЙИД

**МАЪРИФАТ
ЛИБОСИДАГИ
ОЗОДЛИК**

15/18

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ

Тошкент — 2000



Масъул муҳаррир: Маҳмуд САЪДИЙ

Ушбу рисола Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг матбуотда эълон қилинган мақолаларини, нашр этган «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналани ўрганиш натижасида юзага келган. Зеро Беҳбудийнинг миллат эрки, юрт олюд-лиги учун, ҳатто жонини қурбон қилганлигини ўзи ёшган ва ўша пайтда у ҳақида сафдошлари ёзиб қолдирган мақолалар орқалигина билишимиз мумкин. Рисолада ана шу жиҳатлар инобатга олинган.

Рисола маърифатпарвар кишиларга, шунингдек, журналистика факультетларининг талабаларига мўлжалланган.

Улуғ маърифатпарвар — Маҳмудхўжа
Беҳбудий таваллудининг 125 йиллигига
бағишланади

МУҚАДДИМА

НОТИНЧ ДУНЁ ЎЗГАРИШЛАРИ

ёхуд Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қўлига қалам тутқазган сабаблар

XIX асрнинг иккинчи ярмида дунё харитасида катта ўзгаришлар юз берди. Бу ривожланган Шарқнинг салоҳиятини ўрганиб, шу асосда ўз илм-фанини ривожлантирган ва кучайган Ғарб дунёни, жумладан Шарқ давлатларини ўз мустамлакасига айлантира бошлади. Аниқроғи, Англия, Россия, Франция, Голландия, Испания каби Европа давлатлари Осиё ва Африкани босиб ола бошлади. Мақсад эса ҳаммага аён: бойлик тўплаш, дунёга эгалик қилиш — нафсни қондириш эди.

Табиийки, бундай шароитда тубжой халқлар мустамлакачиларга қарши бош кўтардилар. Лекин уларнинг барчаси муваффақиятсиз якунланар, катта қурбонлар бериларди. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп. Мисол тариқасида Ҳиндистоннинг Каунпур шаҳридаги ғалаённи (1857 йил 6 июнь) олайлик. Дундху Пунт (Нона Соҳиб деб ҳам аташган) бошчилигидаги бу ғалаён тарихда Англиянинг таҳқирланиши деб аталган. Ғалаённи бостирган инглиз мустамлакачилари Каунпур аҳолисининг ҳар ўнтасидан бирини қатл этадилар. Қатл қилинган-

лар бир неча минг кишини ташкил этган¹. Ўзимизда ҳам норозиликларнинг энг машҳури — Дукчи Эшон бошчилигидаги ғалаённи (1898 йил) мисол келтириш мумкин.

Мустамлакачиларнинг бундай ваҳшийликлари мустамлака зулми остида эзилаётган халқларни озодликка чиқиш учун ўзга йўлларни қидириб топишга даъват этарди. Ғарб тарихшунослари Осиёдаги бундай ҳаракатларни «панисломизм», «пантуркизм» деб номладилар.

Мазкур «изм»ларга кичик изоҳ. Бу иборалар ўтган асрнинг иккинчи ярмида Осиёни забт этган ғарбликлар орқали истеъмолга кириб келган. Бунга, аввало, мусулмон халқларининг ислом байроги остида бирлашиб озодликка чиқиш гоёси сабаб бўлган. Бу гоёнинг асосчилари Жамолиддин Афғоний ва унинг издоши Муҳаммад Абдуҳ бўлган². Кейинчалик озодлик учун бутун ислом оламини бирлаштириш нақадар мушкуллигини англаган зиёлилар ўзга йўлни танладилар. Зиё Кўкалп бу ҳақда шундай ёзади: «Бир вақтлар ислом бирлиги мафкураси мусулмон қавмларнинг мустақилликка эришишларини, ўлкаларини мустамлака аҳволдан қутултиришни таъминлаш деб ҳисобланиларди. Ҳолбуки, амалий ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатадики, ислом бирлиги, бир тарафдан, теократия ва клерикализм каби реакцион оқимларни туғдиришидан, бошқа томондан эса, ислом дунёсида миллатчилик мафкураларининг ва миллий виждоннинг уйғонишига қарши бўлганлигидан мусулмон

¹ Е.П.Блаватская. Из пещер и дебрей Индостана. М., 1991, 270 стр.

² Бу ҳақда қаранг: И.Л. Фадеева. Официальные доктрины в идеологии и политике Османской империи (османизм — панисламизм). М., «Наука», 1985, стр. 275.

қавмларининг илгариланишига тўсиқ бўлганлиги каби, мустақилликларга ҳам монедир. Чунки ислом дунёсида виждоннинг уйғонишига моне бўлиш мусулмон миллатларининг мустақилликларига ҳам тўсиқ бўлиш, демақдир. Теократия ва клерикализм оқимлари эса жамиятларнинг орқада қолишига, ҳатто тобора орқада қолиб боришига бир сабабдир.

У ҳолда нима қилмоқ керак? Ҳар нарсадан олдин, керак бўлса, мамлакатимизда, бошқа ислом ўлкаларида доимий миллий виждонни уйғонтиришга ва қувватлантиришга киришиш керак. Чунки ҳар қандай тараққиётнинг манбаи миллий виждон бўлгани каби миллий мустақилликнинг туғиладиган жойи ҳам, таянчи ҳам ана шудир¹.

Россия мустамлакачилиги мазкур ҳаракатни «пантуркизм» деб атади ва бу фикрдаги барча зиёли «охранка» назоратига тушди. Аниқроғи, Россиянинг туркчиликка бўлган бу муносабати империачиликнинг бир кўриниши эди. Шу боис у туркчилик ҳаракатига қарши руслаштириш сиёсатига зўр берди. Бу жараёнларнинг барчаси машҳур қиримтатар зиёлиси Исмоилбек Гаспирали асарларида, у чоп этган «Таржумон» газетасидаги мақолаларда акс этган. Бу ҳақда филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовдан иқтибос: «Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятларидан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди. Гаспирали 1905 йилда ёзган мақолаларидан бирида тавҳиди тил (тил бирлиги) ва тавҳиди дин (дин бирлиги) деган эди. Дарҳақиқат, тилнинг ўрни беқиёс: “Инсоннинг

¹ Зиё Кўкал. Туркчилик асослари. Т., ГФНТИ, 1994, 60-бет.

оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир, шунингдек, тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир”¹. Бироқ исломчиликка ҳам, туркчиликка ҳам «пан» олд қўшимчаси қўшилиб, унинг иккала кўриниши ҳам Россия тасарруфидаги жойларда таъқибга учрай бошлади. Уларнинг маккорлиги, шафқатсизлигини билган Исмоилбек Гаспирали бошчилигидаги Россия мустамлакаларидаги зиёлилар курашнинг янги—жадидчилик деб аталмиш йўлидан бордилар. Исмоилбекнинг Туркистондаги издошлари — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдуқодир Шакурий, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Фитрат ва бошқа кўп зиёлилар бу курашнинг ўз жойларида кенг қулоч ёзишига бош-қош бўлдилар.

Улар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўз урни бор. XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқнинг бир қисми бўлмиш Туркистонда ҳам фожияли воқеалар юз берди. Россиянинг бир неча йил давом этган босқинидан сўнг Туркистон унинг мустамлакасига айланди. Шаҳар ва қишлоқлар таланди, минглаб одамлар қириб ташланди. Қанчадан-қанча одамлар ўз юртини ташлаб, ўзга элларга чиқиб кетди. Мустамлакачи ўзининг тартиб-қоидаларини ўрнатди. Халққа зугумини оширди.

Тарихдан маълумки, рус босқинидан кейин кўпчилик зиёлилар шаҳарларни ташлаб, қишлоқ ва тоғларга чиқиб кетишади. Улардан бири Беҳбудхўжа имом бўлиб, “1868 йили рус аскарлари Самарқандга киргач... оиласини олиб Самарқанд уездининг Сиёб бўлисидаги Бахштепа қишлоғига кўчиб чиқди...”²

Юрт зиёллари, хусусан уламолар бу мусибат-

¹ Б. Қосимов . Исмоилбей Гаспирали. «Ўзбегим» тўплами, Т., «Шарк». 1992, 159-бет

² Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий // «Зарафшон». 1923, 25 март.

ларнинг сабабларини **ўрганиш** ва келажакда юртни озод қиладиган авлодларга Туркистон фожиасини **тушунтириш** учун ҳам **омон** қолишлари керак эди. Орадан кўп ўтмай, Беҳбудхўжа оиласида фарзанд туғилди. Унга Маҳмудхўжа деб исм қўйдилар. Бу ҳудуд кейинчалик Кобут бўлисининг Самарқанд тумани, айни кунда эса, Тайлоқ тумани деб юритилади. Қишлоқнинг номи ўзгармаган. Маҳмудхўжа миллат дарди, қайғуси билан дунё юзини кўрди. Имом оиласидаги тарбия унда ватанпарварлик руҳини уйғотди. Табиийки, ҳар бир уйғоқ юрак миллатнинг қай тариқа бу аҳволга тушиб қолганини таҳлил қилиб кўради, изланади, ўрганади.

Маҳмудхўжа 20 ёшга кирганида отаси Беҳбудхўжа оламдан ўтади. У фарзандига нима деб васият қилгани бизга номаълум бўлса-да, унда миллатини, динини, заминини оёқости қилган мустамлакачиларга нисбатан нафратни тарбиялаб кетганлиги кундай аён дир. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаж сафаридан сўнг ўзгача инсонга айланди. Ҳаж баҳонасида йўл-йўлакай Мисрни зиёрат қилиши, Истанбулда бўлиши, у давлатлардаги ислохотлар кўзини очди. Бу ҳақда Беҳбудийнинг яқин шогирди, машҳур жадидлардан бири Ҳожи Муин ёзади: «Беҳбудий афанди уч-тўрт ёшдаги (тўнғич) ўғли ўлгани учун жуда хафаланиб, бир ёқдин қайғусини таскин этмак, иккинчи ёқдин адоий ҳаж қилмоқ мақсади билан 1317(1899) йилда ўзининг дўсти, бухоролик Ҳожи Бақо билан сафарга чиқди. Бориш-келишда йўлда Истанбул, Мисрнинг катта шаҳарларига кириб, ундаги баъзи эски-янги мактабларни, айниқса Мисрдаги “Жомеъ ал-Азҳар”ни зиёрат этди. Қайтишда Миср ва Истанбулдан турлик газета ва

янги китоблар олиб келди. Бу муборак сафар Беҳбудийга анчагина ибрат ва интибоҳ¹ бўлди. Сафар рафиқи Ҳожи Бақо янги фикрлик бир зот бўлгани учун Беҳбудий унинг йўлбошчилигидан истифода қилгон дерлар”².

Ҳаждан кейин Беҳбудий нега бирдан ўзгарди, йўл-йўлакай у кимларни кўрди ва қандай воқеаларнинг гувоҳи бўлди, сингари кўп саволлар туғилади. Бунда юқорида тилга олганимиз Шарқда миллий-озодлик ҳаракати учун кураш кенг авж олганлигини таъкидлаш жоиз. Бу пайтда Ислом байроғи остида бирлашиш ғоясини кўтарган ва Ғарбда «панисломизм» асосчиси номини олган Жамолиддин Афғоний Истанбул шаҳрида оламдан ўтган, унинг издоши ва шогирди Муҳаммад Абдуҳ эса Миср муфтийси этиб тайинланган, давлат миқёсида катта иш олиб бораётган эди. Бу икки зот ислом оламида жуда кўп ислоҳотларга эришгандилар. Лекин Россия тасарруфидаги собиқ республикалар тарихшунослари уларга нисбатан ҳаққоний баҳони бермаганлар. Моддиюнчи тарихчилар эса уларнинг фаолиятида миллий-озодлик ҳаракати ғоясини тан олишса-да, ғоявий жиҳатдан қоралар эдилар³.

Беҳбудий Миср ва Истанбулда юриб ислом уламолари амалга ошираётган ислоҳотларни ўрганди. Улар асосан исломни асраш, мусулмонларнинг бошқа диндаги халқларга оёқости бўлишини тўхта-тиш, озод бўлиш, тезроқ тараққий этиш масаласи-

¹ Интибоҳ — кўзи очилиш, ғафлатдан уйғониш.

² Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // «Зарафшон». 1923, 25 март.

³ Бу ҳақда қаранг: И.Л. Фадеева. Официальные докторины в идеологии и политике Османской империи (османизм-панисламизм). М., «Наука», 1985; М.А Усмонов ва бошқалар. Атеистик энциклопедик луғат. Т., ЎзСЭ бош редакцияси, 1988.

ни ўртага ташлаган эдилар. “Ҳижоз сафаридан кейин Беҳбудий афанди Боқчасаройда чиқатургон “Таржумон” газетасини олдириб ўқий бошлади. Иккинчи ёқдан, турлик илмий, фанний китобларни мутолааси билан маълумотини кенгайтирди. Оз вақтда дунё сиёсатидан ва замон аҳволидан хабардор бўлди”¹.

Беҳбудий сафардан кейин Миср ва Истанбулда урганган исломчилик гоёларини халққа сингдирмасдан нега “Таржумон” ва “турлик илмий, фанний” китобларнинг мутолаасига киришди? Бу саволга жавоб бериш учун бевосита шароитга мослашиб, муайян хулосаларга келган жаидчилик асосчиси қиримтатар зиёлиси Исмоилбек Гаспирали (Гаспиринский) фаолиятига назар ташлаш керак бўлади. Зеро, Исмоилбек Гаспирали Шарқда олиб борилаётган миллий-озодлик ҳаракатларидан хабардор эди. Бироқ, миллий-озодлик гоёсини очикдан-очик ҳаётга татбиқ эта олмасди. Бунга, энг аввало, маккор мустамлакачилик сиёсатини олиб бораётган чор Россияси йўл қўймасди. Турклар эса, мустақил давлат бўлганликлари учун бу гоёни очик кўтаришганди. Туркистонда мустамлакачига қарши галаён кўтаришнинг оқибати не кечишини Беҳбудий Дукчи Эшон воқеасидан² кейин англаётганди. Бу ҳақда у кейинчалик “Туркестанские ведомости” газетасининг мухбири саволига берган жавобида таъкидлайди.³ Шунинг учун маърифат йўлидан миллий-озодлик томон бораётган Гаспи-

¹ Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // «Зарафшон». 1923, 25 март.

² А.Эгамназаров. Сиз билган Дукчи Эшон. Т., «Шарқ», 1994.

³ Г.Ангреев. Самарқандский журнал «Айна» и его редактор — издатель Махмудходжи Бегбуди // «Туркестанские ведомости». 17 сентябрь. 1915 г.

ралининг изидан эргашди ва жадиличлик оқимига қўшилди. Беҳбудий қиримтатар зиёлисига кўр-кўрона эргашгани йўқ. У ўқиди, дунё сиёсатини, тарихини ўрганди ва ақл билан Гаспирали бошлаган ишга қўл урди. Беҳбудийнинг гоёвий шаклланиши борасидаги фикр Ҳожи Муиннинг Беҳбудий ҳақидаги хотирасида ҳам бор: “Беҳбудий афанди 1901—1905 йилларда фикри инқилобга учраб, эътиқодсиз юрган бўлса-да, лекин сўнгра кўб мутолаа соясида ва ҳам диний, фалсафий масалаларни текшириш натижасида эътиқодини тасҳиҳ ва табдил этди. Тараддуд ва шубҳалардан чиқиб диндор ва маҳкам эътиқодлик бўлди”¹.

Беҳбудий ислом гамида, миллат равнақи йўлида ёниб яшади. Унинг ёзганларида ҳаётдаги истаклари, изтироблари акс этган. У илк мақолаларини бирдан газетада чоп этгани йўқ. У турли йиғилишларда уламолар билан фикр алмашган, ёзганларини ўқиб берган. Улардан зарур ва сиёсатга мос келадиганларини Туркистондаги ягона ўзбекча нашр “Туркистон вилоятининг газети” (бундан кейин “ТВГ”)га жўнатиб турган. “Маҳмудхўжа Ҳижоз сафаридан сўнгра Туркистон халқининг илмий ва ижтимоий аҳволига доир хотирига келган баъзибир фикрларни (бошқа газета йўқлиги учун) “Туркистон вилоятининг газети”да ёзиб тургон. Ёзгон нарсаларини қўлига кўтариб мажлисга бориб ўқиб юргон”².

Беҳбудийнинг Ҳижоз сафари 1899 йилга тўғри келса, биз унинг номи билан чиққан мақолалари-

¹ Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // «Зарафшон». 1923, 25 март.

² Сағриддин Айний. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қис-қача таржимаи ҳоли // «Меҳнаткашлар товуши». 1920, 8 апрел.

ни “ТВГ” да 1903 йилдан бошлаб кузатишимиз мумкин. Бироқ Ҳожи Муин хотирасида бунинг санаси аниқ кўрсатилган: “Туркистон ўлкасида миллий газета йўқлиги ва “Таржумон” шевасининг оғирлиги ҳам Туркистонда керагича тарқалмагонлиги учун Беҳбудий афанди 1901 йилдан эътиборан Тошкентда чиқмоқда бўлгон миссионер Остроумовнинг “Туркистон вилоятининг газетаси” да мақола ёза бошлади”¹. Зиё Саид ўз асарида² “ТВГ” да Беҳбудийнинг 1905 йилдан кейин қатнаша бошлаганини таъкидлайди.

Зиё Саиддан аввал ёзилган икки хотирада жон бор. “ТВГ”нинг тахламларини ўрганишимиз жараёнида маълум бўлдики, 1903 йилгача “Самарқанддан мактуб” рукнида босилган фикра ва хабарларда муаллиф номи қайд этилмаган. 1903 йилги 13-сонидан бошлаб Беҳбудий номи ёзилибди. “Самарқанддан мактуб” рукни эса 1901 йилдан қўлланилган. Биз муаллиф номи ёзилган мақолани расман унинг биринчи публицистик асари деб ҳисобладик. Беҳбудий у пайтларда хатиблик вазифасида ишлагани боис мақола ҳам шу мавзуга бағишлангандир.³

Мазкур мақола Самарқандда қозиларнинг сиртдан қарор чиқариб юборишларини ислоҳ этишга бағишлангандир. Судга чақириш тартиби, чақириқнома (повестка) юбориш, чақириқномани олганлиги тўғрисидаги тилхатнинг намуналарини ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади. Бу билан у маҳаллий халқни мустамлака ҳукуматнинг қонун-

¹ Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // «Зарафшон». 1923, 25 март.

² Зиё Саид. Танланган асарлар. Т., Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 26-бет.

³ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Самарқанддан мактуб // «ТВГ». 1903, 14 феврал.

қоидаларини, тартиботларини ўрганишга ҳам давлат этади.¹ Кейинги ёзган “Самарқанд уезди ва амсолина доир мақолаи шаръия”сида эса деҳқонларга етказилаётган зарарлар ҳақида тўхталади. Яъни, бунда ҳам қонун-қоидаларни билмаган маҳаллий халқнинг азоб чекишларини тасвирлайди, уларни мавжуд имкониятлардан фойдаланиб яхшироқ яшашга чорлайди². Бу пайтда “ТВГ” “Дурадгорлар рисоласи”ни чоп этади. Беҳбудий бу рисола-нинг “фосид ақида” эканлигини шариат нуқтаи назаридан шарҳлаб мақола ёзади³.

Шу зайддаги изланишларидан юртга ислоҳотлар зарурлигини, ислоҳотларни эса билимли фуқаро тушунишини, амалга оширишини англаб этади ва маориф ислоҳига киришиб кетади.

Рисоламизнинг бошидаёқ Беҳбудий бугунги журналистлардек “Мен публицист бўламан” деб ўз олдига мақсад қўймаганлигини таъкидлашни истардик. Унинг асосий мақсади юртни мустамлакачилардан озод кўриш, шунинг баробарида, бу озод юртда давлатни бошқарадиган ақлли сиёсатчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, фидойи олимлар ва фозил фуқарони кўпайтириш эди. Ана шу мақсад йўлида у қўлига қалам олди.


Демак, публицистика Беҳбудийнинг ўз мақсадларини амалга оширишида восита бўлган ва адиб ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган.

Худди шу ўринда Беҳбудийнинг ёзган мақолалари икки даврга тўғри келишини айтиб ўтиш жоиз. Чунки ҳар бир даврдаги мақолалар бир-биридан фарқ қилади. Биринчи даври 1917 йил февралига-

¹ «ТВГ», 1903, 14 февраль

² Ўша газета, 1903, 16 март.

³ Ўша газета, 1903, 30 март.



ча, иккинчиси — 1917 йилдан умрининг охиригача. Биринчи даврда унинг мақолаларида маърифатпарварлик ғоялари биринчи мавқега чиқса, иккинчи даврда сиёсий-ижтимоий оҳанг асосий ўринга кўтарилади. Улар ҳақида алоҳида-алоҳида фикр билдиришга ҳаракат қиламиз.

ҲУРРИЯТГА ЧОРЛАГАН ПУБЛИЦИСТИКА

1 - ф а с л. **МАЪРИФАТ ЛИБОСИДАГИ ОЗОДЛИК**

Ҳақиқий публицистни “жамият табиби” дейдилар. У жамиятнинг қаерида қандай “дард”и борлигини билиши ва “даволаш” йўлини кўрсатиб бериши лозим. Акс ҳолда, табиб деган номга нолайиқ ҳисобланади. Маҳмудхўжа Беҳбудий худди шундай “табиб”лардан бири эди. У ўзи яшаган жамиятдаги барча иллатларни, жумладан, Туркистоннинг мустамлака бўлиш сабабларини ҳам ўз мақолалари, нашрлари орқали кўрсатиб берган инсондир. Унинг ўша қаттол замондаги қуроли ҳеч эскирмайдиган қурол эди. Бу қуролнинг номи маърифатдир.

Беҳбудий барча фикрларининг таначаларини, қонини маърифат билан тўлдирди. Маърифатни эса ҳеч кимса инкор эта олмаслигини у биларди. Шунинг учун бу байроқни у баланд кўтарди.

Унинг илк чиқишларида “жугрофия” мавзуи кўп учрайди. Бора-бора янги мактабларда уни фан сифатида ўтиш лозимлигини уқтиради. Ўзи эса биринчилардан бўлиб бундай дарсликни яратади. Беҳбудийнинг жугрофияга оид китобларини ҳам маърифий публицистик асарлари қаторига қўшиш мумкин.

Мисол тариқасида 1906 йили Санкт-Петербургда чоп этилган “Мунтахаби жугрофияи умумий”

китобига мурожаат қиламиз. Беҳбудий нега жуғрофия дарсининг янги мактабларда ўқитилишида собит туриб олди? Бу дарснинг замирида нима бор эди? Келинг, аввало сўзнинг маъносини Беҳбудийнинг мазкур китобидан оламиз: “Жуғрофия” деган сўз юнон лугати арабийга таъриф арзи маъносига, яъни ер ва туфроқни баён қилатурғон илми отидур. Жуғрофия илмини неча нафъ фойда ва баёнлари бўладур”¹, деб бу фаннинг сиёсий, тарихий, диний фойдаларини батафсил очиб беради. Беҳбудий жуғрофия ва тарих ҳақидаги фикрларини матбуотда ҳам давом эттиради. Хусусан, бир мақоласи “ТВГ”нинг 1905 йилги 12—13-сонларида “Жуғрофия илми” сарлавҳасида босилиб чиқди. Бу пайтдан бошлаб биз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг матбуотда фаол қатнаша бошлаганининг гувоҳи бўламиз. Ушбу мақола жаҳид мактабида ўқитилаётган ва кўп тазйиққа учраётган² жуғрофия дарси ҳақида ёзилган бўлиб, унинг ҳаёт учун зарурлигини муаллиф жуда ишонарли фактлар билан исботлаб берди: “3 минг санадан бери йилдан-йилга ривож топиб бир неча асрдин бери ниҳоят мартабада тараққий қилиб, нафъ бўлиб, ҳатто ҳозирги санага болалар мактабиға ҳам ушбу илми муқаддимасидан бошлаб дарс берадурлар. Дунёда тургувчи одамни ал-фунунлариға ўқиладурғон муътабар ва кераклик илм ва фунунларни бири ушбу жуғрофия илмидур”³

Янгиликни мутаассиблар қабул қила олмас, уни турмушга олиб кириш учун эса тушунарли,

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Мунтахаби жуғрофияи умумий. Самарқанд, Демуров, 1906, 105-бет.

² «ТВГ», 1905, 11 феврал.

³ Ўша газета, ўша сон.

ишончли ва муътабар фактлар кўрсатилиши лозим эди. Бу ишни Беҳбудий жуда оддий ва ибратли далиллар орқали уддалаган, яъни ўша пайтда араблар қиладиган ишлар ерли халқ учун жуда ибрат бўла оларди: “Ҳатто Арабистон аҳли уқийдур. Камина рақами ҳуруф вақтики Мадинаи мунаввара ва ҳарамии Набавийя зиёратига мушарраф эдим, кўрдумки, мактабларига илми диния ила баробар замони ҳолияни кўрган илм ва фунунлари ушбу жуғрофия фани ўқиладур. Ҳарамии шариф ичидаки мактаб ибтидои араб шогирдлари бизни Россия мамлакатадаки баҳри Ҳазар — Каспий денгизи, яъни Красновудск ила Боку ораларидаки кўл, денгизни аҳвол жуғрофия, тул арз умқ(чуқурлик- **Ҳ.С.**) мавқеи атрофидаги мамлакати ва ҳавосидан баҳс қилуб, ўқуб тургонларини кўрган шоҳидлардан бизни Самарқандда бордур. Ҳар шаҳарда ҳам кўрган киши бўлса керак. Араблар юнон тилларидан таржима қилиб, сўнгра ўзларидан қўшибдурлар. Тараққийларига барча қаторига ушбу ҳам ривож бериб мусулмон уламо ва сайёҳ донишмандлари бир неча китоблар ушбу илмга тасниф қилиб ҳам нафъ олганлари тарих ва жуғрофия китоблари ила собитдур”¹.

Публицист халққа таъсир этишнинг барча йўлларидадан фойдаланади. Чунки танбал уламнинг ҳеч бўлмаганда ушбу китобни бир ўқиб чиқишларини истайди. Танбаллик шу даражада эдики, бидъатчиларнинг биргина гаплари билан ҳар бир мусулмон чўчқа гўшти ушлагандек, таъқиқланган китобдан ҳазар қилишарди. Керакли ёки кераксиз жиҳатларини кўрсатиб беришдан аввал уни одамлар ўқишлари лозим эди. Демак, уламони уйғотиш учун у

¹ Ўша газета, ўша сон.

матбуот орқали чиқиш қилиши, чиққандаям ишонар-
ли мисоллар билан унинг афзаллигини кўрсатиб
бериши зарур эди. Жумладан, маҳаллий халқнинг
пайғамбаримиз ватанига бўлган муҳаббатини бил-
ган Беҳбудий у ердаги янгилик орқали ўз халқини
ушбу фанга, яъни ўз юртини билишга қизиқтира-
ди, чорлайди.

“Ер юзидаги тамоми подшолар, миллатлар, фирқа
барча подшоларни мамлакатини ва саътий ва ҳуду-
дий фуқаросини ададини қувваи аҳволидан мазҳа-
би оян, қувваи тижорат, саноат ва бошқа одамизо-
тга тааллуқ ишлар жамият башарияси, пайдо ҳаво-
дис (ҳодисалар - **Ҳ.С.**) ва мухтариотларни (ихтиро-
лар - **Ҳ.С.**) аксари ушбу илмга баён бўлуб, жугро-
фияи имроний, жугрофияи сиёсий ва бошқа
исмлар ила аталадур. Инчинун, ерни, денгизларни
аҳволи бу масоҳат умқий, саҳни, ер ва шакл ваҳий-
ятга эканлиги, осмон, офтоб, ой ва бутун юдузлар
ила орасига бор муносабати, ер нима устига ва қан-
дай турганлиги, кеча ва кундузни ихтилофи, тўрт
фаслни сабаби ва жуди (саховат - **Ҳ.С.**) бизга кундуз
бўлуб турганда... муқобилдаки Америка қитъасига
оқшом ҳукм қилиб тургани ерни бир нуқтаси”¹ экан-
лигини таъкидлайди.

Шу каби маълумотлар халқ учун жуда катта аҳбо-
рот ҳисобланарди. Беҳбудий бу илмни ўрганиш учун
нега жон куйдирди? Бу ҳақдаги фикрларини доим
парда остида айтиб юрган публицист 1908 йили жа-
дид мактабларига қолоқ уламо томонидан ҳужумлар
кучайгач, очигини ёзишга мажбур бўлди. Бу мақола
ҳақида фикр юритишдан аввал Беҳбудий ҳаётидаги
айрим воқеалар хусусида ҳам тўхталамиз.

¹ «ТВГ». 1905, 11 феврал.

1908 йил Беҳбудий мақоланавислигининг энг сермаҳсул давридир. Бунга 1907 йил унинг учун саёҳат йили бўлганлиги, хусусан, Россиянинг Санкт-Петербург, Қозон шаҳарларига борганлиги, шунингдек, Фарғона вилоятидаги аҳвол билан танишиб, тараққийпарвар, юрт озодлиги учун кураш истагида ёнган инсонлар билан фикр алмашганлиги бу ижодга замин яратади. Ушбу саёҳатлар таъсири ва Туркия давлатида содир бўлган ички инқилоб унинг келажакка бўлган ишончини бир қадар кучайтиради. “Муҳораба мусулмонларга ёқарму?” (1908 йил, 15-сон), “Баёни маъзурат” (1-сон), “Баёни ҳол” (19-сон), “Бир афсуслик хабар” (30-сон), “Мажлиси имтиҳон” (33-сон), “Мутолаахона” (48-сон), “Қабристонни муслимин” (51-сон), “Қонун” (63—65-сонлар), “Таърих ва жуғрофия” (90-сон), “Тавзеҳ” (94-сон) каби йигирмага яқин мақоласи “Туркистон вилоятининг газети”да босилиб чиқади. Маҳаллий тилни яхши билган газета муҳаррири Н. Остроумов шу йили тараққийпарварлар билан қадимчилар ўртасида нифоқ учун майдон очади. Бунда муҳаррир икки томоннинг ҳам фикрини очиқ беради. Масалан, Раҳматулло Раҳим жаид мактабларига қарши “Бузуқ мактаб боласи усули жадида”¹ сарлавҳали мақоласи билан чиқади.

Газетада фикрини айтиш учун имконият яратиб берганлиги учун муҳаррир шаънига илиқ сўзлар айтиш мумкиндек кўринади. Лекин унинг бу “хурфикрлиги” замирида тараққиётга интилаётган маҳаллий зиёлиларни ва ортодоксал мусулмончиликни сақлаб қолишни ўйлаган қадимчиларни бири-бирига зид қўйиб, улар орасига ихтилоф солиш ния-

¹ «ТВГ». 1908, 11 июнь.

ти борлигини ҳам сезиш мумкин. Иккинчи томондан, у газетасини мусулмон зиёлиларига очиб беришга мажбур эди. Чунки 1906—1907 йиллари чиққан “Тараққий” газетаси ва издошларининг ёпилишига Н. Остроумовнинг шахсий мулоҳазаси асос бўлганди.¹

Баҳслар шу даражага етадики, муҳаррир айрим мақолаларга сузбоши ёзиб, муаллиф ёки унинг мақоласининг “попутини пасайтириб” ўқувчи муҳокамасига ташлашга мажбур бўлади. Улардан бири Беҳбудийнинг “Таърих ва жугрофия”² мақоласидир. Мақола катта шов-шувга сабаб бўлган. У тезликда “Охранка” томонидан таржима қилинган. Бу таржима ва изоҳ Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланмоқда. Тўғри, Беҳбудий мақолани жуда мураккаб тилда ёзган. Унда араб, форс сузлари кўп ишлатилган, устига-устак жумлалар ҳам жуда узун. Беҳбудий публицистикасида атай мураккаб тилда ёзилган бундай мақолалар, оз бўлса-да, учраб туради. Масалан, “Самарқанд” газетасининг охириги сонларидан бирида босилган “Миллатнинг бошчиси талаб киромга”³ мақоласи ҳам юқоридагилар сирасига киради. Яъни улар миллатнинг илмли кишиларига қаратилган мурожаатдир. Хўш, Беҳбудийнинг “Таърих ва жугрофия” мақоласида нималар ёзилган? Нега уни “Охранка” тезлик билан таржима қилдирди?

Бунга боис жаҳид мактабларига қарши ёзаётган, гапираётганлар фикридан, аниқроғи, Беҳбудий ўзини нодонга чиқаришганидан таъсирланганидир. Шунча йил халқни уйғотиш учун ўз маблағига

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. 461-фонд, 1-тавсиф, 942-иш.

² «ТВГ». 1908, 30 ноябр.

³ «Самарқанд» 1913, 6 сентябр.

китоб ва мақолалар ёзиб, меҳнат қилиб, пул сарфлаб мактаблар очса-ю, ишининг моҳиятини қадимчилар, таъбир жоиз бўлса, халққа сўзи ўтадиган зиёлилар тушунмагач, у рус зугумидан ҳам қўрқмай жуғрофия фанининг зарурати соясида масаланинг моҳиятини очиб беради: “чунки бугунги талаба, кўрамиз, эртага илмми аъзомиз бўлурлар. “Кабират бамувт ал-Кубарро” ҳукминча ояндадаки киборимиз — бугунги гуруҳ сағиримиздин (ёш болалар, кичкиналар — **Ҳ.С.**) ташкил топилур керакки, бунлар ва асл замонадин ва асл замонамизни бизим бобдаки афгорларидан (яра, жароҳат — **Ҳ.С.**) огоҳ бўлсунлар. Аҳли замонамизни яҳудий, армани ва ўзга ажнабий ҳаммамлакатларимизни тараққийи миллий ва илмий ва маданияларидин ва биз мусулмонларга қаю йўл ва сабаб ила галаба қилгонларидан беҳабар бўлуб аларга балки мағлуб бўлмаслигимиз йўлларини, лозимдурки, билсунлар, билиб муқобала бўлмаслик қоидасинча ҳаракат қилуб, дин ва миллатимизни сохласунлар”¹.

Дин ва миллатни сақлаш — асосий вазифа. Бунинг учун эса ўзгаларга мағлуб бўлганимиз сабабини англамоқ, қолаверса, энди уларга ютқазмаслик, муте бўлмаслик йўлларини ўйламоқ даркор. Бунинг учун ҳоким давлатга очиқ қарама-қарши турмай, армон бўлиб келаётган илмми жамият қуриш учун қайғурсинлар, деган хулосани айтади. Бунинг учун ўтмишда боболар мавқеи қай даражада бўлганлигини кўрсатиб беради. “Замони собиқда жисмоний ва руҳоний ва маънавий қалъа ва ҳудудларимиз бор эдики, алар сабаби-ла миллат ва динимиз муҳофаза ва маросим малфуф (ҳимояланган, ўралган) қолур эди.

¹ «ТВГ» 1908, 30 ноябр.

Ҳозирги замонга на ҳад қолди, на ҳудуд, на қалъа қолди. Замони илм ва маориф бўлди. Илмсиз миллат, илмсиз қавм асир ва заиф қолур. Илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунёни ҳаёти йўқ, агар бўлса-да, саботсиз, бу илмлардан ёлғуз сарф ва наҳв, мантиқ, калом ва фикҳ эмас, балки алар устига ҳикмат, сиёсат, таърих, қадима ва жадида илм ва аҳволи замони ҳозира ва алсанаи муҳовара(суҳбат — **Ҳ.С.**) ҳам пругром таълим ва тадрисимизга керак. Дохил бўлсун, токи дунёи кўҳнамиз ва дини мубаййини (баён — **Ҳ.С.**) ислом ва онинг таърихи тараққийси ва тарвиж ва нияти ва бутун гиреҳи (қийинчилик — **Ҳ.С.**) арзиға интишорини (ёйилиш, тарқалиш — **Ҳ.С.**) билиб ва салаф киромимизни илм тўғрисидаки ғайрат ва сарф ҳимматларидан ғайрат ҳосил қилайлук. Сўнгра уч-тўрт асрдан бери бутун олами исломга воқеъ бўлган таназзул ва интиҳот (тушкунлик, сустлик) ва идборға (бахтсизлик, иши олдинга бормаслик — **Ҳ.С.**) воқиф бўлайлук ва анинг даво ва чорасиға жустижў (қидириш — **Ҳ.С.**) этойлук”¹.

Бу кўчирмани ўқиб, худди шу аҳволда қолган ва ХХ асрнинг ўнинчи йилларида тараққиёт учун илмий замин - маорифини ривожлантиришга интилган Япония кўз ўнгимизда гавдаланади. Беҳбудийнинг бу йўли орқали ҳаракат қилганимизда биз ҳам Япониядан ортда қолмаган бўлармидик...

Беҳбудий ўзининг жуғрофия китобларида ҳам, мақолаларининг кўпчилигида ҳам мана шу кўчирмадаги фикрни турли шаклларда ифодалайди, яъни “илмсиз қавм, илмсиз миллат асир ва заиф қолур” ёки “илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунёни ҳаёти йўқ” ва шу каби тушунтиришларидан сўнг

¹ «ТВГ» 1908, 30 ноябр.

“Шундай қудратли давлат нега ўзга юртнинг тасаруфига қолганлиги ҳақида ўйла”, деган савол-ўғитни ўртага ташлайди.

Шарқ донишманди бир масала хусусида сўз юритар экан, вазминлик билан фикрлайди, ёзади. Беҳбудий даврининг энг мураккаб дардини ҳам ана шундай шарқона назокат билан кўтариб чиқади. Энди бевосита мақола моҳияти хусусида сўз юритар эканмиз, публицистнинг ўқувчини ўзи билан бирга мулоҳаза юритишга ундаганлигини, бирга таҳлил қилганлигини таъкидлашни хоҳлардик. Таҳлил мураккаблаша бошлаганини сезгач, у мақоласига жолис — ҳамсуҳбатни олиб киради. Публицист эса унга жавоб беради. Бу ерда Беҳбудий асосий фикрни кенг таҳлил этиб беришни хоҳлайди: “Биз бу мусаддани ёзар экан, жолисимиздан бири сўрадики, матлабни ошкора сўйланг. Биз алан қандай таназзулдамиз ва илгари на кайфиятда эдук? Ман дедим: бу қисса дур ва дароздур, балки сизнинг ҳусули(ҳосил - **Ҳ.С.**) фикрия ва майдони илмиянгиз ҳудудидан хориждур. Бу қиссаи пургуссадин маълумот олмоқ ва воқуф ҳосил этмоқ учун жуғрофия ва таърихдан хабардор бўлмоқ лозим. Келур ҳол буни алар сизнинг наздингизда ашуладин ва ҳарза (бекор, беҳуда - **Ҳ.С.**) куйлик дин ҳам дунроқ (разил, паст - **Ҳ.С.**) ратбагадур. Хулоса таърихий ва вуқуот мозияни мухтасар суратда баён қилайин. Шоядки, бир фикри ажмали (гузал - **Ҳ.С.**) ҳосил этсангиз ва, шоядки, сизча бидъат ва куфр ва залолат ва бизча ҳам шариятча фарз ва зарурат даражасидаки жуғрофия ва илми сиёсат замонийя ва жароид нафъийяға муҳаббат кўзи ила боқиб, андин дунё ва охиратинги-

зга фойдалик нимарсаларни орттирмоқ ва ибрат ҳосил қилмоқ учун бир олти ой доимо ўқуб кўрсангиз”¹.

Демак, публицист мақоланинг асосий мақсадига кўчди. Жолис сифатида қабул қилинган бу ғойибона суҳбатдошни Беҳбудий билан курашиб юрган, жаид мактабини “бузуқ” деб қабул қилаётган, ҳали қайси томон ҳақу ва қайсиси ноҳақлигини аниқ билмайдиган газетхон, деб ҳам қабул қилишимиз мумкин. Чунки ушбу мақолани ўқиётган киши жолис сифатида қатнаша бошлайди, яъни мақола қуйидагича давом этади:

“Жолисимиз деди: Сўйланг, қулогим сизга? Дедим: Таърих дерки, мусулмонлар 500 сана муқаддам замонгача ўз Қуръон ва подшоларига, ўз шарият ва амирларига тамоман тобеъ эдилар. Яҳудий, насроний, мажусий тоифаларидан юз миллийунлари ила зам (қўшилган, қўшиш — **Ҳ.С.**) фуқаролари, тобеълари бор эдики ул замонни бири, яъни ер юзидаги халқи Оллоҳни учдан бирини амали Қуръон ила ва табиати мусулмон уламолари қайдига ер юзига бир минг беш юз миллийун одам тахмин қилинган ва ани 300 миллийундан фазласи (ортиқча — **Ҳ.С.**) ислом ила мутададйиндур (диндор — **Ҳ.С.**). Демак, тўрт-беш аср муқаддам бир қадар ажнабий табъи исломийямизда (исломий дидимизда — **Ҳ.С.**) бор экан ва аҳли иймон... исломийяга тобеъ эканлар илми таърих буни ила сокин (жим — **Ҳ.С.**) бўлмайдур. Яна бу салот бани одамни кайфият иймон ва таслим ва тарбияти ва аларнинг сабаби ҳам шарҳ ва баст (ёймоқ — **Ҳ.С.**) этар. Жугрофия ўқуғон таърихиянинг зарифидурки, 500 сана муқаддам ҳудуд доираи му-

¹ «ТВГ» 1908, 30 ноябр.

қаддаси ислом ва они ер юзида ҳоиз бўлган тул (узунлик) ва арз ва масоҳат (ер ўлчаш) сатҳийя ва ҳайъат табииясини, хариталарини ҳўл ва қуруқларини мубмамороя(?) этар, мусулмонларни асират имрония ва маданияларини мавзуҳо баён этарларки, таърих ва жуғрофия қорилари ва мутафуннунларини ҳайрат ва ҳамиятлари бўлур. Хулоса, вуқуот(воқеалар — **Ҳ.С.**) ва ҳудудот исломиянинг бу саҳифалари қуръотидан(донолик — **Ҳ.С.**) кўнгуллар иншироҳ топар. Инсон ўзини бир лаззати руҳийя ичида мустазиҳ ҳис этарки, аҳли унданда минг карра мусалламдур (инкор қилинмаган, маъқулланган — **Ҳ.С.**). Эй жолиси муҳтарамим, сиз ҳануз таърихи умумий ёинки таърихи исломга мубтадиъ даражасинда ҳам эмассиз ва жанобинғизни замони собиқа, замони мутавассата(ўрта — **Ҳ.С.**), замони охира ёинки қирван(кўп — **Ҳ.С.**) қадима ва жадида таъбирлари ила саргардон этмайин, балки хулосатал хулоса таърихийяни мухтасар натижасидан айтмоқчиман.

Таърих дейурки, бир замон келдики, уламо ва умарои ислом жубун ва танбал айш (турмуш — **Ҳ.С.**) бепарво, дигар тарафдин бир-бирлари ила муҳолиф бўлдилар. Таълим ва тадриси уламои дин лодонлар мажлисини таржиҳ (устун — **Ҳ.С.**) этдилар. Умаро ва салотин(подшолар, султонлар — **Ҳ.С.**) ислом ноҳақ ерга юз минглаб аҳли ислом қонини тўкуб, тараф-тараф бўлдилар. Уламо бўлса умаро нониға ва маошиға кўз тикиб муқобилларини такфирлариға қадар илгари кетдилар. Хусумат масҳабийя ва таъсиб илмийяга аҳамият бердиларки, насроният оламидаки ва папалиқ замониндаки ихтилофларға монанд низолар олами исломни парчаланмоқиға сабабият берди”¹.

¹ «ТВГ». 1908, 30 ноябр.

Публицист буюк салтанатнинг фожиасини очиб бераяпти. Тўғри, гап чўзилган, кўпчилик сўзлар тушунарсиз, туркийда ёзилмаган. Муаллифнинг бу йўлини биз юқорида айтгандик, яъни публицист бу мақоласини юртнинг зиёлиларига қарата ёзган эди. Иккинчидан, мақола цензура қайчисига йўлиқмаслиги ҳам шарт эди. Муаллифнинг маҳорати шундаки, бунда ўзаро ички ихтилофлар, илмга бефарқлик буюк давлатнинг емирилишига сабаб бўлишини очиб бермоқда.

Мақоланинг салмоқли бўлишида фактлар катта аҳамиятга эга. Бу фактларга публицистнинг дардли сўзлари йўғрилса, у сўзлар тошни ҳам эритиб юборади. Беҳбудий қанчадан-қанча мамлакатлар қўлдан кетганлигини қайғу билан тасвирлайди. Мақоланинг композициясини белгилаган жолис - суҳбатдошга мурожаат қилади: “Эй биродар, таърихи исломни қоралайдургон саҳифалари хулосасини натижасиндан сизга арз қиларманки, ер олами кетди, кетадур”¹.

Муаллиф Оврупонинг жануби-ғарбидаги ва Сибир томондаги қўлдан кетган мамлакатларни бирма-бир санайди: “Хулоса, Оврупони жануби-ғарбидаги мамолики исломия маҳв ва нопадид (кўринмас, таъсирсиз — **Ҳ.С.**) бўлди. Аҳли исломиясини баъзиси ҳайдалди. Баъзан асир, баъзан таҳриқ қилдурилди ва бу кун улардан на ном бор ва на иймон. Оврупо васаттига қарасангиз, Серб, Булғор, Қирим, Курид, Қибрис, Юнон, Рум ила хитталари (ўлка, ер юзи — **Ҳ.С.**) кетди, ҳоло кетмақдадур. Бир карра Африқо харитасига назар қилайлук. Танжа кетди, Тароблис, Тунис, Занжибар, Судан, Мадагасқар исломиялари қисман кетди ва қисман кетмақдадур...”²

¹ «ТВГ». 1908, 30 ноябр.

² Ўша газета, ўша сон.

Публицист зора аҳволни кўрар деган умидда суҳбатдошини харитага назар ташлашга чорлайди. Бардош бера олмайди, йиғлайди.

“Энди маҳди(бешик — **Ҳ.С.**) қадим инсоният ва мазҳар кул одиён ва майдон, тараққийи исломият бўлган Осиё қитъаси харитасига таважжуҳ қилармизки, 3 аср охири зарифинда на ҳолатга келмиш. Оҳ, мунда қалам титраюр, қалб йиғлайур. Бир бағри ёниқ дерди: “Оҳ, нодон мури шуд, оҳ нодонга ўлат келсун”. Осиё қитъасига кини(душман — **Ҳ.С.**) балад(шаҳарлар, мамлакатлар — **Ҳ.С.**) исломиядан уламои ислом тасарруфидан овруполиклар тасарруфига ўткан амсор ва амлок исломияни ман тавсиъ(кенгайиш, ёйилиш — **Ҳ.С.**) ва тиъдод(санаш, ҳисоблаш — **Ҳ.С.**) этмайин-да, сиз-да ёлгуз икки-уч асрдан бери умум насронийя тасарруфига киргон мусулмонлар ададини кўрсатгувчи рақамларни ёзмоқ ила бу карра иктифо(кифояланиш — **Ҳ.С.**) қилурман...

Азиз жолисим, сизга сўйлаб турибман, фаҳмлайсизму? Ҳайҳот, ҳайҳот, умумий Осиё қитъасига 600 миллиун қадар мусулмон борки, андин 10 миллиун Осиёи сафро ва жазиратул-Арабга сокин ва Усмонли ҳукуматиға тобеъ, 9 миллиун Эронга, 6 миллиуни Афғонга, 2 миллиуни Бухоро, миллиуни Хива, 1 миллиуни Булужистон, 12 миллиуни Ҳайдаробод деган, 1 миллиуни Уммон ва миллиундан ками Жумҳур ҳукумати исломиясиға тобеъ бўлуб, бақя 50 миллиуни Хитой ва 50 миллиуни инглизга ва 50 миллиун қадари, яна 40 миллиуни Жазоир Баҳри Кабир мусулмонлари ила баробар Инглис, Франса, Каландия, Испания, Россия ва ўзга давли(давлатлар — **Ҳ.С.**) насрониясиға тобеъ... Биз Осиёи васатий (ўрта) ва шимолий сокинларидан Россия

давлатига тўғридан-тўғри тобеъ. Бухоро ила Хива ҳукуматлари давлатимизни ҳимоятигадур. Юқорида баён бўлган ҳукумати исломияда фақат Усмонли ила Эрон давлатлари дохийий ва хорижий ишларига мустақил ва қаламаси давла нуқтадора (бўйинсунилган — **Ҳ.С.**) насрониянинг барисини ҳамият ва нуфузига тобеъ ва эркак-хотун кабидур”¹.

Таниқли олмон олимаси Ингеборг Балдауф Беҳбудийнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиб, уни ўрганган хорижий тадқиқотчиларнинг энг сермаҳсулидир. Бу олима Беҳбудийнинг ушбу мақоласини ўқиганда эди, балки “бир диндаги кишиларнинг яқинлиги ясамадир, чинакам бирдамлик эмас; камдан-кам ҳоллардагина Беҳбудий “барча мусулмонларнинг бирлиги” тўғрисида сўз юритади. Маҳмудхўжа тушунчасидаги бирдамлик фақат унинг ўз миллатига тааллуқлидир. Миллат эса, фақат диний эмас, балки диний ва маконий нуқтаи назардан таърифланиши лозим, яъни Беҳбудий “барча мусулмонларнинг бирлиги” деганда, фикримизча, биринчи навбатда Ўрта Осиё мусулмонларининг бирдамлигини тушунган бўлса керак. Шу бирдамлик тушунчаси Беҳбудийнинг сиёсий нуқтаи назарини ҳам белгилайди”² деган буларди. Чунки Беҳбудий мусулмон оламининг ғайриисломий давлатлар томонидан на тариқа поймол этилаётганлигини таҳлил қилади. Лекин ҳақиқатан ҳам у бирор мақоласида бутун олам ислом давлатлари тасарруфига ўтсин, деган маънода фикр юритмаган.

Бу мақоладан сўнг “ташкил қилинган” жанжал расман юқоридаги кўчирманинг айрим фикрлари-

¹ «ТВГ» 1908, 30 ноябр.

² Ингеборг Балдауф. Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1993, 21 май.

га таянган. У мақолага ҳали тўхталамиз. Бундаги асосий фикр эса икки мамлакат — Туркия ва Эронгина ҳеч кимга тобе эмаслиги ва бу “аҳли исломга ибрат” бўлиши таъкидланади. Мақола ҳадисдан олинган ибратли фикр билан якунланади: “Жолисимиз дейур: Оре, худо қилди, ман дедим: “Олган барча яхши нарсаларинг худодан, бошқалари ўзингдандур”¹. Яъни, “Ҳаммаси худодан”, дейдиган кишиларга нисбатан Беҳбудий ишончли манбалардан кўчирма келтириш билан жавоб беради. Беҳбудийнинг бундай маҳорати мақолага куч-қувват багишлаган. Араб тилида, Қуръондагидек кўчирилган бу кўчирма ҳам “Охранка” учун таржима қилиб берилган. Бунда биз юқорида мақола “зиёллар учун ёзилган”, деган фикримизга яна бир далилни кўрамиз. Чунки Қуръонни ҳар бир киши ҳам тўтридан-тўғри таржима қилиб, тушуниб кетавермаган. Беҳбудий бу фикри билан ислом мутаассибларига катта зарба беради. Чунки мутаассиблар “Бизнинг гайридинга мутеъ бўлишимиз ҳам худодан”, деган ақидани байроқ қилганча, ўзларини ҳимоя қилиб, халқни тинчлантириб юришган. Беҳбудий эса бу мутеликнинг ёмон ҳол эканлигини исботлаб, ёмоннинг эса худодан бўлмаслигини, Яратганнинг ўз китобидан исбот топиб зарба беради.

Лекин Остроумов ёзган шарҳнинг мақолага бир қадар таъсирини айтиб ўтиш жоиз. Чунки Остроумов маҳаллий тилни яхши ўзлаштиргани боис ҳар бир жумлани синчиклаб ўқиган, мақоланинг моҳиятидаги фикрни тушуниб етган. Аммо мақолани босмасликка имкон бўлмаган. Балки фитна уюштириш учун ҳам берилган бўлиши мумкин.

¹ «ТВГ». 1908, 30 ноябр.

Муаллиф мақоласининг бошида “муҳаррири муҳтарам”нинг айрим фикрлари “устодона ва пирона” эканлигини маданият нуқтаи назаридан “келиштириб” ёзган. Бундай мақтовлардан сўнг, Остроумов мақолани беришга қарор қилгандир. Бироқ, ҳар эҳтимолга қарши мустамлакачи нуқтаи назаридан Беҳбудийнинг мақоласи, жумладан, жаид мактабларида жуғрофия ва тарихни жорий қилиш дастуридаги камчилик ва нуқсонларни “кўрсатиб” берган. Беҳбудийнинг мақсади — болаларга боболарининг нақадар қудратли бўлганлигини эслатиш, кейинчалик йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш, тараққий этиш учун йўналиш бериш эди. Остроумов ёзган сўзбошида айнан ўша жойларига зарба берган:

“Оврупо ва Россия мадрасаларида доимо мазкур илмлар ўқулса керак, яъни биргина тоифага тааллуқ таърих ва жуғрофия ўқимоқ дуруст эмас ва ул илм фойда бермас ва балки ул тоифага такаббурилик кучайиб ва бўлак тоифаларни аҳволотини нодуруст кўрсатиб, бул хусусда шогирдларга манфаат бўлмас керак. Тарбиятнинг асл тартиби шулдирким, ҳеч вақт ва ҳеч нима хусусида нодурустлик хаёл ва андишаларни талабаларга алоқа қилмоқ дуруст эмас”¹.

Остроумов “нодуруст” хаёл келиб чиқадиган ҳар қандай дарсликлар ўқувчиларга “ёмон” таъсир қилишини сезади ва бир мамлакатга тобе бўлгач, унинг қонунларига бўйсуниб, унинг тарихини ўқиш ғоясини илгари суради: “... ва яна бир фикримиз шулдирким, ҳар қаю мамлакатга тобеъ бўлган халқни болалари ул мамлакатнинг таърихи ва жуғрофиясини кўброқ ва равшанроқ билсалар керак. Зероки, ул мамлакат аввало мазкур шогирдларнинг ватани асли қаторида бўлиб, ул мамлакатнинг аҳволотини

¹ «ТВГ». 1908, 30 ноябр.

яхши тушунтирмоқ керак ва бул газетамизни фе-
летунида босилган “Таърих ва жуғрофия” деган
мақолада бул тариқа фикр ва андиша йўқдек
ўхшайдур, яъни Россия мамлакатининг аҳволоти
билинмай қолса ва ёки нодуруст баён бўлса, ул
вақтда талабалар ўзларининг ватани аслиси хусу-
сида нечук ва қайдан билсалар керак. Хусусан,
Россия мамлакатига тобеъ ёш мусулмониялар Рус-
сия мамлакатининг таърих ва жуғрофиясини би-
лолмай ва нодуруст фаҳмлаган ҳолда ўз умрлари-
ни ва зиндагарчиликларини нечук ўтказадур? Ал-
батта, ул ёш мусулмонлар балогатга етганда Рус-
сия мамлакатининг аҳволотини ва пайдосини ду-
руст фаҳмламай Россия халқининг ҳар хил зақун
ва қоида ва ҳам низомларини ямон кўриб, Россия
ҳукумдорларига ва хусусан подшо импературга
тобеъат ва ихлос кўрсатмоқларига қадар бўлмас-
лар. Бул тариқа илан аввал тобеъ мусулмониялар
доимо хафалик ва хусусан махфий душманликни
ўз кўнгилларида тутуб, ул мамлакатга эмас, балки
ўзларига ҳам ҳеч фойда келтирмаса керак”¹.

Остроумов жадиждар ҳаракатининг нозик жиҳат-
ларини сезган ва уларга нисбатан барча фикрла-
рини газетада бериб бориб, маҳаллий халқ ораси-
га нифоқ солиб турган. Шунингдек, у бу маъри-
фий ишда зимдан давлатга қарши иш олиб бориш
мумкин эмаслигини таъкидлайди: “Албатта, бу та-
риқа тартиб асло нодуруст ва ҳукуматдорлар ул
тартибни жорий қилмоқга рухсат бермасалар ке-
рак ва ҳар қаюлар билсалар керакким, мамлакат
ичида ҳеч бир махфий ишлар бўлмаса керак...”².

“Бўлмаса керак” деган гап шартлилик аломати

¹ «ТВГ». 1908, 30 ноябр.

² Ўша газета, ўша сон.

ҳисобланади. Остроумов ҳақиқатан ҳам ўз фамилиясига мос мустамлакачи давлат фуқароси эди, десак адашмаган бўламиз.

Лекин у нақадар “созлаб”, кўрқитиб сўзбоши ёзган бўлса, мақола шунчалик қимматли бўлиб кўз ўнгимизда намоён бўлади, яъни мақола ўз таъсирини кўрсатади. Шундан бўлса керак, чор “Охранка”-си уни дарҳол уч кун ўтиб таржима қилди ва Беҳбудий негадир ўзининг изоҳ талаб қилмайдиган мақоласига “Тавзеҳ”¹, яъни изоҳ ёзди. Ҳар ҳолда, мазкур “Таърих ва жуғрофия” мақоласида битган “истасангиз бошқа замон сўйлашурмиз”, деган ваъдасига биноан ёзмади, балки... ўша вақтда бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти сирлигича қолиб кетган бўлса-да, Беҳбудийнинг “Тавзеҳ” номли мақоласида унинг “изоҳи” сўраб олинганига ишора бор. Аввало, ушбу мақола изоҳ, дея номланса-да, негадир изоҳга изоҳ тариқасида муаллифнинг сўз-бошиси ҳам ёзилган. Савол туғилади: изоҳга изоҳнинг нима кераги бор? Муҳаррир сўзларидан иқтибос келтирсак ҳаммаси аён бўлади:

“Мундин муқаддам 90-инчи рақамлик газетамизда ҳурматлик Маҳмудхўжа муфтийнинг фелетунига андак жавоб тарзида ёзган эдук. Ул ёзган мақоласи асбоби фасод ёки ёмон муддао деб ўйламадук. Лекин мақолани газетга дарж қилганимизда Хива ҳукумат соҳиблари ва Хива, аларга тобеъ одамлар они ўқуб ямон муддаога таъбир бермасликлари учун биз жавоб савол муқаддардек дафъи истиҳола айлаб, баъзи мулоҳазаларни ёзиб, ўйлагон эдукким, бизни ул ёзган жавобимизга ҳурматлик Маҳмудхўжа муфти ўзи албатта жавоб ёзсалар керак деб. Ондин келган жавобни кўрдук.

¹ «ТВГ». 1908, 18 декабр.

Кўрдук, ёзганингиз тўғри, дуруст жавоб ёзибсиз. Хурсандлик илан бул ёзган жавобингизни ушбу газетга солмоқни муносиб кўруб, газет саҳифасидан жой бердук”¹.

Гўёки Беҳбудий ушбу “Тавзеҳ”ни “Таърих ва жуғрофия” мақоласи билан берилган муҳаррир фикрига жавоб ёзган-у, муҳаррир унга чин дилдан газетадан жой ажратгандек туюлади кишига. Бироқ “Охранка”нинг махфий папкаларида² сақланган Беҳбудий мақоласининг таржима-изоҳини топганимиз бу туйғунинг асоссизлигини кўрсатди. Санъатнинг, публицистиканинг шундай усуллари борки, воқеаларни бемалол улар орқали аниқласа бўлади. Дейлик, агар Беҳбудийга биров “сиёсатга аралашмайсан, сўзингни қайтиб ол” демаганида, у “Тавзеҳ” номли мақоласида қуйидаги фикрларни баён қилмаган бўларди:

“Россияни ким ва қандайлигини билмайдурғон нодонлардан эмасмиз ва аммо “Таърих ва жуғрофия” унвонлик мақоламиз таърих ва жуғрофия ўқумоқни диний жилва этдирмоқ ва ёинки сарф илмий ва воқеий бир мақола эди. Сиёсий ва таасубий эмас эди...”³.

Бундай пайтда муаллифнинг “қандай” ёзиши публицистика билан шуғулланиб юрувчиларга маълум. Муаллиф ўта ҳушёр ҳолда, ҳиссиётга берилмай, бир қадар дардини яшириб ёзади. Шундай бўлса-да, “Таърих ва жуғрофия” мақоласида Беҳбудий анчагина фикрларини, жумладан, Остроумовнинг “Россиянинг тарихини ўрганишлари шарт”, деган гапла-

¹ «ТВГ». 1908, 18 декабр.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви, ф. 46, 1-тавсиф, 942-иш.

³ «ТВГ». 1908, 18 декабр.

рига қарата “Мунтахаби жуғрофияи Руссия” китобини ҳам ёзганлигини таъкидлаб, «сиёсат учун» кўп фикрларни айтади.

Хулоса шуки, публицист “Таърих ва жуғрофия” мақоласида ўз олдига қўйган вазифани бажарган, яъни ўқувчини уйғотиш учун сўзлар, далиллар топа олган. Мақоланинг дард билан ёзилгани унинг юракка етиб борадиган таъсирга эга бўлганлигини англайди. “Тавзеҳ”да муаллиф мустабид ҳукуматга “салом” берган бўлса-да, унинг ҳамма гапи айтиб бўлинган эди. Бу мақолаларнинг иккисини ҳам сиёсий мавзудаги мақола деб қараш мумкин. Бироқ бунда барибир маърифат юқори ўринга қўйилади. Беҳбудийнинг 1917 йилгача ёзганлари орасида мазкур мақола жадиличлик ҳаракатининг мақсадларини очиқ баён қилади. Бу мақола моҳияти шу пайтгача беҳбудийшунослар назаридан четда қолганди. Чунки бу мақоладан кейин зиёлилар орасида Беҳбудийга нисбатан ҳурмат ошади. “Охранка”да эса унга хавфсираб қарай бошлайдилар.

Юқоридаги мақоладан сўнг Беҳбудийнинг ниятлари англашилади. Демак, «дин ва миллатни сохлаш» учун барча чораларни кўриш керак. Бунга Беҳбудийнинг “Миллатлар қандай тараққий этарлар”¹ мақоласида муайян маънода жавоб берилган. Публицист аввало мавжуд ҳолларни тасвирлайди, тараққиётга юз тутган бошқа миллатларга эътибор беради ва хулоса чиқаради.

“Бугун ислоҳи мактаб, мадраса, яъни ислоҳи миллатга кўшиш қилинмаса, бир аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга қолур. Бу масъулиятдан қутулмоқ учун

¹ «Самарқанд». 1913, 30 июл.

миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумоқ учун тарғиб қилмоқ керакдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасададур”¹.

“Эҳтиёжи миллат” мақоласида ҳам бу фикрлар очиқ айтилган эди: “Бошқа миллатларга қаралса, кўри-лурки, мунтазам мактаблари бор ва ул мактабда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур, чунки дунёга турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозимдур”². Агар шу лозим нарсаларни йўлга қўймасак, ҳолимиз бундан-да хароб бўлади, яъни “замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”³.

Аслини олганда, булар сиёсий фикрлар сирасига киради. Бироқ у маърифий қарашлар билан ифодалангандир. У барчани илмга чорлайди, айниқса, болаларга нисбатан алоҳида эътиборда бўлади.

Демак, озод бўлишдан аввал миллат орасида давлатни бошқарадиган сиёсатчи, замонавий савдогар, ҳуқуқшунос, врач, архитекторлар керак. Уларни биров тарбиялаб бермайди. Шунинг учун Беҳбудий ҳам ҳаракатни мактабдан бошлайди. Ўзи ҳам 1905 йили Самарқанд чеккасидаги Кафтархона қишлоғида мактаб очади⁴.

Унинг 1906 йили таълим-тарбияга, айниқса, жаид мактабларининг тартибларига бағишланган кўпгина мақолаларини ўқишимиз мумкин. “ТВГ”нинг 27—28-сонларида давомли қилиб берилган “Жаид мактабларининг имтиҳони” мақоласи фикримиз далилидир. Унда Беҳбудий жаид мак-

¹ Ўша газета, ўша сон.

² «Самарқанд». 1913, 12 июл.

³ Ўша газета, ўша сон.

⁴ «Самарқандъ» 1906, - 20 май. Бу ҳақда қаранг: З.Ахророва. Беҳбудия кутубхонаси. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995, 15 апрел.

табларида ўглини ўқитишни ният қилган оталар учун мактабнинг ўқитиш системаси, хусусан, имтиҳонларини тушунтиради. Бу мақола гоёси ҳақиқатан ҳам яхши умидлар билан йўғрилганди. Беҳбудийнинг тўлқинланиб ёзган фикрларини тасдиқлаш учун 1906 йили рус тилида чиққан “Самарқандъ” газетасининг 20 май (37-) сонисида Алматов томонидан ёзилган “Самарқанд шаҳридаги жадиждар мактаби” сарлавҳали мақолани кўрсатиш мумкин.

Муаллиф уч-тўрт йиллик билимни бола бир йилдаёқ эгаллаши мумкинлиги ва бунинг учун мухбир олдида ўқувчилар имтиҳон қилинганлиги, натижа эса кутилгандан ҳам зиёда чиққанлигини ҳайрат билан тасвирлайди.

Беҳбудийнинг маорифга бағишланган мақолалари “ТВГ” билан биргаликда, “Тужжор” газетасида ҳам чоп этилган. Айниқса, “Тужжор”нинг 1907 йил 10—11-сонларидаги “Ислоҳи таҳсил” мақоласида эски тартибдаги мактабларнинг ислоҳи тезлаштирилиши, бунинг учун уламоларнинг ҳаракати сезилмаётганидан куйиниб ёзади. “ТВГ”нинг 1907 йил 97-сонисида чоп этилган “Фарғона хотиралари” номли мақоласи ҳам маориф, таълим-тарбия ишларига бағишланган бўлиб, унда ҳам Туркистоннинг барча вилоятларидаги таълим борасидаги аҳвол таҳлил қилинади. “ТВГ”нинг 85-сонисида чоп этилган “Бухорода усули жадиждар” мақоласи ҳам таълим мавзусида ёзилган.

1908—1909 йиллари Беҳбудий кутубхона тузиш учун жуда катта ишларни амалга оширилганлигини биламиз. Бу ҳақда у кўп мақолалар ёзиб қолдирганки, буларни ҳам биз “ТВГ” саҳифаларида ўқишимиз мумкин. Масалан, газетанинг

1908 йил 58-сонидаги “Самарқанд кутубхона жамияти”, 62-, 63-, 65-сонларидаги “Қонун”, 1909 йил 4-сонидаги “Кутубхона”, “Ойина” журналининг 1914 йил 27-сонидаги “Беҳбудия кутубхонаси” мақолаларида кутубхонанинг аҳамияти ҳақида фикр юритади ва ўзи каттагина кутубхона очиб, халқни ўқиш, изланишга чорлайди. Ўзгалар орасида тенг бўлиб яшаш учун уларнинг сиёсий, илмий аҳволини билиб турмоқ, бунинг учун эса тилни билмоқ лозим бўлади. Шунинг учун Беҳбудий тил ўрганиш масаласига алоҳида тўхталади. Унинг “ТВГ”да ёзган “Мунозара” ҳақида” мақоласи қисман рус тилини ўрганишга қаратилгандир.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маҳорати намоён бўлган мақоаларидан яна бири “Мунозара” ҳақида”¹ деб номланган. Бу мақола бошида, “ТВГ” тартибига кўра, русчада ёзилган тушунтиришдаёқ унинг “рус тилини ўрганишнинг фойдалари” тўғрисида эканлиги англашилади. Юзаки қараганда, бу билан Беҳбудий русча ўқимоқни тарғиб қиляпти, деган фикр ҳам хаёлдан ўтиши мумкин. Аслидачи?

Аввало, нега айнан рус тилининг тарғиби биринчи планга кўтарилганини давр цензураси билан муросага келиш мақсадида қилинган деб тушуниш керак. Чунки ўша йиллари барча маҳаллий мактабларда рус тили, Россия жуғрофияси, тарихини кенг ўрганиш талаби қўйилганди. Фикримизни 1909 йилнинг 13 мартида Туркистон генерал-губернаторлиги девонининг 3-бўлими томонидан халқ маорифи ноziрига юборилган

¹ «ТВГ». 1911, 29 сентябр.

ўта махфий курсатмасига¹ биноан рус тилини мактабларда кенг татбиқ этиш, кейин ўқувчиларга Россия тарихини, жуғрофиясини ҳам ўрганиш “таклифи” киритилганди.

Бу таъсир газеталарда ёзиладиган мақолаларда ҳам акс этиши керак эдики, рус тили ёки Россия жуғрофиясининг заруратини алқамай ёзилган мақолалар мустабид тузумнинг куйчиси бўлиши “ТВГ”да умуман чоп этилмасди. Қолаверса, Беҳбудий Бухородаги маърифий аҳволни, бидъатнинг кучайиб кетганлигини, жаҳид мактабларини очишга рухсат йўқлигини ва шу баҳонада юрагидаги дардларини айтиб олади.

Қалам аҳлига маълумки, ҳар бир ёзилмиш мақоладан аниқ бир мақсад бўлади. Дейлик, у маърифат мавзуида бўлсин. Мақсадни баён этишда шу мавзуга монанд фактлар йиғилган бўлади ва энг асосийси, бу фактлар уни ёзиш учун туртки бўлиши мумкин. Беҳбудий бу турткини қуйидагича изоҳлайди:

“Усули жадида мактабларини нафълиги ва фунуни замонийя таҳсилининг бухорийлар учун лозими туғрисида Фарангий афанди ила мударриси Бухорий жанобларини ароларида бўлган баҳс ва суҳбат “Мунозара” исминда бир рисола шаклинда форсий тилига таъ ва нашр бўлубдур. Биз-да кўздан кечирдикки, ҳақиқатдан бухорийлар учун нафъдур... ва аммо, бизни фикримизча, Бухоро учун энг муҳимини - Фарангий афанди фаромуш этибдурлар ва аввали энг муҳим жиҳат бухорийларни ўқумоқ ва рус маданиятидан нафъ биродар бўлмоқға тарғиб этмоқдин иборат эди”².

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. И 1- фонд, 31-тавсиф, 540-иш, 164-бет.

² «ТВГ». 1911, 29 сентябр.

Юқорида айтганимиздек, “ТВГ” мустабид ҳукуматнинг нашри бўлиб, ундан бошқа обрўлироқ нашр йўқ эди. Бироқ, Беҳбудий зиёлиларга кўнглидаги гапларини айтиши керак эди. Бундай пайтларда Беҳбудий доим йўл топа олган, яъни айни пайтда ҳам форсий тилда чиққан бу китобда бухороликларнинг бошқа давлатларга бориб ўқишлари лозимлиги, лекин улар тилга олган мамлакатлар орасида Россия, жумладан, Туркистон ҳудудидаги илмгоҳларда ҳам ўқишлари лозимлигини айтиб, русча ўқимоқларини тарғиб қилади. Бунда шунча меҳнат сарфлаб китоб чиқарган муаллиф — Фитратни ҳам қоралаб ташламайди.

“Хайр, балки Фарангий афанди фаромуш этмай, эҳтимолки, бухорийларни таажжублари қўзғолмасун ва “Мунозара” рисоласидин умид этилган манфаати маънавийя фавт (йўқотиш — **Ҳ.С.**) бўлмасун, русча ўқимоқ баҳсидин кўз юмгандир деб занн қилармиз ва алан Фарангий афандини натижа маълумотларига назаран ўрусча ўқумоқга тарафдордур. Истидол (хулоса - **Ҳ.С.**) қилинадур ва ҳар бир кўзи очуқ кишида бухорийларни русча ўқумоқлари тўғрисида мухтасар бир оз ёзмоқни биз мунда керак билдук”¹.

Беҳбудий тижорат ишлари учун рус тили керак бўлишини, тижорат ишларини тараққий қилдириш мумкинлигини, темирйўл, телеграф, почта, банк, дорихона, врач ва кўпгина замонавий қулайликлардан фойдаланиш учун русчани билиш лозимлигини таъкидлайди:

“Россия ила тижорати бор бухорий ва Бухорони ҳар бир ҳукмдорларини русчага бор эҳтиёжини ҳар кимдин ул бухорийларни ўзлари иқрор эдарлар.

¹ Ўша газета, ўша сон.

Киши йўқлигидан алан Бухоро ҳукуматини хизматдаки таржимонлар кафказий ва туркистонийлардан иборатдур”¹.

Муаллиф Туркистоннинг барча дардларидан, ҳудудидаги аҳволдан хабардор зукко мақоланавис сифатида қалам тебратади. У муаммони жуда но-зик жиҳатлари билан очиб беради.

“Насоро ва мажусий давлатини айтмай қўйдук. Бул вақт Усмонли ислом давлати катта мактабларига русча ўқитадур ва Россияга талаба юборадур. Турк қариндошларимизнинг ҳар бири Россия му-сулмонларини русча ўқумоғига ташвиқ этарлар, ҳатто Истанбул шайхул исломи ҳазратлари Россия мусулмонларини ўқумоғига буюрадурлар. Чунон-чи, ўткан сана Самарқанд ҳожиларидин икки на-фар мударрис шайхул ислом эътиборларини хиз-матларига мушарраф бўлуб эканларки, усули жа-дид ва русчани лозумидин баён этуб, туркистоний-ларга русча ўқумоқга ташвиқ этмоқга буюрубдур-лар”².

Зукко публицист мақола таъсирини орттириш учун турли усулларни ишга солади. Бошқа халқ-ларнинг амалга ошираётган ибратли ишларини кўрсатиб, “Биз улардан каммизми?” деган савол билан юрт ҳукмдорларига мурожаат қилади:

“Мисрдин, Шом ва Арабистондин, Истанбулдин ва Эрондин Россия мактабларига талаба келганда, Бухородин на учун талаба келмайдур? Буни саба-би бухорийларни гафлати ва замондин хабарсиз-лиги дейурлар”³.

Табиийки, бу гаплар ҳатто танбал вужудга ҳам

¹ ТВГ». 1911, 29 сентябр.

² Ўша газета, ўша сон.

³ Ўша газета, ўша сон.

таъсир этмай қолмайди. Публицист Бухоро бидъатчи ҳукмрон табақаларга яна бир бор таъкид билан мурожаат қилади:

“Хуб, Бухорода усули жадидани қўймаганларидек, русчани-да уламо қўймадилар, дедук. Ой, шогирдларни Самарқандга, Туркистонга ва ё доҳили Руссияга на учун юбормайдур?”¹.

Табиийки, бидъатчилар “Биз Бухорода дини исломнинг бузилиб кетишининг олдини олаяпмиз”, дейишарди. Лекин, Беҳбудий Бухородаги нобоп ҳаётнинг маҳсулини очиб ташлайди:

“Самарқандда Бухородин гадо, ўғри, қиморий, жувонбача келар, ҳатто дейурларки, фоҳишалар ҳам келур. Буларга уламо бир шай демас ва хабардор бўлмас”².

Гап сиёсий мавзуга яқинлашиши билан Беҳбудий, одатдагидек, ўз фикрини билдиради: “Биз сиёсий киши эмас ва алан бул тўғридаки фикримизни очиқ суратда ёзардук”. Беҳбудий сиёсий киши эмасмиз, деб, сиёсатга минг истиҳола билан ёндашгандек бўлади. Аслида эса, бу гапларда очиқ ҳақиқат бор. Бухоро амирлиги, сиртдан қараганда, мустақил кўринарди: “Шу қадар билармизки, расман Бухоро ҳукумати Руссия давлатининг ҳимоясигадур. Бухоро, онинг бош ҳукмрони жаноби олий Амир ҳазратларини аморатлари Руссия давлати тарафдин ижро қилинадур. Хорижия давлатлари, масалан, Эрон, Афгон ва ё Усмонли давлатлари-ла Бухоро ҳукуматини хат ва хабар қилмоғи лозим келса, Руссия давлати воситаси-ла муаммони ҳал қиладур. Бухоро аҳли хорижга чиқмоғчи бўлса, Россия рижоли ҳукуматини рухсати лозимдур.

¹ «ТВГ», 1911, 29 сентябр.

² Ўша газета, ўша сон.

Бухоро учун бож ва пушлина Россия давлатининг ихтиёри ила бўлур”¹.

Қолаверса, русча ўқиган билан ҳеч ким кофир бўлиб қолмаслигини айтади: “Билмоқ керакки, ўрисча ўқимоқ ила киши кофир бўлмайдур ва ё ўруслар бизга динларини таълим қилмайдур”.

Беҳбудий Самарқандда юздан кўпроқ бола таҳсил олаётганини таъкидлаб ва шахсий ибрат кўрсатиш мақсадида қуйидагиларни ёзади: “... ва аларнинг ҳеч бирига насоро динини таълим қилмайдур. Самарқанд ададий гимназияда букун ўндин зиёда мусулмон боласи бор. У жумладан бири маним ўғлимдур”².

Гимназияда насоро динини ўқитаркан, деган мишмишларнинг асосизлигини ҳам айтиб, у ерда диндан холи илмлар ўқитилишини ёзади. “Гайрируслар русча ўқуганда илми дунёвий ва ҳаётга мутааллиқ фунун ўқуйдурлар. Ва ҳар бир мусулмонда русча ва ё фарангча шуни ўқийдур. Бухорони ўрта миллати учун авомга сўйлайинки, турклар, эронилар, биз—туркистонийлар, қозоний, урунбургий ва кафказийлар ҳам русча ўқусалар ҳам, кофир бўлмайдилар. Бухорийлар ҳам русча ўқуган ила кофир бўлмайдурлар”³.

Бу гаплар “Мунозара” номли бир китоб баҳонасида ёзилган мақолада ифодалангандир. Бу билан Беҳбудий бир неча мақсадни кўзлайди. Аввало, китобнинг муаллифи Фитрат бўлганлиги ва у форсчадан ўзбекчага Беҳбудийнинг шогирди Ҳожи Муъин томонидан таржима қилинаётгани, йўқса, китоб цензорлардан ўтмаслигини ўйлаб унинг муаллифи —

¹ «ТВГ». 1911, 29 сентябр.

² Ўша газета, ўша сон.

³ Ўша газета, ўша сон.

Туркияда ўқиб юрган Фитратни Туркистонга чорлаётган бўлса, бошқа жиҳатдан, бундай китобнинг мавжудлигини ва ҳадемай у ўзбек тилида босилиб чиқишини ўзбек зиёлиларига билдириб қўяди.

Шунингдек, жаҳид мактабларининг Бухоро учун ҳам зарурлигини, чунки у ҳам Россия тасарруфида эканлигини таъкидлайди. Ва, ниҳоят, душманнинг тилини ўрганмай туриб, улардан халос бўлиш мумкин эмаслигини ҳам пинҳона айтиб ўтади.

Юқорида изоҳланган мақолада рус тилини ўрганиш заруратини очиб берган бўлса, умуман, ҳар бир туркистонлик учун қандай тилларни билиш кераклиги ҳақида “Ойина” журналида ёзган “Икки эмас, тўрт тил лозим”¹ мақоласида батафсил тўхтайтиди:

“Биз туркистонликларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ жоиздур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шуки, Туркистон халқининг аксари ўзбекча сўйлашур”¹.

Демак, ўзбек тилини билишнинг зарурлиги бу юртда кўпчиликнинг ушбу тилда гапириши, яъни аксарияти ўзбеклар бўлгани ва улар билан сўзлашиш учун кераклиги билан исботланаяпти. Шу тариқа, Беҳбудий бу тилларнинг нима учун зарурлигини изоҳлайди:

“Форсий бўлса, мадраса ва адабий тилидур. Бу кунгача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва насрий китоблари таълим берилиб келгандур.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни таҳриру таржималари форсчадур.

¹ «Ойина». 1913, 1-сон, 24-бет.

² Ўша журнал, ўша сон.

Бу қоида, яъни дарс китоби арабий, муаллим туркий, таҳриру таржимони форсийлиги хийла ажибдур. Туркистонда эски амиру хонларни амр фармойиши ва номалари доимо туркий, яна айна замонда, дорулқазо ва адабиёт таҳрирлари форсий ёзилар экан. Бу қоидалар зотан яхшидур. Аммо бора-бора ёинки кела-кела усули таълим ва китобатга аъмол пайдо бўлуб, ҳозир бир даражага келибдурки, аҳли савод ёинки аҳли илмни юздан туқсон туққизи бу уч тилда мукамал таҳрири адабийга молик йўқдур, яъни усули таълим ва тадريسни ислоҳ этмак керак. Ўтайлук, Туркистонни Самарқанд ва Фаргона вилоятларида форсча суйлайдургон бир неча шаҳар ва қишлоқлари бордур. Бухоро ҳукуматининг тили форсийдур.

Форс шоиру удабоси асарлари қиёматгача лаззати кетмайтургон хазинаи маънавийдурки, мундин фойдаланмоқ учун овруполилар милиярдлар сарф этарлар. Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни таҳлилсиз биламиз. Ҳар туркни форсий ва ҳар форсни туркий билмоғи лозимдур”¹.

Беҳбудийнинг асли келиб чиқиши бу икки тил соҳиблариға тааллуқли бўлмаса-да, ўзини улардан йироқ тутмайди. Ушбу тил соҳиблари билан баҳамжиҳат эканлигидан ор қилмайди. Бундай фикрни у “Туркестанские ведомости” газетасининг мухбири саволига берган жавобида ҳам таъкидлайди: “Боболаримиз араблардан бўлишган. Бунга кўп бўлган, яъни камида 100-200 йил илгари келишган бўлиши мумкин. Ҳозир бизнинг наслимизда арабчадан ҳеч нарса қолмади. Ўзимизнинг Самарқанд, Бухоро мадрасаларида ўқидим...”².

¹ «Ойина». 1913, 1-сон, 24 бет.

² «Туркестанские ведомости» 17 сентябры, 1915 г.

Лекин туркий ва форсий лисоннинг иккаласига ҳам яхши, яъни мусулмон кўзи билан қарайди, ҳар бирининг заруратини сезади.

“Форсий билган киши Фирдавсий, Бедил, Саъдий, Румийдан қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Боқий - Сомий, Абдулҳақ Ҳомид, Ақромбек, Санойи, Набий, Ножийлардан, яна Толстуй, Жулверн ва уламои замоний асарини туркий таржимасидан шундай лаззат оладур. Фаранг ва рус донишмандларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмоқ ила мумкин бўлур. На учунки, бугун Усмонли, Қозон ва Кафказ турклари замона уламози асарини туркийга таржима қилиб купайтургондурлар. Яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир нафълик китоблар барча тилдан таржима бўлгандур. Араб маданияти юнони Сукрот, Буқрот, Афлотунлардан фойдаланганидек, замони ҳозира маданияти Толстуй, Жулверн, Киплер, Коперник, Нютонлардан фойдаланур”¹.

Беҳбудий айтмоқчи тўрт тилнинг охиргиси рус тили эди. Биз қуйида келтириладиган кўчирмага эътибор берсак, англаймизки, рус мустамлакачилари хоҳлаган йўл, яъни ўз тарихимизни унутиб, фақат рус тарихини ўқишимиз учун рус тили керак, деган хулосадан йироқ фикр айтилади: “... русийни сабаби шулки, биз Россия табааси ва гражданимиз. Руслар ила баробар ҳуқуқий, маданияти ва мулкияга моликмиз. Аммо беистеъдодлигимизга таассуф қилурмиз. Бонку саводхонлар, суд маҳкамалари, нотарйус, темирйўл, хулоса замонни пайдо қилган ҳар бир нимарсаларга муҳтож бўлсак, аввалги қадамда русча билмак лозим келур”².

¹ «Ойна» 1913, 1-сон.

² Ўша журнал, ўша сон, ўша бет.

Бундан илгарироқ ёзилган “Мунозара” ҳақида” мақоласида қисман шу фикрларни айтган бўлса ҳам, кейинги мақоласида бу фикр тилларни билиш зарурлиги тўғрисида яхлит фикрнинг бағрида берилди. Беҳбудий русчанинг айнан ҳаёт учун зарур жиҳатларини алоҳида таъкидлаганди: “Бизга лозимки, ўз нафъимиз русча билайлук, ҳукумат мактабларида ўқуйлук, давлат мансабларига кирайлук. Ватанимизга ва динимизга хизмат этайлук. Мусулмон бўлуб тараққийлашайлук. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат русча илмсиз бўлмайду¹”.

Беҳбудий “мусулмон бўлуб” қолиб, русча илмни олмоқ миллат ва динга хизмат эканлигини англатади. Мисол тариқасида у ўша пайтда истеъмолга кириб келаётган Дума ҳақида гапириб, русча билганлар халқ ва миллат учун фойда беришларини ёзади: “... масалан, бу кунги (подшоҳлик дума)га ўз дини ва бизга миллатимиз нафъига сўзламоқ бизлар учун мумкин бўлур. Аммо анда бориб сўйлагувчи киши бизга йўқ. Анда бориб нафъи ватан ва миллатга сўйламоқ учун Россия мамлакатларида бир ўн сана ўқимоқ керак. Замондин, қонундин хабардор бўлмоқ керакдур. Хулоса, бугун бизларга тўрт тилга таҳриру тақрир этгувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий. Арабий тил дин учун лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур. Арабийни билмасак — дин, русийни билмасак — дунё қўлдин кетар, туркий ва форсийни кераклигига сўз йўқдур. Яна бир тил ва хат борки, бутун олам бир-бири ила анинг ила суylлашур. Ул Франция

¹ «ТВГ». 1911, 29 сентябр.

тили ва хатидур. Гайридиннинг илм ва хатини ўрганмоқ шариатга дурустдур”.¹

“Мунозара” ҳақида” мақоласида русчани ўрганмоқнинг зарурлиги ҳақида тушунтиргач, бу гапни Туркия шайхулисломи ҳам айтганини ва буни эшитган юртдошларимизни гувоҳ сифатида даврага тортганди. Асосий мақсад эса тил ўрганмоқликнинг мусулмончиликка зарари бўлмай, балки фойдали жиҳатларини кўрсатиш керак эди. Мана, орадан икки йил ўтиб ёзилган мақолада Беҳбудий Туркия шайхулисломининг ўрнига “шариат рухсат берганлиги” ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини асос қилиб олади: “Ҳадиси шарифдан маълум бўлурки, жаноб пайғамбаримиз ўз саҳобаларидан Зайд ибн Собитга яҳудий хатини ўқиб ўрганмоққа буюрган эканлар ва ул жаноб амри ва ҳазрат нубувват паноҳи ила яҳудий хатини ўрганиб, ҳазрат пайғамбаримизга яҳудийлардан келатурғон хатларни ўқиб берар эканлар...”².

Беҳбудийнинг бу галги асоси жуда катта қудратга эга эди. Буни билган мақоланавис шиддатли хулоса чиқаради: “Ҳолбуки, ул зот бобаракот пайғамбаримиз қуввати ҳокима эгаси эдилар. Яҳудийлар маҳкум ва тобеъ эдилар. Алан Россия ҳоким, бизлар анга тобеъ ва ўз тирикчилигимиз учун алар хатини билмоқ зарур ва ҳадиси шариф далолатинча, дурустлиғига жойи инкор бўлмаса керак”.

Ҳадиси шариф, ундаги душман тилини ўрганишдан келиб чиқадиган манфаат ҳар қандай илм кишисини ҳушёр торттириши табиий бир ҳолдир. Бу мақоланависнинг кўп ўқиганлиги, билим доирасининг кенглигига яна бир асос ҳисобланади.

¹ «Ойина». 1913, 1-сон.

² «Ойина». 1913, 1-сон. 12-бет.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Беҳбудий тил ўрганишни, билишни миллатни тараққиётга элтадиган зарур воситалардан бири деб билади.

Беҳбудий ўзи юксак маърифатли инсон бўлган. Қуръонни ёддан билган, ҳадисларни ўрганган, араб, форс тилларини мукамал билган. Шунингдек, рус тилини ўрганган, ҳатто француз тилини ҳам ўрганишга ҳаракат қилган, дунё фалсафасини кузатган, китоблар ёзган, қисқаси, бошқаларга ибрат бўлиб яшаган.

Халқни уйғотувчи яна бир йўл аجدодларни ёд этиш, уларнинг амалга оширган ишларини эслаш, таъкидлашдир. Беҳбудий бу усулдан ҳам жуда унумли фойдаланган. Тадқиқотимизнинг бошида адибнинг “Мунтахаби жуғрофияи умумий” китоби ҳақида гапиргандик.

Дарсликдаги учинчи бўлим “Туркистон донишмандлари” деб номланган. Бунда ота-боларимизнинг қандай инсон бўлганликлари хусусида сўз боради: “Ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилгон мусулмон уламо ва ҳукамолари ниҳоятда кўпдир. Инчинун, Туркистон музофотиға ушбу шаръий ва ақлий илмларга китоб тасниф қилган ниҳоят машҳур уламоларни адади неча юздин ўтадур. Бу китобимиз ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилгон ниҳоят машҳур Туркистон уламо ва ҳукамо ва муаррих, мусаннифларни мунда ёзармизки, ушбудур. Агарда ақлий ва нақлий илмларга китоб тасниф қилгон “Туркистон уламолари” ҳаммаси аҳволи ва таснифотини ёзмоқ лозим бўлса, ушбу китобимиздин ҳам каттароқ китоб тайёрламоқ керак бўлади. Шайхурраъис Ибн Сино Абу Али — луғат, мантиқ, жуғрофия, мусиқа, ахлоқ, кимё, табиъат, мувофиқ ал-табиъат, ҳикмат, тиб, нужум,

илми табобат, юздин зиёда китоб тасниф қилгандурки, мусулмон ҳукамоларининг аввалидур. Аксар китоби Оврупо тилларига таржима бўлгон ва фарангийлар “Овисен” атайдурлар. Вафоти 428 санагадур”¹.

Абу Наср Форобий ҳақида эса қуйидагича изоҳни ўқишимиз мумкин: “Абу Наср Форобий замонидаки барча тилларни билар эканки, “Қонун” деган асбобни ижод қилиб экан. Барча тасниф қилган китоблари 70 қадар — илми тавҳид, фикҳ, муסיқий, риёзий, ҳайъат, мантиқ, ҳикмат илмларига таснифоти бор. Вафоти 339 санагадур”². Шу тариқа, Беҳбудий Туркистон заминида яшаб ўтган Хўжа Фаҳриддин, Баҳриддин Самарқандий, Абдураҳмон Хоразмий, Абу Иброҳим Кўрагоний, Шариф Хоразмий, Абу Жаъфар Хоразмий, Муҳаммад Чағминий, Бухорий, Аҳмад Фаргоний, Али Қушчи Самарқандий, Мирзо Улуғбек — Кўрагоний Самарқандий, Муҳаммад Хўжандий, Абу Райҳон Хоразмий, Абу Саъид Сомоний каби йигирма тўққиз олим ва улар қолдирган илмий асарларнинг номларини санайди.

Шунингдек, Беҳбудий “Самарқанд” газетасининг ва кейинчалик “Ойна” мажалласининг илк сонларини донишмандлар ва уларнинг асарларига бежиз баҳшида қилмаган эди. Шундай донишмандлардан бири улуғ олим Мирзо Улуғбекдир³.

Ўтмишда боболарининг диди, илми, қудратини ухлаб ётган халққа намуна қилиб кўрсатиш учун “Ойна” мажалласининг биринчи саҳифасида

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Мунтахаби жуғрофияи умумий. Самарқанд, Демуrow, 1906, 105-бет.

² Уша китоб.

³ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Мирзо Улуғбек. «Самарқанд». 1913, 30 апрел.

“Шердор” мадрасасининг сурати берилган. Шердор мадрасасининг не чоғли рамзий маънода берилганлиги ҳар бир маърифатли инсонга маълум. Унинг рамзий маънода берилганлигига яна бир далил, муқова бошқача усулда босилган. Журналнинг ички саҳифаларида мадрасанинг тарихи ҳикоя қилинади. Тарихни қўзғаш, боболарни эслаш ўшандай илмни, мустақилликни қўмсаш эмасми? Ҳозир жуда кўп тараққийпарварлар шу мавзунини тилга олишяпти. Жумладан, Хайридин Султон айтмиш: “Тақдирнинг ҳал қилувчи давларида ҳар бир миллат, ҳар бир халқ тарих сари юз тутиб, ўтмишидан маънавий таянчлар ахтаради. Аини шу паллада тарихий сабоқ туйғусига эҳтиёж айниқса кучаяди ва шу миллат ва шу халқ келажаги учун беқиёс аҳамият касб этади”¹.

Беҳбудий, бундан ташқари, Улуғбек расадхонаси ва кўплаб тарихий ҳақиқатлар баён қилинган мақолалар ёзиб халқнинг уйғонувига руҳ бериб турди. Адиб келажак авлодни тарбиялаш билан бирга миллатнинг уламоларига ҳам эътиборини қаратди. Уларни миллат равнақи йўлида хизмат қилишга чорлади. Беҳбудий “ТВГ”нинг 1912 йил 12 февраль сонидан каттагина “Оҳ ва ҳасрат” сарлавҳали мақоласи билан чиқди. У асосан Туркистон уламоларига мурожаат тариқасида ёзилган мақоладир. Мақола одатдагидек залворли ва ўғитли сўзлар билан бошланади: “Ҳар кимга маълумдирки, ҳалойиқни уламо ислоҳ этарлар. Таълими дин ва ахлоқга уламо мутасаддидур. Они учун уламони ворисаи анбиё дерлар”.

Беҳбудий уламанинг халқ маърифатини оши-

¹ Хайридин Султон. Тарихлар ғамни тоза қилур. «Тафаккур», 1994,1-сон, 42 — 50-бетлар.

ришдаги фаолиятсизликларини таҳлил қилади. Хулоса нақадар маҳзун бўлмасин, унга қўшилмай иложимиз йўқ. Чунки у миллат манфаати деб куйинади: “Ҳар кимга маълумдурки, бизни — Туркистон мусулмонларини юздан 99и бутун илмсиздур. Қишлоқ ва саҳроларнинг аҳволи мундин ҳам ёмонроқ, мингдан бири, эҳтимолки, илми масоили шаръия билса. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммасига илм фарз эди. Ва буларнинг аксарул аксари тўртбеш, ўн саналар ила умрини мактабга ўтқуриб эди ва аксари ҳар куни масжидга кетар. Бовужуд шул на учун аҳоли бу қадар илмсиз, бу даражада қоҳил (танбал, бўш — **Ҳ.С.**) ва бу даражада ахлоқсиздур. Албатта, мунинг сабаби аларга яхши таълим бермаслик ва аларга лозим ва муҳим ишлардин баён қилмаслиқдур”.

Маърифатсиз халқни не аҳволга солишларини у мисоллари билан ёзади. Бунинг асосий сабабчилари юртнинг олимларидур, деган хулосага келади: “Букун кўчадин ўтардим. Бир мусулмонни иймон ва ё оғуз ва ё отасини руҳига ва ё қабрина сўқдики, мени бутун вужудим титради. Ва у сўкулган мусулмон ҳам дини ҳақоратни анга қайтарди ва иккиси-да азоби жаҳаннамга лойиқ бўлди. Иккисида ҳайвондин бадтар бадхулқ эмиш. Ота-она ва устоди аларга яхши таълим бермабдур. Аларга ёшлик замонидаги муъаллимлари ахлоқи ва одоби исломийяни аларга таълим бермабдурки, мундай ёмон сўзлар алардин зоҳир бўлур. Наъузубиллоҳ, бу ёмон сўзлар инсонни иймондин ажратур ва иймондин ажралмоқга ким рози бўлур. Иймон худонинг латиф инояти ва ҳидоятидур, қабри беҳишт ва ё дўзахни руҳи бар ва дарчасидур. Руҳ худонинг амридур. Бас, боқин-

рки у икки нобакор нимани ҳақорат қилди ва на жазога лойиқ бўлди”¹.

Публицист иймоннинг сустлиги ҳақида гапириб, бунда асосий айб ўзимизда, яъни имом, қози, муфти ва мударрисларда, дейди. Шунингдек, исломий тарбиянинг йўқлиги, ўқитмаслик, тушунтирмаслик жамиятда ўғрилиқ, қотилликларнинг кўпайишига сабаб бўлишини ёзади. Осмонга қараб “Олма пиш, оғзимга туш”, деб ёки “Ҳаммаси худодан”, деб ётавериш ҳеч натижа бермаслигини айтади: “Халойиқни ҳеч ким гўрдин чиқиб ислоҳ этмас. Уламо, мактаб ва мадраса аҳли муни ўйламайдур. Насоро маъбудаларига ваъз бор, аммо бизни муқаддас масжидларда йўқ”¹.

Беҳбудийнинг маҳорати “Оҳ ва ҳасрат” мақола-сида ҳам яққол намоён бўлган. Одамлар ҳаётини синчков нигоҳ билан кузатган публицист ҳаётнинг барча жабҳалари ҳақида теран фикрлайди, бўлиб ўтган нохуш воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Ушбу мақола охирида бир воқеани тасвирлайдики, ундан мақоланинг моҳиятини англаса бўлади. Воқеа шундан иборатки, одамлар елкаларида тобут бўла туриб, улар орасидаги бир-икки ёш йигитлар ўзаро гаплашиб, кулишиб кетаётганларини, ўлим бор жойда охират ҳақида ўйла-нишини куйиниб тасвирлайди. Тобут кўтарган йигитларнинг кулгиси ҳамда ортда сукутда келаётган мўйсафидларнинг аҳволини шундай тасвирлайдики, бунда бутун бир миллатнинг маънавий таназзулини тасаввур қилиш мумкин. Боши эгик мўйсафидлар мана шу авлодни тарбияламаганмиди? Бундан қандай хулоса чиқармоқ керак? Беҳбудий тан-

¹ «ТВГ». 1912, 12 феврал.

¹ Ўша газета, ўша сон.

лайдиган фактлар, ҳолатлар шундай таъсирлики, унинг замиридаги маънони ўқиб, хаёлга ботасиз, фикрлайсиз, маъноли ўғит оласиз.

“Эҳтиёжи миллат”¹ мақоласи ҳам ҳануз танбаллик қобигидан чиқа олмаётган миллатнинг бошчилари — зиёлиларига бағишланган булиб, ҳуқуқий, тарбиявий, маърифий аҳамиятга эгадир. Бу мақола Туркистоннинг мустамлака аҳволига тушганлигининг 50 йиллигига бағишлаб ёзилган.

Албатта, Беҳбудий “мустамлакачиликнинг 50 йиллигига бағишланади”, деб ёза олмасди. Лекин мақолани фикрлаб таҳлил қиларканмиз, муаллифнинг бу мақсадини сезишимиз мумкин.

Беҳбудий Дукчи Эшон бошчилигидаги ғалаён ва унинг натижалари билан таниш эди. Ғалаёнчиларнинг қилич, ўроқ ва паншахалар билан қуролашиб, тўпу милтиқли чор аскарларига қарши курашга чиқишлари не аҳволда тугаганлигининг гувоҳи эди.

Хўп, тўпу милтиқлар ниманинг натижасида қўлга олинган эди? Албатта, улар илм-фаннинг маҳсули сифатида намоён бўлади. Демак, у “замона илм-фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”, деганда юқоридаги фикрни ҳам назарда тутганди. Шунинг учун ушбу фикрдан сўнг “50 йиллик” асорат ҳақида ёзади: “50 сана муқаддамки замонда биз туркистонийлар якка ва танҳо яшаб бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йуқ эди. Энди замон устига қонун ва Оврупо одатиға итоат қилмоқға мажбурмиз”².

Беҳбудий мустабид давлатнинг туркистонийлар ҳокимияти тепасига келганига 50 йил бўлганлигини огоҳ этгач, асосий мавзуга кўчади: “Аммо қонун

¹“Самарқанд» 1913, 12 июл.

² Ўша газета, ўша сон.

ва Овруро оdatини билмаганимиз учун бойимиз бўлсун, қози ва мулла, ҳоқимимиз бўлсун кўб ташвиш ва зарар кўрарлар. Замони собиқда фақат шариат билмоқ кифоя этарди. Энди қонун ва закунни билмоқ ҳам лозимдур”.

Беҳбудий реалист эди. Шунинг учун ғалаёнлар ҳақида ўйлаб мустамлакачиларга қарши жангга отланиш керак, деган хом хаёлларга берилмас, тўғрироғи, берила олмас эди. Чунки у “Россияни ким ва қандайлигини билмайдурғон нодонлардан эмас” лигини¹ таъкидлаган, шунинг учун ҳам реал ўйлашга ва мавжуд имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилар, бошқаларни ҳам шунга ундарди. Аввалги таҳлил этилган мақолада тилни ўрганишни таъкидлаган бўлса, энди қонунни ўрганмоқни тарғиб этади. Бу ҳам Беҳбудийнинг реалист инсонлигини кўрсатувчи жиҳатлардан биридир. Публицист мустабид давлатнинг барча қонунларини ўрганиб олгачгина унга қарши курашиш мумкинлигини тушунтиради. Яқин тарихга мурожаат қилсак, ўз даврининг мавжуд қонун-қоидаларини яхши ўрганган, савияси баланд фуқарога эга бўлган Болтиқбўйи давлатлари биринчи бўлиб СССРдан ажралиб кетишди. Беҳбудий худди шундай билимли, шижоатли авлод тарбияси хусусида қайғурган.

Беҳбудий “Таҳсил оyi”² системаси бу мақоласида ана шундай авлод, уларни тарбиялаш зарурати ҳақида гапираркан, янгича таълим системаси яратиш, унда болаларимизни ўқитишни орзу қилади. Мустамлакачиларнинг таълимга эътиборини халққа кўрсатишга тиришади: “Август ва сентябр ойиндан бошлаб дунёвий мактаблар, яъни ҳукумат

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Тавзеҳ. «ТВГ», 1908, 18 декабр.

² «Самарқанд», 1913, 8 сентябр.

мактаблари ва бошқа миллат болаларининг таҳсилга бошлаганлари кўз олдимиздадур. Туркистон шаҳарларининг русий қитъаларинда эрта соат 7дан 8 гача диққат ила қараган киши икки синф халқни кўрар. Биринчиси 7 ёшдан йигирмагача талаба ва толибонлар қўлларинда ўнлаб нусха китоб ва ҳар бири суъратлик юруш ила гуруҳ-гуруҳ мактабларга кетарлар. Бунлар истиқбол учун, миллат равнақи учун, фаолият истеҳсоли учун дарс олурлар ва мунинг сабаби ила дин ва дунёларини обод этарлар... бу синфларга диққат қилган киши кўрарки, бу келар замон одамлари рус, яҳудий, армани ва амсолидур”¹.

Журналистикада ҳам қиёслаш катта аҳамиятга эга, фақат ундан унумли фойдаланиш талаб қилинади. Беҳбудий ҳам қиёслашдан маҳорат билан фойдаланган: “Буларнинг муқобилинда... яна бир синф халқ кўриладурки, устиларинда оғир юк, қўлларинда бел ва кетмон, рус, армани ва яҳудий мактаб болалари сониндаки, яъни мустаъбид(ҳозирланган, тайёр — **Ҳ.С.**) таҳсил болалари ила меҳнаткашлик, ҳаммол ва маздурлик топмоқ учун корхона ва қадоқхоналарга бориб, бир кунда йигирма тиндан бир сўмгача олмоқ учун ва тамом ўн икки соат меҳнат қилмоқ учун кўча-бакўча иш ахтарарлар, оҳ, на ямон ҳолат!”².

Ёки яна бир жойида: “... биз илмсизлик ила ушбу илм ва ҳунарлик замона аҳволига воқиф, замона ишига ошино рус, армани, яҳудий ҳамшаҳарлар ила маишати савдо ва тирикчилик, яъни мўбориза ҳаётийя бобинда бу ҳолатимиз ила асло-асло баробар бўлмаймиз, баробар бўлмоқ нари турсун худдорлик қилолмаймиз”³. Бу Беҳбудийнинг реалистлигига яна

¹ Самарқанд» 1913, 8 сентябр.

² Ўша газета, ўша сон.

³ Ўша газета, ўша сон.

бир исботдир. У ниятларининг руёби учун қулай замонни кутмади. Ҳаётининг ҳар сониясида мавжуд шароит талабларини ҳисобга олиб, ўз мақсади йўлида ҳаракат қилди. Буни биз унинг ёзиб қолдирган хабар, фикра ва мақолаларида ҳам кўришимиз мумкин. Улардан энг машҳурлари “Ҳуррият — озодлик — свобода — эркинлик”¹, “Государственная Дума вакиллари хусусинда”², “Дума ва Туркистон”³ мақолаларидир. Бунда Беҳбудий миллий фуқаро учун Думада жой ажратилганлиги ва ундан юрт манфаати йўлида фойдаланишмаётганлигини таҳлил қилади. Бунинг учун Думага вакил қилинмиш бойларимизнинг тил билмасликлари, мустамлакачи давлатнинг қонун-қоидалари ўрганилмаганлигини таҳлил қилади. Тўғри, бугун Чор Россияси Думасининг асл аҳволидан хабардормиз. Бироқ, бунда Беҳбудийнинг мавжуд шароитдан чора излаганини кузатишимиз мумкин.

Шу пайтгача кўпгина илмий асарларда Беҳбудий публицистикаси бир томонлама ёритиларди. Бунга, аввало, тузум сабаб бўлганлиги ҳаммага аён. Собиқ шўро даврининг қайта қуриш замонидаги битикларда ҳам бирёқламалик мавжуд эди. Бунга сабаб мақолалардаги Беҳбудий билдирган фикрларнинг таҳлилида, аниқроғи, у тарғиб ва ташвиқ этган маърифатда исломий тартиб-қоидаларнинг ҳам мавжудлигини биз — собиқ атеистлар бегоналик билан қабул қилаётгандекмиз. Бу таъсир ҳурриятга чиққанимиздан кейин ҳам сезилди. Бу бегоналик бизнинг боболар дунёқарашидан, халқ миллиятидан, қадриятдан ажратиб ташланганлигимиз

¹ «ТВГ», 1906, 5 январ.

² «ТВГ», 1906, 12 март.

³ «Тужжор». 1907, 9 октябр.

асоратидир. Шунинг учун Беҳбудийнинг айнан ўзи-дек қабул қила олмаяпмиз. Албатта, бугун бу хатоликни тузатмоққа фурсат етди, яъни исломни ўрганиш замирини илмий тушуниш, “дунёда биргина соф таълимот бор, у ҳам бўлса марксизм-ленинизм”, деган ақидани миядан чиқариб ташлаш, дунёни бир бутун кўриш, хусусан, исломни ҳам яхши ўрганиш керак. “Унда тараққий этолмаймиз”, дейиш ҳам бефойда. “Динни, исломни билмай туриб, жаидчиликнинг моҳиятини тушуниб бўлмайди”, деганди Азиз Мираҳмедов¹. Беҳбудий оддий мусулмонлар қаторида эмас, шариатнинг масъул кишиларидан эди. Шунинг учун унинг ижодини ўрганишда мана шу жиҳатига алоҳида эътибор беришимиз керак бўлади. Беҳбудий ўзининг ҳар бир мақоласида ислом ва илмга тегишли гаплар “шариатга хос”лигини таъкидлайди. “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” мақоласида миллат кўйида ёниб шундай ёзади: “Бир қарра диққат қилиб маҳаллакўй ва қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган, биз мусулмонмиз. Мусулмонларга илм лозим, амал лозим, ўқумоқ керак...”².

“Биз мусулмонмиз, мусулмонликга илм лозим, амал лозим”, дейди Беҳбудий. Бу билан у Қуръони каримдаги оятларга таянган ҳолда хулоса чиқараяпти. Қуръон ҳеч қачон илмий дунёқарашни, табиий илмларни инкор қилган эмас. Беҳбудий исломни ҳар қандай таълимотдан юқори қўяди: “... Исломият шундай бир дини мутаййин ва қобили тараққийдурки, нақадар илми замоний кўб ўқулса, инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустаҳкам бўлув”³.

¹ А. Мираҳмедов. Жаидчилик нима? // «Санъат», 1990, 12-сон.

² «Самарқанд». 1913, 30 июл.

³ «Ойина». 1914, 21-сон, 54-бет.

Бу гаплар айни кунда Ғарб оламида кўп ишлатилаяпти. Масалан, русларнинг энг машҳур ёзувчиларидан бири А.Солженицин ҳам исломнинг қуввати XXI асрда сезиларли бўлишини таъкидлайди¹.

Беҳбудийга қайтамиз: “Чунончи, илми замоний кўб ўқуғон Оврупо олимларининг энг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб турганлари жаридахонларимизга маълумдур. Бас, собит бўлдики, илми замоний исломиятга зарар қилмоқ нари турсин, фойда этар...”².

Беҳбудийнинг исломга ишончсизлик билан қарганини ҳеч қачон кўрмаймиз. Худди шу ерда Беҳбудий ижодини ўрганишдаги айрим чалкашликларни айтиб ўтмоқчимиз. Беҳбудийнинг 1917 йил Октябр тунтаришидан сўнг халқ комиссарлигида ишлаганлиги кўп манбаларда таъкидланади, лекин тушунтиришга келганда юзаки ва чалкаш фикрлар айтилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий номининг тикланишига катта ҳисса қўшган Солиҳ Қосимов ёзадилар: “... Беҳбудийнинг қарашлари, фаолиятида маърифатпарварлик ва шариат узвий бирликни ташкил этади. Бироқ бирор сабаб билан ўз фаолиятини икки узвини танлаш эҳтиёжи пайдо бўлганда эди, биз аминмизки, Беҳбудий маърифатпарварликни танларди...”³. Домланинг ушбу фикрларини бир оз ўзгартирсак ҳам “исломий маърифатпарварликни” дейиш мумкин. Зеро, унинг қуйидаги сўзлари фикримиз далилидир: “Ҳақиқий исломият Қуръони

¹ «Аргументы и факты». 11 января, 1995 г.

² «Ойина». 1914, 21-сон 54-бет.

³ С. Қосимов. Беҳбудий ва жадидчилик. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990, 26 январ.

карим ва таълими ҳазрат Расули акрамга мувофиқ эътиқод ва амал қилмоқдур...”¹.

Яна бир фикр. Беҳбудий социализм назариясидан беҳабар бўлганлиги ҳақида ҳам домла С.Қосимовда айрим чалкашликлар мавжуд, чунки ул зот яшаб, ижод этган давр — моддиюнчилар даври эди.

“Маҳмудхўжа ва социалистик инқилоб. Беҳбудий номининг социалистик инқилоб тушунчаси билан ёнма-ён келиши баъзи ўқувчиларга эриш туюлиши мумкин, албатта. Дарҳақиқат, Беҳбудий социалистик революция назарияси билан танишмиди? Марксизм назариясидан хабардормиди?” Афсуски, бу саволларга асосан салбий жавоб беришга тўғри келади. Зеро, марксизм бус-бутун революцион таълимот. Шубҳасиз, Беҳбудий бу таълимот билан яхши таниш бўлмаган. Бироқ, Россиядаги айрим сиёсий партияларнинг, жумладан марксчиларнинг баъзи ижтимоий масалаларга қараши билан у шубҳасиз, таниш бўлган. Буни, жумладан, унинг 1906 йилда ёзилган ва “Хуршид” газетасида эълон қилинган “Хайр ул-умуру авсатиҳо” сарлавҳали мақоласидан ҳам кўриш мумкин. Унда бюрократик — мустабид фирқаси (ҳукумат партияси), машрутаи авомия — маишати машрута фирқаси (кадетлар), иштирокиюни — маишати муштариқа фирқаси (социал-демократия) ва Россия мусулмонлари иттифоқи партиялари программаларидаги айрим ўринлар чоғиштирилади... айрим эътиборли мутахассислар худди шу мақоладаги баъзи фикрлар, чалкашликлар ва ноаниқликларни рўкач қилиб, авторни бадном этганлари сабабли унга бир умрга “болшевизмнинг ашаддий душмани” деган тавқи лаънат осиб қўйишган эди. Афсуски, ҳеч ким бу

¹ М. Беҳбудий. Ёшларга мурожаат // «Ойина». 1914, 21-сон.

мақоладан кейин Беҳбудий дунёқарашида юз берган ўзгариш, унинг Советлар ҳокимиятига муносабати ва Самарқанд шўросининг маориф нозири сифатидаги ҳалол меҳнати билан қизиқиб кўрмаган”¹.

Кўчирманинг кенг олинишига бир неча сабаб бор. Аввало, муаллиф марксизм даврида яшаб туриб, миллат фидойиси — Беҳбудийни ҳимоя қилаяпти ва уни социализмдан бегона эмас, дея шўролар ҳукуматида хизмати катталигини таъкидлаяпти. Муаллиф айтаётган “айрим эътиборли мутахассис”лардан бири М.Ваҳобов эди. Дарҳақиқат, у ҳам ушбу мақолани ўқиган ва уни “Ўзбек социалистик миллати”² китобида танқид остига олиб, Беҳбудийнинг чалкашликка йўл қўймаганлигини, балки социалистларнинг ғоялари қандайлигини кўрсатиб берганлигини ёзади.

“Беҳбудий социалистик партиялар устида гапириб, бу партиялар жаҳонда шахсий мулкни тугатмоқчи, ҳаммани ишга тортиб, шахсан ишламасликдан кун кўрувчи кишиларни йўқотмоқчи, маҳсулотни барча ишлаган кишиларга тенг тақсим қилиб бермоқчи, дунёда бойлар билан камбағаллар деган тушунчани йўқотиб, ҳаммани тенг қилмоқчи, дейди. Социалистларнинг программаси, Беҳбудий фикрича, ислом қоидаларига бутунлай зид бўлгани учун мусулмон меҳнаткашлари бу партиядан қочишлари керак эмиш. Уларнинг программаси, дейди Беҳбудий, — ҳозир амалга ошиши мумкин бўлмаган хаёлдан иборатдир. Агар бир фалокат

¹ С. Қосимов. Беҳбудий ва жади́дчилик. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1990, 26 январ.

² М. Ваҳобов. Ўзбек социалистик миллати. Т., Ўздавнашр, 1960, 211-бет.

бўлиб, уларнинг программаси амалга ошиб қолса, қиёмат қоим бўлармиш”.

Кўриниб турибдики, бу таҳлил марксист томонидан танқидий руҳда ёзилган. Шундай бўлса-да, Беҳбудийнинг шахсий мулкни тугатиш одамзодни не аҳволга солиши мумкинлигини айтганлигининг ўзи натижани олдиндан кўра билиши эмасми? Социалистларнинг программаси ҳам ислом қоидаларига бутунлай зидлиги, унинг худосизлигидадир. Беҳбудий қиёмат қоим деганда миллатнинг келажаги не аҳволда қолиши, қатағонлар бўлиши, иймонли кишиларни бу жамият ҳалок этишини назарда тутмадимикан? Ҳозир хулоса чиқариш осон, лекин воқеа-ҳодисани аввалдан кўра олиш донишмандликни талаб қилмайдими?

Қолаверса, “Эҳтиёжи миллат” мақоласидаги сўзлар юқорида номи тилга олинган мақоласидаги фикрларини тўлдиради: “Замондин бохабар ва ҳукумат жадида ва фалсафа ҳадисадан воқиф уламомиз бўлганда динсиз ва динли табиийун ва моддийун, нигилист, сотсиалист... янги файласуф ва динсизлар афкори ни раддига китоблар тасниф қилиб, масжид ва минбар ва мажлисларга авом ва ҳавас умматни эътиқодини маҳкам тутмоқига боис ва сабаб булурлар”¹.

Марксист М.Ваҳобов Беҳбудийни танқид остига олиши маълум эди. Зеро, у ўзига хос партияни танлаган эди. С.Қосимовнинг ҳимояси ҳам М.Ваҳобовнинг қуйидаги асослари олдида жуда жонсиздек туюлади: “Беҳбудий мусулмонлар партияси устида сўзлаб, бу партия биз мусулмонлар учун жуда зарур, шундай партия йўқлиги учун биз ҳозиргача эзилиб келмоқдамиз, дейди. Бу партиянинг асосий

¹ «ТВГ». 1909, 2 октябр.

вазифаси, унинг фикрича, сиёсий масалаларда кадетлар билан бирга ҳаракат қилиб, мамлакатда конституцион монархия тузуми жорий қилишдан, мафкура майдонидаги вазифа эса ислом динини янада мустаҳкамлаб, унинг айрим қолоқ, эскирган ақидаларини ислоҳ қилиб, маҳаллий меҳнаткашлар ўртасида мусулмонлик ва ислом ахлоқини сақлаб қолишдан иборат эмиш. Агар бундай партия бўлмаса 10-20 йиллар орасида бизнинг динимиз бузулиб, ислом ахлоқи барбод бўлади, биз қиёфамизни йўқотамиз”¹.

С.Қосимовнинг ҳимоясига келганда, айтишимиз мумкинки, у ўзининг ўрганиш жараёнларида Беҳбудийнинг миллат учун жон куйдирганлигини билгач, миллат нуқтаи назаридан ҳимоя қилади. Гап бу ҳимоянинг қандай асосланганлигида эмас, гап унинг ҳимоя қилинганидадир. С.Қосимов Беҳбудий ҳақида ижобий фикр айтган биринчи олимлардан эди.

Хулоса шулки, Беҳбудий илм-фанни, маърифатни, юрт равнақини, озодлигини ўйлаган, унинг учун ҳаловатидан кечган ислом кишиси эди.

Беҳбудийнинг мақоланавислигида Туркия мавзуи алоҳида ўрин тутади. Буни айниқса “Муҳораба нима бўлди?”², “Болқонми, вулқонми?”³, “Адрина”⁴, “Болқонга бир назар”⁵, “Адрина, Фароқия”⁶, “Турк давлати нимага мағлуб бўлди?”⁷ каби мақолалари ва нашрларининг “Болқон ишлари” рукнида берилган кўпгина хабарларида кузатиш мумкин.

¹ М. Ваҳобов. Ўзбек социалистик миллати. Т., Ўздавнашр, 1960, 536-бет.

² «Самарқанд». 1913, 16 апрел.

³ Ушбу газета, 1913, 30 апрел.

⁴ Ушбу газета, 1913, 16 июль.

⁵ Ушбу газета, 1913, 13 август.

⁶ Ушбу газета, 1913, 30 август.

⁷ «Ойина». 1914, 11-,14-, 7-,18-сонлар.

Беҳбудийнинг Туркияда яшаганлиги бир неча мақола ва суҳбатларда таъкидланган. Унинг бу мамлакатга нисбатан ҳурмати юқори бўлганлигини ҳам ўз мақолаларидан биламиз. Бунга боис туркийлар, мусулмонлар эканлиги бир сабаб бўлса, Туркиянинг мустақиллиги яна бир сабабдир. Қолаверса, Туркиядаги жанглари ёритиб, унинг ғалабасидан шодланган публицист уларга умид кўзи билан қаранлиги кузатилади.

Унинг Туркия ҳақида Туркистон матбуотидаги биринчи йирик мақоласи ўзи нашр этган “Самарқанд” газетасининг илк сонидagi бош мақоласидир. Ушбу мақола “Муҳораба нима бўлди?” сарлавҳасида берилган. Бунда Беҳбудий Туркия билан боғлиқ уруш тафсилотларини чор матбуоти тарқатаётган турли хабарларга нисбатан бошқача тасвирлайди. Чунки Россия азалдан Туркия билан рақобатлашиб келаётган давлат эди.

Беҳбудий ўз мақоласида Туркияни оқлаб, унга қарши жанг қилаётган мамлакатларни очиқдан-очиқ қораламайди. Бўлиб ўтган воқеаларни батафсил суратда шундай тасвирлайдики, зукко газетхон бу мақоланинг фақатгина хабар тариқасида ёзилмаганлигини англаб етади. Мақола бошида Туркияга нисбатан “Юнон, Булғор, Сербия, Қоратог мамлакатлари хуфя тил бириктириб” ҳужум қилганликлари ва шу пайтгача қудратли давлат ҳисобланмиш Туркиянинг анча ерларини босиб олганлигини тасвирлайди. Туркиянинг мағлуб бўлишига сабаб қилиб султонларнинг ҳарбий ишларга эътиборсизлигини кўрсатади. Сўнгра унга душман тўрт давлатни қисқача қилиб таништиради.

Беҳбудий ҳақиқатни ошкор айтмайди, лекин у

тасвирлаган воқеа тафсилотларининг хулосаси катта сабоқ вазифасини ўтайди:

“Хулоса, мазкур тўрт ҳукумат Туркия давлатига аввал тобеъ, сўнгра ҳамсоя эдиларки, охири голиб келдилар. Хуфя аҳд қилиб, бир миллийун қадар мунтазам аскар ила тўрт эмас, ун тарафдин бирдан босиб кириб туркларни мағлуб қилиб, хийла мамлакат ва шаҳарларни жон баҳосила олдилар”¹.

Ушбу мақоладан тўрт хил фикр англашилади. Аввало, Беҳбудий Туркиянинг нима учун рақиблардан мағлуб бўлганлигини кўрсатиб беради. Мағлубиятнинг асосий сабаби қилиб бутун Шарққа хос бўлган тургун сиёсат, танбал ҳаракат, илмсизлик натижасида вужудга келган давлат заифлигини таҳлил қилади. Иккинчидан, Туркияга қарши туриб енгган, тўрт давлатнинг бирлашиб, иттифоқ тузиб ҳаракат қилганликларини таъкидлайди. Бунда Россия мустамлака зулми остида ётган Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва Хива хонлигини ҳам таққослаш мумкинлиги сезилади. Ниҳоят, Россия давлати ҳам Туркистонга бир пайтлар тобе эмасмиди?” У бирлашиб, ягона давлатга айланиб, хоҳлаган жойларини босиб ола бошлади. Бундан ҳам керакли ўғитларни олиш мумкин. Қолаверса, бу гапларни Беҳбудий беш йил саргардон бўлиб очган газетасининг биринчи сонидаяқ берганлиги ҳам мақоланинг аҳамиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳидчилик, жумладан Беҳбудий публицистикаси, айримлар айтганидек, фақатгина соф маърифий хусусиятгагина эга эмас. Унинг публицистикасида Туркистоннинг мустамлакага айланиш ҳақиқати очиқ берилади. Сабаб қилиб эса илмсизлик кўрсатилади. Бунинг натижа-

¹ «Самарқанд». 1913, 16 апрел.

сида эса тарихга мурожаат қилинади. Нега дунёда қудратли ҳисобланган Туркистон амирлик ва хонликларга илмсизлик оқибатидаги жаҳолат, манманлик ва калтабинлик туфайли бўлиниб кетди? Аслида бу давлатнинг ҳудуди қанчалик катта эди, деган саволга эса ўзининг жугрофияга оид мақолаларида жавоб беради. Маърифатсизлик оқибатида қанчадан-қанча ерлар Оврупо мустамлакачиларига бой берилганини у барчага тушунтирди. Туркистон заминида яшаб, ижод қилган уламоларни бир-бир санаб ўтиш баҳонасида уларнинг қонлари ўз авлодлари томирида оқаётганлигини эслатади. Ўқувчида миллий гуруҳ ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилади. Бундай илмларни ўрганиш учун эса жаҳид мактабларида ўқиш лозимлигини таъкидлайди, бу мактабни тарғиб қилади.

Беҳбудийнинг барча ҳаракати тараққий этиш гоёсига бориб тақалади. Нега тараққий этиш керак? Бошқа давлатлар исканжасида эзилмаслик учун ҳам тараққий этиш керак. Тараққиёти тўхтаган миллат ўзгаларга қарам бўлиб яшайди. Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жаҳидлар маърифати миллий-озодлик ҳаракатининг яширин кўриниши эди.

Маърифатпарварлик таълим ислоҳи билан бирга қул бўлиб юришдан воз кечиш, дунёқарашни кенгайтириш, ўзликни англаш борасидаги ислоҳдир.

Бу ҳолат бизга яширин, яъни маърифат либосида кўринган бўлса, 1917 йилдан кейин миллий-озодлик ҳаракати ўз ҳолича намоён бўла бошлади. 1917 йилгача фақат маърифий ислоҳотлар ҳақида ёзган жаҳид публицистлари, жумладан, Беҳбудий ҳам энди мухторият ҳақида баралла ёза бошладилар. Буни алоҳида бўлимда кўриб чиқамиз.

2 - ф а с л. ПУБЛИЦИСТИКАНИНГ СИЁСИЙ «ЛИБОС КИЙИШИ»

Беҳбудий фақатгина публицист эмасди. 1920 йил мартада таъзия муносабати билан тузилган комиссия хулосасида айтилганидек: “Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий мунтазам бир таҳсил кўрмадиги ҳолда хидмат машқининг утига чидай олмасдан, узининг сабот ва гайратиға таяниб бутун хидматни ўз бўйниға юклади. Маҳмудхўжа юртнинг эҳтиёжига қараб муҳаррир-да бўлди, муаллим-да бўлди, газетчилик қилди, мактаб китоблари ёзди, тиётрчилик қилди, сиёсий ишларға ишлади, халққа сиёсий фикр берди, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини ислоҳ қилмоқ учун иқтисодий ва ижтимоий олим бўлиб халққа фикр тарқатди. Фикҳи ислом, ҳадис ва тафсир билан шуғулланиб сўйлайтургон ва ёзадургон нарсаларини шаръий далиллар билан исбот қилди”¹.

Етти кишидан иборат мазкур комиссия Беҳбудий ғойиб бўлганига бир йил тўлиши муносабати билан унга аза очиш ва қилган ишларини жамлаш, уни ёд этиш мақсадида тузилган. Бу хулоса “Меҳнаткашлар товуши” газетасида Садриддин Айний имзоси билан чоп этилди. Унинг ишончлилигига сабаб шулки, комиссия аъзолари Беҳбудийнинг уйига бориб, унинг бисотидаги барча китоб ва чала қолган асарларини ўрганишади. Бу ишда уларга Беҳбудийнинг ўгли Масъудхўжа ёрдам беради².

¹ «Меҳнаткашлар товуши». 1920, 8 апрел.

² Ўша газета, ўша сон.

Айтмоқчи бўлган фикримиз шундан иборатки, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик фаолияти юрт учун қилаётган ишларида, тушунтиришларида кўмакчи вазифасини ўтаган. Бу айниқса 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг яққол кўзга ташланади. Бунда Беҳбудий очиқдан-очиқ сиёсий фаолиятини бошлайди. Дейлик, 1917 йили “Нажот” газетасининг 7 ноябрь сонисидаги мақоласида шундай сўзларни ўқишимиз мумкин: “Миссионерлар тарафидан ва ёинки бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шариати муқаддасимизни ҳукмдан қолишини истайдургон эски ва мустаъбид ҳукумат одамлари тарафидан шундай зақунлар чиқардики, масалан, “Ҳар бир 25 яшар туркистонлилар қози ва волостной бўлиши мумкиндур”, деган зақун қўйилди... Бу зақун бизга саводсиз ва илмсиз қозиларни оқча ва ришва(пора — **Ҳ.С.**) ила сайланмоғига ёрдам этди. Эски золим ҳукуматнинг иши ва дин бузғувчи одамлари ва миссионерлари мадрасаларимиз ва мактабларимиз тўғрисида ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат майдониға ҳам йўқ ва маҳв бўлиш чуқурига судрайдургон зақунлар вазеъ этдилар. Мударрисни ҳеч нима билмайдургон ёш талабаларни мадрасаға сайлаб қўйиш тадбирларини зақун қилиб чиқордилар... Мударрис на таълим этар, на бошқа-бошқа ишларга назорат қилур эди. Натижада уламо озайди. Ахлоқ бузулди, уламо иснодиға жоҳил ва хоинлар, соф саводсиз кишилар қози бўлди. Тадрис ва афтодаи ожиз кишилар муфти мударрис бўлди. Бир мулла ҳам қози ва ҳам мударрис ва ҳам оқсоқол бўлуб, талаба, мирофаъчи ва аҳоли ишларини сактага учратди. Бошқа тарафга қарасанг қози ва мударрислик учун истеъдодномаси бўлган уламомиз

оч юрадур. Оҳ, золим ҳукумат ва миссионерлар бизга налар қилдилар!..”¹.

Беҳбудийнинг 1917 йилгача ёзган мақолалари замиридаги фикрларнинг кўпчилигини мана шу кўчирманинг ўзиёқ очиб беради. Мустабид ҳукумат олиб борган сиёсатни тушуниб, унга нисбатан муросали бўлиш нақадар машаққатли эканлигини илм кишиси дарров фаҳмлади. Беҳбудий барча дардини ичида сақлаб юрди, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни имкон даражасида халққа тушунтиришга ҳаракат қилди. Буларнинг барчаси ҳурриятни соғинган мақолалар эди.

Беҳбудий 1917 йил февралдан кейин ҳам ҳуррият учун курашга, кейинчалик озодликни сақлаб қолиш, мустақкамлаш борасида кўплаб мақолалар ёзди. “Ҳуррият” газетасида чиққан “Бухоро воқеалари ва дафъи туҳмат”, “Муҳтарам самарқандийларга холисона арз”², “Иттифоқ керак”³, “Таҳрири нуфуз”⁴, “Мурожаатнома”⁵, “Очлик балоси”⁶, “Қозоқ қариндошларимга очиқ хат”⁷, “Баёни ҳақиқат”⁸, “Галла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия”⁹ каби энг сара мақолалари шулар жумласидандир.

Илк мақолаларидан бири 1917 йил апрел ойидан чиқа бошлаган “Ҳуррият” газетасида чоп этилади. У “Бухоро воқеалари ва дафъи туҳмат” мақоласидир. Унда Самарқанд мусулмонлар қўмитасининг

¹ «Нажот» — 1917, 7 ноябр.

² «Ҳуррият» — 1917, 26 апрел — 1 май.

³ Ўша газета, 1917, 13 май.

⁴ Ўша газета, 1917, 3 июнь.

⁵ Ўша газета, 1917, 10 июнь.

⁶ Ўша газета, 1917, 17 июнь.

⁷ Ўша газета, 1917, 30 август.

⁸ «Ҳуррият» — 1918, 26 январ.

⁹ «Меҳнаткашлар товуши» — 1918, 2 август.

иккинчи раиси сифатида Бухорога юборилган Беҳбудий ва унинг ҳамроҳлари курган, билган ишлар ҳақида баён қилинади.

Бу мақола хусусида адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров “Амир нега Беҳбудийга қўл бермади?” деган ажиб бир илмий таҳлилни эълон қилди. Унда мақолага нисбатан яхши баҳони ўқишимиз мумкин: “Ҳуррият” газетасининг 1917 йил 1 май сонидан ана шу воқеалар муносабати билан муфти Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат” мақоласи чиқди.

Мақола менга гоятда мароқли бўлиб туюлди”¹.

И.Гафуровнинг бу мақоласи унинг беҳбудийшуносликка қўшган катта ҳиссасидир. Юқорида Беҳбудий публицистика учун яшамаганлигини, балки ҳаётдаги маълум тўсиқларни енгиб ўтишда унга муурожаат қилганлигини таъкидлагандик. Ушбу мақола ҳам фикримизнинг далилидир.

1917 йил Феврал инқилобидан кейин Беҳбудий Самарқанд мусулмонлар ижроия қўмитасининг иккинчи раиси лавозимида ишлайди. Шунда Бухорога боришлари лозим бўлиб қолади. Бу воқеанинг бошланишини у шундай тасвирлайди: “Санаи ҳозира 5 апрелда Самарқанд ижроия қўмитаси мажлисида мажлис тарафидан хуфя машварат борлиги эълон қилиниб, генерал Куропаткиннинг Самарқанд волийсига 25 мартда ёзган расмий бир мактуби музокарага қўйилди.

Бухоро амири ва ё рус консулининг мактуби сабабиндан Куропаткин ушбу мактуб ила Самарқандга муурожаат этган эди. Гуё Бухоро амири Бухорода кенг бир ислоҳоти шаръия жорий этар экан-

¹ И. Гафуров. Амир нега Беҳбудийга қўл бермади «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1994, 6 май.

ким, Бухоро ҳамсоясиндаки халқнинг Бухорога фасод нашр қилмоқларидин қурқуш борлиги муғлақ бир суратда баён қилинур эди.

Мактуб сарбаста ёзилгани учун ҳар ким бир навъ англар эди. Охири мажлис қарор қўйдиким, Оврупо аҳлларидан жанобон Чартуф ва Гартсфилд, мусулмонлардан Маҳмудхўжа Беҳбудий ва мулла Ҳайдарбек Абу Саъид уғли, яҳудийлардан Исохоруф фавран Бухорога боруб, аҳвол ила ошино бўлсунлар. Ва аларга лозим маълумотлар берилди”¹.

Беҳбудий мақолани, Иброҳим Гафур айтмоқчи, “гоятда мароқли” ёзган. Бухорога бориб қилинган ишлар, амир қабулидаги ҳол, у ерда бўлиб ўтган турли воқеалар, шунингдек, Каттакўрғондаги яраш тафсилотларини тушунтириб беради. Улар қайтиб келганларидан сўнг, Тошкентда бўлиб ўтган ўлка съездида айрим руслар Бухородаги тартибсизликларга Самарқанддан борган депутатлар сабабчи бўдилар, деб даъво қилганликларини айтади. Сарлавҳанинг “дафъи тухмат” деган қўшимчасида шу тухмат назарда тутилганди. Уларга нисбатан қандай иш кўрилганлигини Беҳбудий қуйидагича ёзади:

“Бизлар Каттакўрғонга кириб, биродарларимизни яқинлаштуруб, яраштурдук. Сўзимизни рад қилмаганлари учун ташаккур этамиз. 8 апрелда Самарқанд мавзеида Бухорода воқеъ бўлган қора хабарни эшитдук. 9инчида Тошканд “краевой сиезди”га бордук. Бир-икки кундан сўнгра сиезд мажлисида русларни баъзиси Бухоро ҳодиса ражъиясига Самарқанддан борган депутатлар сабаб бўлди. Самарқанддан ўз ихтиёрлари ила бордилар, деб минбардан сўйлади. Камина Маҳмудхўжа туруб,

¹ «Меҳнаткашлар товуши». 1918, 2 август.

минбардин юқоридаги сўзларни муфассал суйладим. Андаги оврупойи йулдошларимиз ва Самарқанд ижроия қўмитасининг раиси Аранский жанобларини шоҳид кўрсатиб, хасмни мулзам ва сукут этуб, ўзимдан ва рафиқларимдан дафъи тухмат этдум. Бухоро уламо ва умаросидан баъзиларининг бу фармони олийдан норозиликлари сабабини бироз баён этдим. Лозим бўлса, бошқа мақола ила муътабар “Хуррият” қориларига баён қилинур”¹.

Беҳбудийнинг публицистик таҳлили оддий ва самимий. У бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисани баён қиларкан, унда кўпчилик публицистларда етишмайдиган сифатлар намоён бўлади. Бу иймоннинг мустаҳкамлигидир. У аввало яратганнинг, шунингдек, Туркистон халқи олдида қимлигини кўрсатиб туради. Мустаҳкам иймон ва миллатпарварлик унинг халқ олдидаги обрўсини доимо сақлаб туради.

Миллатпарварлик ва юртдошларига ҳурмат “Хуррият” газетаси(1917 йил, 13 май)да чиққан навбатдаги мақоласининг сарлавҳасиданоқ сезилади — “Муҳтарам самарқандийларга холисона арз”. Беҳбудий бу мақоласини ҳам миллат олдида турган тўсиқни енгиб ўтиш лозимлигини тушунтиришга бағишлайди. Феврал инқилобидан кейин ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетган пайтда зукко публицист нималар бўлаётганлиги ва бу берилган имкониятдан фойдаланиш йўллари хусусида фикр юритади: “Аҳли хабаранинг маълумидурким, эски ҳукумат замонида ҳар нимарса амр ва буйруқ ила бўлур эди. Халойиқнинг ва миллий ишларини ислоҳ ва ривож и туғрисида қиладургон ҳаракатларига йўл берулмас эди. Ҳеч диний нимарса ҳукуматдан бежавоб ва қилина олмас эди.

¹ Хуррият. 1917, 1 май.

Ҳозирда бўлса, худойи таоло бизларга ҳуррият берди. Диний ва миллий ислоҳот, тараққийимиз учун ҳаракат ва саъй этмоққа йўл очикдур.

Ҳурриятнинг тўртинчи ойиндамиз. Лекин биз самарқандийлар диний ва миллий ишларимизни ривож бермоқ учун ҳануз бир иш қила олмагандурмиз. Аҳли жамият ва ғайратли бир неча ёшлар, аҳли инсоф ва мурувват, бир неча мўйсафид ва катталаримиз бир неча кун бир бўлиб, баъзи яхши ишларни бошқармоқчи бўлдилар. Ҳатто уламои киромдан аксари қўшилмоқчи бўлдилар, қўшилдилар”¹.

Бўлиб ўтган Февраль инқилобидан кейин Самарқандда ҳам жамиятлар ташкил қилинди, йигилишлар, баҳслар бўлиб турди. Лекин халқнинг маънан тайёр эмаслиги ишнинг ривожига тўсқинлик қилди. Ёшлар билан кексалар ўртасида жанжал чиқди. Беҳбудий айнан ана шу муаммони ҳал қилиш учун мазкур мақоласини битади. Мақолада, аввало, у не сабабдан ихтилоф чиққанлигини очиб беради: “Ёшларнинг очган “Исломия клуби” ҳар кун уламо, савдогар ва аҳли касабадан бир неча дафъа тўлуб, бўшалуб эди. Ишлар яхши кетар эди. Умидлар қавий (кучли — **Х.С.**) эди. Ояндамизнинг яхши бўлушини истидолар қилур эдук. Аммо ишлар ва иттифоқлар узоқга сурилмади. Бир неча тажрибасиз ва тез ҳаракат ёшлар бир-икки нафар нафсониятга ботган ва ўлгунча тузолмайдурғон кишилар қадима иғво ва фасодни ўртага солдилар. Натижада Самарқанд халқи иккига бўлинди. Билкулли иккига эмас, юзга бўлуниб, халқнинг кўнгли совуб, баъзиларнинг сўз ва ҳаракатидан нафратланиб, тарқалиб кетдилар”².

¹ «Ҳуррият». 1917, 1 май.

² «Ҳуррият». 1917, 13 май.

Журналистикада ҳам тиббиёт аҳлининг қоидасига амал қилинса, яхши самара беради, яъни табиб бир касалликнинг келиб чиқишини урганиб чиққач, уни даволаши осонлашади. Беҳбудий ҳам низонинг нима сабабдан келиб чиққанлигини кўрсатиб, самарқандликларни қайта иттифоқ тузишга чақиради. У ихтилофдан сўнгги аҳволни кўрсатади. Барча аҳолини муросага чақиради, ялинади: “Эй, ҳазрат уламо! Эй тужжор, аҳли касаба ва ағниё! Эй, гайратлик ёшлар! Нифоқ ва бир-бирга душманликни ташлангиз. Худо ҳаққи, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу кунларда қорнини тўйгазолмайтургон фақира, етим ва бевалар ҳаққи бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холиқ худонинг нафъига, дин ва миллат йўлига хидмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хидмат ва яхшилик талаб этадур. Нафсоният ва ғурур эмас”¹.

Унинг ёшларга мурожаати катта маҳорат билан ёзилган. Беҳбудий ёшларни алқаб-мақтаб бўлса-да, уларнинг шошма-шошарлик билан йўл қўйган хатоларини кўрсатади ва бу хатоларни тузатишга чақиради: “Эй ёшлар! Сиз ҳам бир оз оғир ва хушсўз бўлингиз. Ҳурриятнинг аввалида халойиқ сизга инонди, сизга ўзини ташлади, аммо сизлар тажрибасизлик этиб ва ўз орангизда ихтилоф кўрсатиб, халқнинг ўз борангиздаги хушгумонлигини, афсуским, йўқотдингиз. Мана шу йўқотганингизни қайтариб топмоққа ҳаракат, саъй этингиз. Халқ сизларга майл қилган эди, сизлар тўғриси бажара олмадингиз. Мана шу тажрибасизлигингизни хотирингизга келтурингиз ва бу ёшларга дарси ибрат бўлсун”².

¹ «Ҳуррият». 1917, 13 май.

² Ўша газета, ўша сон.

Беҳбудий одатдагидек ибратли ҳадисни келтиради. Бу галги мисоли эса ўз ҳаётининг сабоқларидандир. Энг асосий гап — тўрт-беш киши билан тараққиётга эришиб бўлмаслигидир. Эътибор берилса кўриладики, миллатнинг тараққиётига бутун халқ сабабчи бўлиши, яъни Форобийнинг “Фозиллар шаҳри аҳолиси”га шаъма бор: “Муҳтарам ёшлар! Замон сизникидур, қарилар замони ўткан. Сиз киромга бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. “Алажла минашшайтон!” (Шошган шайтондандур — Ҳ.С.) Бу фикрни бошингиздан чиқарингизким, сизнинг ўз бошингизга тараққий қилмоғингиз мушкулдур. Балки бутун шаҳрингиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз. Мен ҳам йигирма йилдан бери ҳаракат қиларманким, тараққий пайдо бўлсун. Шуниси сизлар ҳам билурсизки, ўн ва йигирма нафар ила тараққий бўлмайди ва бўлмас экан. Бинобарин, ўрта ва бу қадар имкон кўпроқ киши майл қилатурғон йўл ила тараққий этмоқ керак ва унсиз бошқа чора йўқдур. Муни бир неча дафъа сизларга юзба-юз айтганман”¹.

Юқоридаги кўчирмалардан яна шулар маълум бўладики, Беҳбудий йигирма йиллик ҳаракатининг самараси оз бўлганлигини, бунинг учун барча бирлашиб, ҳамфикр бўлиб курашиш лозимлигини, акс ҳолда, келажак авлоднинг қарғишига қолишини айтади: “Азиз ҳамшаҳарларим, мўътабар аҳли ватаним, ҳаммангиз бир бўлуб, халқ ва диннинг ривожи учун бирлашуб, орадаки нафратларни ташлаб, худонинг берган ҳуррият неъматидан нафъиланмоқ ҳаракатида бўлмоқ керак ва алан бизнинг бу ҳаракатсизлигимиз биздан ҳурриятни кеткуриб яна бошқаларга

¹ Ўша газета, ўша сон.

бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз ва бизнинг авлодимиз ҳамда халқи олам бизга раҳмат ўрнига лаънат ўқурлар”¹.

Валийлар ҳар бир ишнинг хулосасини, натижасини аввалдан кўра олганлар. Беҳбудийни ҳам шундай кишилар тоифасига қўшгимиз келди. Бунда у агар ҳурриятни қўлдан бериб қўйсақ, асосан уч хил воқеа содир бўлишини айтади: “бизни асирлик даражасига” туширади (аслида ҳам тушдик), “юз йиллар ила кейин кетармиз” (70 йил ўтди), “авлодимиз ҳамда халқи олам... раҳмат ўрнига лаънат ўқурлар”, яъни ота-боболарни биз унчалик айбламасак-да, улардан ҳам хато ўтганлигини англаймиз. Бу хулосалар аҳли донишларга хосдир.

Муаллиф мақоласининг охирида, одатдагидек, “зарб” билан хулоса чиқаради. Яна Қуръони каримдан кўчирма келтиради: “Бу сўзлар тўғри сўзлардур. Ёш ва қарилардан албатта мандан ушбу сўзларим учун ранжийдурганлар бўлур. Аммо, начора, тўғриси айтмагунча ишлар тўғриланмас. Олдимизда шаҳар думаси сайлуви, “учредительное собрание” сайлуви, мамлакат думаси сайлуви турубдур. Агарда Самарқанднинг ёш ва қарилари шу ҳолатда турсалар, вой бизнинг ҳолимизга! Халқи олам бизга кулар. Биз янадин бошқаларнинг асири бўлурмизким, бунга тажрибасиз ёшларимиз, тараққийни тушунмайтургон катталаримиз сабаб бўлурлар ва ҳам бизнинг ишсизлигимиз учун бошқалардан кейин қолишимиз муқаррардур. “Қола ҳақ валу кон маран — Тўғриси айт, аччиқ бўлса-да!”².

Беҳбудийнинг ушбу мақоласи мухторият олдида турган хавфдан кўпчиликни огоҳ этди. Бироқ халқ

¹ «Улуғ Туркистон». 1917, 12 июнь.

² Ўша газета, ўша сон.

оч, қорни тўқлар эса ўзаро нифоқда эди. Беҳбудий бунинг учун кўп азият чеқди. У худо берган бу ҳурриятни сақлаб қолиш хусусида қайта-қайта ёзди. "Баёни ҳақиқат" мақоласи ҳам шу фикрларни қувватловчи оҳангда ёзилган. Беҳбудий бу мақоласида ўша пайтнинг энг машҳур гапини ёзади: "Билмоқ керакки: ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат, мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи динийя ва сиёсийясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳодгардир. Жиҳоджаҳд ва жиҳодани шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозирги бизни жаҳд ва жиҳодамиз илм ила фикр, газет ва басират ҳамда иттифоқлик ила бўлур. Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоқға асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимиз-да бунга монеъдурки, Туркистоннинг 1300 саналик ҳоли бунга шоҳиддур. Биз истаймизки, бутун Россия мусулмонлари мухторият (федератсия) усули юзасидан тирикчилик қилсунлар"¹.

Беҳбудий ушбу мақоласида биринчи маротаба «мухторият» сўзини ишлатганлигини кўрамиз. Бунинг айтилишига, албатта, тарихий вазият сабаб бўлган. Муваққат ҳукумат давлатни бошқарар, болшевиклар ҳали тишини қайраб юрган замонлар эди. Жаидлар, жумладан, Беҳбудий ҳам аввалига Россиядан ажралмаган ҳолда, яъни Россия составида федерация масаласини илгари суришган. Бунда чегара бир бўлса-да, мухтор жумҳуриятни унинг ўз фуқароси сайлаган парламент бошқариши ҳақида гап боради. Шунингдек, бу билан

¹ «Улуғ Туркистон». 1917, 12 июнь.

Қрим, Қозон ва, умуман, мусулмонлар орасига чегара солмаслик, бирлашиб тараққий этиш таклифи бор эди:

"Россия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси муҳид жўғрофий ва мамлакатларни ҳудуд тарбияси бўйича айрим бўлақларга бўлиниб, ўз тарафларидан ўз ҳуррият ва одатлариға мувофиқ идора қилиниб ва бутун Россия мусулмонлари учун Россия пойтахтига бир мусулмон марказий идора вужудга келиб, сиёсий ва иқтисодий ва мамлакат ишлариға руслар ила қўл-бақўл ушлашиб, дунё ва тараққий майдониға ҳаракат ва бирга жавлон этилсун. Мана шу Россиядан ажралмаган ҳолда мухториятли маишатни вужудға келтирмоқ учун биз — Россия мусулмонлариға, алаҳусус, биз Туркистон мусулмонлариға лозумки, аввало қадим ва жаҳид низо лафзисини қўйиб, ўзаро иттифоқ истасак. Биз истаимизки, Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яҳудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошлариға Россияни бир парчаси ҳисобланадурғон Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни мажлис мушоваратимиз "парламентаризм" бўлсун"¹.

Беҳбудий мусулмон марказининг "Россия пойтахтиға" бўлишига рози, лекин ҳар бир жумҳурият, "ўз ҳуррият ва одатлариға мувофиқ" бўлишини, сиёсий ва иқтисодий ишларда руслар билан баҳамжиҳат ҳаракат этилишини айтиб ўтади. "Россияни бир парчаси ҳисобланадурғон Туркистон ҳукумати таъсис этсак", "ўзимизнинг мажлис мушоваратимиз бўлсун", деганда тенгҳуқуқли мухтор жумҳуриятни тушунади. Умуман, Беҳбудий ҳуқуқлари тенг фуқароли жумҳуриятнинг думаси ва ундаги аъзолар

¹ «Улуғ Туркистон». 1917, 12 июнь.

сонидан бошлаб, маҳаллий ва номаҳаллий аъзолар саноғигача ўз фикр ва таклифлари баён қилинган бир қанча мақолалар ёзди. Улардан бири "Иттифоқ керак"¹ мақоласидир. Табиийки, у мухторият, ҳуррият нуқтаи назаридаги аҳолининг умумий сонидан келиб чиқиб парламентга ўрин ажратади ва ўринларни миллатлараро бўлишда мазкур миллатнинг сонидан келиб чиқиб жой беради. Табиийки, бунда «нотузем», яъни туркистонлик бўлмаганлар жуда оз жойга эга бўладилар. Албатта, нотуркистонликлар орасида руслар ҳам бор эди. Мантиқан олиб қараганда, Беҳбудий ҳақ. Иккинчидан, у жуда демократларча ҳисоб-китоб қилган. Ҳатто исломга кўп халақит берган маҳаллий яҳудийларга тенгҳуқуқли халқ сифатида думадан жой ажратади: "Самарқанд шахрининг рус ва мусулмон халқидан 60 нафар киши сайланиб балада(шаҳар - **Ҳ.С.**) идорасиға иш қилдилар ва ул нафарлар албатта халқнинг нуфус ва ададиға қараб бўлинур. Масалан, нуфусға тақсим қилганда мазкур ададларни 15 нафари руслардин, бир неча нафари яҳудийлар бўлур. Сабаби шулким, биз кўбдурмиз. Замони ҳозира ва адолат шуни талаб қиладур"².

Лекин биз ҳамон кўкларга кўтариб келган мурозовчиларнинг "Самарқанд" газетаси 1917 йилнинг 27 июндаги (Октябр тўнтаришигача тўрт ой бор) сонидан Беҳбудийнинг мақоласини таржима-изоҳ сифатида ёзиб, танқид қилиб чиқади. Бу социалистлар томонидан Беҳбудийга берилган илк зарбалардан бири эди.

Улар Беҳбудийнинг демократик ҳисоб-китобидан хато топиша олмайди. Бироқ Беҳбудийнинг

¹ «Хуррият». 1917, 3 июнь.

² Ўша газета, ўша сон.

хулоса ва ўйларини "шошқалокларча" чиқарилган, деб эътироз билдирадилар. Шунингдек, ўзларининг ҳар жиҳатдан «устунликлари»ни кўрсатиб, шундай хулоса чиқарадилар: "Мусулмонлар ўзларини бошқаришда ҳали руслардан кўп ўрганишлари керак. Думада ишбилармон, уддабурон, меҳнатсевар кишилар ўтирса, унда турли жамият ва сиёсий гуруҳ талабларини ёқлайдиган кишилар бўлса, шаҳарда ишлар яхши кетади. Бундай гуруҳлар русларда кўп бўлади, мусулмонларда эса бўлмайди... Фикримизча, агар мусулмонлар ва маҳаллий яҳудийлар сайловчиларнинг ярмини юбориб, иккинчи қисмини маҳаллий бўлмаганларга қўйиб беришса иш равнақи учун фойда ва ҳаққонийлик бузилмаган бўлади"¹. Демак, морозовчиларнинг фикрича, мусулмонлар шу ер учун бегона бўлганларга думадаги 50 фоиз жойни ажратиб беришлари керак эди. Шунча вақтгача русларнинг тазйиқидан ҳам маънан, ҳам иқтисодий жиҳатдан юксалишга эриша олмаган маҳаллий халқ зиёлилари бунга йўл қўйишмасди. Бундай зуғумлардан чарчаган Беҳбудий "Нажот" газетасида ёзган мақола-сида² шунинг учун "Уф, қутулдик, Алҳамдулиллоҳ", деб ёзади.

Бунда бўлажак болшевикларнинг Беҳбудий - "мусулмонларнинг таниқли жамоат арбоби"³ га муносабатини кўришимиз мумкин. "Самарқандъ" муҳаррири нақадар халқпарвар бўлишга тиришмасин, унинг шовинистларча хулосалар чиқарганлигини кўрамиз.

¹ «Самарқандъ» 27 июня // Самарқандъ. //30 июня, 1917, г.

² Маҳмудхўжа Беҳбудий. Бизга ислоҳ керак. //«Нажот», 1917, 7 ноябр.

³ «Самарқандъ», 30 июня 1917 г.

Беҳбудийнинг "Туркистон мухторияти" сарлавҳали мақоласи Қўқондаги воқеаларга бағишлангандир, ўзининг тили билан айтганда, "27 ноябрда Қўқонда Туркистон мухторияти умумий мусулмон сиездида эълон қилинди. Муборак ва хабарли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлиш учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!"¹.

Ушбу мақоланинг аҳамияти шундаки, уни ўқиган киши ўша даврнинг қайноқ нафасини туяди, воқеалардан хабардор бўлади. Шунингдек, унда Беҳбудийнинг ҳаяжони сезилиб турибди.

Қафасдан чиқарилган қушнинг аҳволи кўпчиликка аён. Мустақил ҳаёт кечириб деган тушунчадан йироқлашиб кетган халқнинг муайян қисми кўрқинч ичида қолади. Беҳбудий аввало ўшандай кишиларни тинчлантирмақ учун мурожаат тариқасида ёзади: "Хонадонларимизга бул бобдаги ўз билишимиздан бир оз маълумот бериб ва ҳам мухториятимизнинг мухтасар тарихидан ёзмоқчиман. Чунки мухториятдан кўрқувга (уруш бўлур деб) тушган баъзилар кўринур. Ой, азиз мусулмон биродарлар! Ой Оврупо, ой ватандошлар, эй ҳамватандошлар! Билингки, ушбу сана апрел ойинда Тошкентда Туркистоннинг рус ва мусулмон ижроияси комитети аъзолари йиғилиб, иттифоқ ила ушбу қарорни бериб эдилар"².

Бундай пайтда иккинчи бир табақа кишилар бор эдики, улар ташқи душманлардан эмас, эскиликдан чиқа олмайдиган бидъатчиларнинг эзувидан кўрқишарди. Бироқ ташқи душмандан қутулиб олмоқ керак эди. Шунинг учун Беҳбудий ана шунга кўпроқ эътиборини қаратди.

¹ «Хуррият». 1917, 19 декабр.

² Ўша газета, ўша сон.

“Ушбу кун баъзи мулла ва авомни мухториятдан кўрқганидек, аввал вақт баъзи мусулмон (нимча зиёли) ва ярим-ёрти русча ўқуганларимиз бор кучлари ила мухториятга муқобил турдиларки, далиллари шу эди: “Мухторият бўлса дунё ва сиёсатдан беҳабар муллаларга иш ўтуб, алар бизни тараққийдан манъ этарлар. Ман ул мажлисда муллаларни ҳимоя этиб, шу юқорида кўрсатилган фикрлик зиёлиларга муқобил эдим ва шиддатлик суратда мухторият тарафдори эдим”¹.

Беҳбудий масалага жуда нозиклик билан ёндашади. Чунки бу кўрқаётганларнинг ҳар иккиси ҳам бир жиҳатдан ҳақ эдилар. Шундай хавфлар бор эди. Эскилик сақланиб қолади, деб душманга барча ҳуқуқларни бериб қўйиш давлатни яна мутеликка олиб келишини у ўз тажрибасидан биларди.

Ушбу йиғинда аскар масаласи ҳақида ҳам фикр юритилади. Лекин, бу масала бутун Туркистон бирлашгачгина кун тартибига қўйилишини ёзади. Шундай пайтда Тошкентдаги болшевиклар қўзғолони, уларнинг нияти ҳақида ҳам шов-шувлар кўпаяди. Беҳбудийнинг таклифи билан “Уламо” жамияти шундай қарор чиқаради: “Туркистон ҳукумати болшевиклар қўлинда бўлмай, балки халойиқ қўлинда бўлсун. Баъзи мусулмон ва руслардан ва ҳам солдат, ишчилардан ўттиз нафар, яҳудий ва арманидан 2 нафар, жамиъ 32 киши Туркистондан сайлануб Туркистон ҳукуматини идора қилсун ва қонунлар чиқармоққа ҳақлик бўлсун.

Шу қарорлардан сўнг шаҳарлар иттифоқи ва “Уламо” сиездиға Самарқанд “Шўрои исломия” садри ва дума аъзоси жаноб мулла Маҳмуд Аб-

¹ «Хуррият». 1917, 19 декабр.

босхўжа ва бошқалар юборилдилар. Жаноб мулла Маҳмуд Аббосхўжа келиб айтган сўзлари шу бўлди: "32 нафарнинг устига яна шаҳарлар иттифоқидан 4 нафар аъзо ортгурдик... Туркистон ҳукумати ва ихтиёри шул 36 нафар кишининг қўлинда болшевиклардан ўтсун, ёинки болшевиклар шулар ила биргалашиб иш қилсун"¹.

Беҳбудий ушбу қарорнинг болшевиклар учун аҳамиятсиз эканлигини айтиб, уларнинг "Уламо"-га бўлган муносабатини ҳам тасвирлаб ўтади: "Сўнгра маълум бўлдиким, болшевиклар бу қарорга асло аҳамият бермайдурлар. Келдук 4нчи муслмон сиездига, Туркистон 4нчи фавқулодда сиезди Ҳўқандда 25 ноябрдан 29 ноябргача давом этди. Юқоридаги сиезларга бўлинган қарор ва айтилган сўзлар очик ва тафсил ила сўйланди, жойланди. Россиянинг ҳар бўлакига эълон қилингон мухториятлардан бўҳтонлар очилди ва охири "Туркистон мухторияти" эълон қилинди"².

Беҳбудий фикрларини яна газетанинг кейинги сонида давом эттиради. Мухторият эълон қилинди. Бундан буёнги вазифалар қандай бўлади? Беҳбудий ҳам айнан шу саволни ўртага ташлаб, жавоб излашга киришади: "Мухториятни фаол қандай ўрунга келтирмоқ керак? Муниги жавобини бошқа мақолага қолдириб, ҳозирда жони ҳалводан ширин кишиларга башорат берурмизки, мухторият иншооллоҳ сулҳ ила ҳал қилинур. Муҳораба ва муқотала эҳтимоли мухторият важъидин йўқ. Балки алан иш бошидаги кишилар ишни сулҳ ва маълумот ила бажармоқчидурлар. Рус

¹ «Хуррият». 1917, 19 декабр.

² Ўша газета, ўша сон.

ҳамватанларимизнинг аксари мухторият тараф-доридурлар"¹.

Бу мақолада Беҳбудий болшевиклар мақсади билан ерли халқ маслагини ажратиб кўрсатади. Шунингдек, ундан ўзининг мухториятда собит эканлигини билиб олишимиз мумкин:

"Болшевиклар келгунча, буларнинг асл матлаби мухториятли жумҳуриятдир. Аммо булар дейдиларки, ерлик жумҳурият бўлмасун, яъни ер ва амлок тақдим бўлсун. Мана буларнинг нутқи ихтилофи"².

Шу ерда публицист мухториятга икки қараш борлигини кўрсатади. Болшевиклар ҳокимиятга келгунча Беҳбудий бошқача фикрда эди. Бу ҳақда "Баёни ҳақиқат" мақоласида "Биз истаймизки, Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яҳудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошларига Руссияни бир парчаси ҳисобланадурғон Туркистон ҳукумати таъсис этсак..." деб айтганди.

Ҳокимиятни болшевиклар эгаллагач эса, бу фикридан қайтганлигини кўрамиз. Чунки у болшевикларни — илгариги социалистлар партиясининг мақсадини билар, бир мақоласида уларни танқид остига ҳам олганди.

"Мусулмон мухториятчилари дейдиларки, биз ерли мухторият тилаймиз ва ҳам шуни эълон қилдук. Бизнинг ер ва амлокимизнинг тақсимини хоҳлайдурғонларга бутун жон ва имонимиз ила муқобала қилурмиз..."³.

Илгари мухториятли жумҳурият дейилганда Россия таркибида қолиб миллий жумҳурият тузиш

¹ «Хуррият». 1917, 22 декабр.

² Ўша газета, ўша сон.

³ Ўша газета, ўша сон.

тушунилган бўлса, ерли мухторият дейилганда улар Россиядан бутунлай узилган мустақил давлатни тушунара эдилар. Бунга ким қарши чиқса, улар билан курашамиз дейилаётир.

Демак, иттифоқ билан бутун Туркистон оёққа турса, Ватаннинг асраб қолиниши таъкидланади: "... билмоқ керакки, бутун Туркистон иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур... Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллийунлик бир қувват имлоға келурки, мунга ер титрайдур. Агар сўзумни фаҳмлатолган бўлсам ўзумни бахтли ҳисоблардим"¹.

Мухторият эълон қилинган янги давлат тузилмаси, жумладан, қонун чиқарувчи органи борасида муаммо пайдо бўлади. Чунки бу қонунлар маҳаллий халқнинг урф-одатларига мос келиши керак эди. Жумладан, қозихона масаласи бўйича шундай баҳслар бошланади. Буни Мустафо Чўқай шундай хотирлайди: "Оқмасжид ва Ғазоли районларидан юзга яқин намояндалар тўплаб Тошкентга келтирилган эди. Бу намояндалар қозихона маҳкамаларини дарҳол тузишни ёқлаб ташаббусда бўлмоқда эдилар. Ўрол, Тўрғай, Самай вилоятлари қозоқ турклари эса халқ одатига таянган ҳолда халқ маҳкамалари сайловини ёқлаб чиқдилар. Шу тариқа Туркистон далалари бу масала устида икки тарафга бўлинди. Ўша замон ишчи ва солдатлар шўролари тарафидан тайёрланган таҳлика кундан-кун ортиб бораётган бир даврда, халқни шундай масалалар устида жуда кўп жабҳаларга бўлиб, ўзаро тортишмалар туғдириш, озми-кўпми миллий сиёсат юрита биладиган бир уюшма яратиш, фаолият бош-

¹ Ўша газета, ўша сон.

ламасдан ўлдириш, ўзимиз учун инқилобнинг келтирган шароитдан бир оз ҳам фойдаланиш имкониятини битириш демак эди..."¹.

Болшевиклар таҳликаси кучайиб бораётган айни шу пайтда Беҳбудий "Қозоқ биродарларимга очиқ хат" мақоласини ёзади. Мақола мурожаатнома тариқасида битилган бўлиб, Ўрта Осиёнинг бўлиниб кетиши мумкинлигидан ташвишланиб ёзилгандир: "Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон қозоғи, қирғизи, ўзбеги, туркмени, татарлари - ҳаммаси мўғул-турк болалари ҳамда жаҳонгир Чингизхон ва Темурнинг авлоди ёки оға-инидурлар. Туркистондаги араб, хўжа ва сайидларда ўз тилларини йўқотиб, балки турклашиб ва ҳатто арабликларини эсдан чиқориб, сиз турк ва мўғуллар ила ҳар жиҳатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шаҳарларида ва баъзи тоғларида бир оз форс, яъни тожиклар борки, алар ҳам камоли мусулмон ва сиз ила ҳаммазҳабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарқи йўқ даражададур.

Бовурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчинун, мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, файрат ила олур. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса бермаслар. Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар,

¹ Мустафо Чўқай. Истиқлол жаллодлари. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992, 54 — 55-бетлар.

бул албатта шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур".¹

Беҳбудий мазкур тарихий вазиятдан тўғри фойдаланиш кераклигини айтиб, бунда қандай урф ёки одат бўйича яшаш масаласини кейинга суриб, ҳозирча мухториятни сақлаб қолиш шартлигини, вақт ўтгач пушаймонликдан фойда бўлмаслигини тушунтиради.

"Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва ҳиммат этмоғимиз албатта керақдур. Агарда бизга ўз бошимизга, шариат, урф ва одатларимизга мувофиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса, ҳаммамиз вақтли низо ва манманликни қўйиб, ҳамма нарсани эсимиздан чиқариб, ёлғуз мухторият учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керақдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўкинмоқ фойда эмас"¹.

Беҳбудий чўл аҳолисининг тараққийси учун шароит - йўл очиб берилишини, бунинг учун ушбу халқнинг зиёлилари бу қонунларни тузишларини, сўнгра давлатни ҳам ҳар бир халқдан вакиллар бошқаришларини англатади:

"Шунда билингики, қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига эл билиб, бошқа-бошқа мухторият қилмоқчи бўлганда, иккиси ҳам муддаога етмайдур. Сиз — қозоқ қариндошларимиз ори чўлда-сиз, аммо сиздан бир кўб халқлар ҳам шаҳарларда

¹ «Хуррият», 1917, 22 декабр.

² Ўша газета. ўша сон

ва шаҳарлар теварагиндадур. Тирикчилик шундай нимарсаки, чўл ила шаҳар ва қишлоқ халқини бири-бирига боғлагандир.

Бир-биридан ажралиб яшай олмайдур. Шаҳар халқи ила бирлашуб, мухториятни бошқарфонда сизларга зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошқармоқ учун ёлғуз сиз-да кифоят этмаганингиз каби, ёлғуз шаҳар ва шаҳар атрофидаги халқ ҳам кифоят этмас, балки иккинги-да кераксиз. Шунда билингки, сизлар турғун халқ ила бирлашиб мухторият қилган ила сиз ила турғун халқ учун биргина навъ қонун бўлмай, балки сизнинг тирикчилик ва одатларингизга мувофиқ алоҳида сиз учун нафълик қонунлар ёзилур. Шариат ҳам кўчма ва чўл мусулмонларининг урф ва одатларига кенглик берғондир. Сиз ўйламангки, турғун халқ ва ё шариат бизни қисадур. Йўқ, билъакс, кераклик одатларингизни сизга қолдируб, сиз учун зиёли вакиллариингиз қонунлар тузайдурлар. Тоғ ва шаҳар халқи учун-да, бошқа-бошқа қонунлар тузалур.

Ҳатто Туркистондаги баъзи уезд ва шаҳарлар учун алоҳида қонунлар тузалур. На учунки, ҳамманинг тирикчилиги бир эмасдур. Яҳудий ва христианлар учун-да бошқа қонунлар тузалур. Ҳар бир халқнинг одат ва мазҳабларига риоя қилинур. Хулоса: мухториятни миллат мажлиси ҳар бир халқга нафтини кўзда тутуб қонун чиқарур. Агарда сиз, қозоқ биродарлар, турғун халқидан ажралиб, ўзга мухториятдан насиб бўлмас, азбаски, куч тарқалур"¹.

Беҳбудий келтирган мисол Оврупо халқларининг амалий ишларига тааллуқлидир: "Чироқларим!

¹ «Хуррият». 1918, 26 январ.

Бошқа халқлар, масалан: серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар. Бошқа катта ва қувватлик давлатларга тобеъ бўлиб, йутулуб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар. Биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак — уятдур, аҳмоқликдур. Турк томуриға болта урмоқликдур.

Онгла қозоқлар ўйласунлар, тарихга қарасунлар зиёли қозоқлар. Оврупонинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмоқ сиёсатиға ва иккиюзлилигиға қарасунлар. Бирлашган Туркистон халқининг бўлунмоғига ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқалар-да албатта зарар кўрармиз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимиза йиғлармиз, аммо фойда эмас"¹.

Айтиш мумкинки, Маҳмудхўжа Беҳбудий болшевик ҳукумати бўлса, ҳар қандай шароитда ўзга халқнинг мустақил бўлиб ажралиб чиқишига йўл қўймаслигини тушунган ва шунинг учун Россиядаги алғов-далғовлардан фойдаланиб, ажралиб олиш гоёсини илгари сурган.

Мақолаларида мухторият тинч йўл билан амалга ошади, деб халқни ишонтирган Беҳбудий Қўқон мухториятининг қонли якунидан қаттиқ изтиробга тушади. Марҳум Солиҳ Қосимовнинг Беҳбудийни шахсан билган Жавдат Раҳмон билан суҳбатидан² унинг Қўқон мухторияти фожиасидан изтиробда қолганлигини сезиш мумкин. Жавдат Раҳмоннинг айтишича, Беҳбудий "Қўқонда зўрлик бўлибди, халққа қўйиб

¹ «Хуррият». 1918, 26 январ.

² 1970 йил 14 октябрда бўлиб ўтган бу суҳбатнинг асл нусхаси Солиҳ Қосимовнинг қизи Наргиза Қосимовада сақланмоқда.

бериш керак эди”, деб ўксинган. Ундан маслаҳат сўрашганда эса, “Нима бўлишини билмай қолдим” деган.

“Ўзбекистон” газетасида тинимсиз ёзган Беҳбудий Туркистон мухторияти тор-мор этилгандан сўнг анча фурсат матбуот саҳифаларида кўринмайди. Тукилган қонлар, янги либос кияётган мустамлакачилик уни яна тушкун аҳволга солиб қўяди. Бу орада “Ўзбекистон” газетаси ҳам ёпилиб, унинг базасида “Меҳнаткашлар ўқи” (бир оз фурсат ўтгач “ўқи” сўзининг ўрнига “товуши”ни қўйишган) газетаси чоп этила бошлайди. Бу газетада Беҳбудийнинг “Анжумани маориф” жамиятидаги фаолияти билан боғлиқ хабарлар чоп этилган. Сиёсат кундан-кун болшевиклар томонга ўзгараверган. Улар давлат тузимини ўзгартиришда, жумладан, фармонлар беришда ҳам жуда пала-партиш иш кўришган.

Беҳбудийнинг реалистлиги бунда яна иш берганлигини, яъни у шароитдан чиқиб кетиш, ҳеч бўлмаганда, халққа енгиллик яратиш йўлидан юрганлигини кўрамайди. Бироқ бу борадаги ишлари яхши натижа бермаган чоғи, газетада юрт учун зарур бўлган омилар борасида, қилган ишлари хусусида якуний ахборот - ҳисобот мақоласи билан чиқади. “Галла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия” сарлавҳали каттагина бу мақолада Беҳбудийнинг реалист бўлганлигига яна бир исбот бор.

Қўқон мухторияти тугатилгач, болшевиклар галласи бор одамни бой санаб, барчасидан тортиб ола бошлайдилар. Халқ орасида норозилик кучаяди. Ким бундай буйруқни бераяпти, деган саволга жавоб олиш ва бир қадар муҳитни яхшилаш учун Самарқанд мусулмон шўросига мурожаат қилади. Шўро ҳам “галланинг забти ва қўлга олинишига

муқобил экан. Шунинг учун аввало маним фикримни эшитиб, фойдали билиб” унга мандат беришади. У 1918 йил 16 июлда Тошкентга бориб “Туркистон ҳукуматининг раиси Тобулин афанди ҳузурига” киради.

“Ва ушбу масалалар тўғрисида сўйлашдук:

1. Галла. 2. Аскар олиш. 3. Тазминоти ҳарбия. 4. Ер ва сув масъаласи. Ҳозирги ҳукумат ва ҳам Туркистон мусулмонларининг нафъи нуқтаи назаридан юқоридаги масалалар хусусида эътидол ва осон йўлларни кўрсатиб, таклиф этдим ва ўзумни йигирма йиллик муҳаррирлик ва журналистлик ва 25 йил халқ ишига аралашиб ва бир неча дафъа саёҳат этиб дунё ва мусулмон, хусусан, Туркистон мусулмонларининг тириклигига ҳосил этган тажрибам юзасиндин хулоса ва саломат ватан ва Туркистоннинг тинчлиги номига бир хейла таклифотда бўлдум. Туркистон ҳозирги дохийий ва хорижий душманлар аҳволини ва халойиқнинг аҳволи руҳийя ва эътиқодия ва маишиясига бир оз бўлса ҳам аҳамият бермак ва риюя қилмоқ кераклигини билдирдим. Тобулин афанди бу сўзларга аҳамият бергандек кўрунди”¹.

Табиийки, Тоболин ўзини аҳамият бергандек кўрсатган, холос. Йўқса, Беҳбудий “кўрунди”, деб ёзмаган бўларди. Мақолада у Тоболинга айтган тўрт масала бўйича таклифларини кенг асослаб ёзади. Бироқ бу таклифларда “бойни ўлдир, ҳайда, ўрнига колхоз ташкил қил” деган чақириқ йўқ эди. Биль-акс, масалан, галлани ҳар бир фуқаронинг ўз майдони ҳажмига қараб олиш ва энг асосийси — қон тўкмасдан, зўрлик кўрсатмасдан, тинч йўл билан муаммони ечиш таклифи бор эди. Аскар масаласи,

¹ «Меҳнаткашлар товуши». 1918, 21 август.

ҳарбийнинг таъминоти ва ер тақсимоти ҳақидаги таклифлари ҳам, шунингдек, маориф борасидаги, тил масаласидаги болшевиклар тутаётган йўлнинг нотўғрилиги хусусидаги фикрлари болшевикларнинг сиёсатига тўғри келмасди. Бу монополия масаласи эди.

Айни шу жараён ҳақида Садриддин Айний икки йил кейин шундай ёзади: “1918нчи йил монопулия масаласи чиқғонда бул зот Тошкандга бориб, ҳукумат арбоби билан кўрушди. Бу ишнинг Туркистонда кўп нотинчликларга сабаб бўлмоқ эҳтимолини англади. Монопулия ўрнига Ҳиндистондин ҳукумат ҳисобиға қитти баҳо билан ғалла олмоқ лойиҳасини тақдим қилиб, қабул қилдурди. Агар муфти Маҳмудхўжанинг шахсий ташаббуси бўлмаса эди, 1919 йилда монопулия тўғрисидаки Туркистонда турадиган фасодлар 1918нчи йилда ортиги билан воқеъ бўлур эди. Маҳмудхўжа бу фасодни олдиндан кўрди, чора ҳам қилди”¹. Бироқ Беҳбудий масалага шариат нуқтаи назаридан қарарди. Қолаверса, Беҳбудийнинг обрўси халқ орасида баланд эди. Уни саҳнадан осонликча олиб бўлмасди. Шунинг учун уни Эрон ва Афғонистон давлатларига консул қилиб юбориш масаласи қўйилади. Кейинроқ Туркистон маорифи комиссарлигини қабул қилиши учун телеграф орқали таклиф этишади. Беҳбудийга таклиф этилаётган бу икки мансаб ҳам асосий сиёсий ишлардан анча йироқ эди. Болшевиклар Беҳбудийдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, иккинчи томондан уни носий ишларга кўмиб ташламоқчи бўлдилар. Бироқ бу таклифларнинг иккисига ҳам Беҳбудий рад жавобини берди. Бу раддияни 1918 йил 27 август куни “Меҳнаткашлар товуши” газетасида

¹ «Меҳнаткашлар товуши». 1920, 8 апрел.

уқишимиз мумкин. “Ташаккур ва эътизор” сарлавҳали бу фикраси ҳам қисқалигига қарамасдан, давр нафасини, ўзининг кайфиятини муайян маънода очиб беради. У ҳақда яна бошқа фикрларни айтишдан аввал раддияни кўздан кечирсак айни муддао бўлади.

“Каминани Самарқанд маориф комиссарлигига Самарқанд мусулмон шўроси сайлаб эди, баёни узр этдик. Қабул қилинмади, — деб ёзади Беҳбудий. — Бир неча вақт қўлимдан келганча ишладим. Мактаблар тўғрисида баъзи лойиҳалар ёзиб топшурдим. Охири безгак ва оёқ оғруғи ва ҳам йилнинг қимматчилиги ваъжидан, рўзгор ва деҳқончилик ишларим кўблиги ва бошқа бир неча сабаблардин комиссарликдан истеъфо бердим. Яна қабул қилинмади.

Шунинг устинда Тошканддин телеграф билан мухтарам Мусулмон маориф комиссарлигини қабул этишимга таклиф этибдурларки, манга этган эътимод ва чин заннларига қат-қат ташаккур ва қурултойга арзи эҳтиром этгандин сўнгра касал ва нохушлигимни узр мақомида ожизона баён этиб, маъзуратимизнинг қабул этилмагини ражо этаман”.

Нега Беҳбудий ўз истеъфосини газетада эълон қилди? Истеъфо ўша комиссарлик ёки жамиятга берилса кифоя эди-ку! Бу Беҳбудийнинг намоёиш-корона норозилиги эди!

1919 йили қайтадан талон-тарож бошланди. Бу ҳақда Садриддин Айний айтмоқчи “Самарқандга кўб талон-тарожлар бошланди, ноҳақ ҳибслар кўпайди. Катта тазминотларга халқ дош беролмасдан ер ва юртларини ташлаб қочдилар. Маориф иши ниҳоят даражада тазйиқга тушди. Халқнинг ҳиссиёт динияси таҳқир қилинди. Бу ишларга би-

роҳ чора тополурманми, деб Маҳмудхўжа 1919 йил феврал ойида Тошкандга борди. Лекин бу сафарида ҳеч бир натижа қўлга киргузолмади. Шундан сўнгра ҳеч бир кишига англамасдан маслақдош ва фикрдошлари мулла Мардонқул Шоҳмуҳаммад ўғли, Муҳаммадқули Ўрунбой ўғли билан 25нчи март ойида асрорангиз суратда Самарқанддан ғойиб бўлди”¹.

Беҳбудий публицистикасининг яқуни Туркистоннинг қайта босиб олиниши жараёни билан боғлиқдир. Унинг қаерга ва нима учун бораётгани, уни ким қатл этгани хусусида турли тахминлар мавжуд².

Юқоридагиларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкин. Аввало, Россиядаги 1917 йил Феврал инқилобидан сўнг бошқарув органларида, хусусан мустамлакаларни бошқаришда парокандалик сезила бошлади. Бу ҳам маълум маънода демократияга, яъни турли хил қараш ва фикрларни айтишга имкон берди. Буни тўғри англаган жаҳидлар, хусусан Беҳбудий тараққий этиш учун илм-фан лозимлигини таъкидлаган ҳолда, мухторият (аввал Россия таркибида) масаласини кўтариб чиқди. Бу мухтор давлатни парламент бошқаришини, парламент аъзоларини эса халқ сайлашини ва ундаги ўринларнинг асосийси маҳаллий халқ вакилларига берилишини таъкидлади. Беҳбудийнинг бу ҳаракатига демократ, халқпарвар деб “донг таратган” коммунист морозчилар ва уларнинг “Самарқандъ” газетаси қар-

¹ «Меҳнаткашлар товуши». 1920, 8 апрел.

² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1995, 6 январ; Ҳ. Саидов. Мажбурий «Ҳаж» тафсилотлари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1995, 14 апрел.

ши чиқиб, парламентдаги асосий ўрин русларга берилишини, маҳаллий халқ уларсиз ҳеч нарса қила олмаслигини даъво қилиб чиқди.

Бундай эркинлик Туркистон мухторияти яқсон қилингуна қадар давом этди. Кейин болшевиклар партияси безбетларча бошқарувни ўз қўлига олди. Бошқарувдан жадиждарни, хусусан Беҳбудийни четлатишга ҳаракат қила бошлади. Беҳбудий шундай пайтда ҳам халқ гамида яна қатор мақолалар ёзди.

Беҳбудийнинг сиёсий публицистикаси юрт озодлиги учун курашга бағишлангандир. Публицист имкони даражасида ҳаракатда бўлди, ёзди, халқни ватанпарварликка, бирликка, маърифатга чорлади. Унинг ўғитлари бугунги кунда ҳам жуда муҳимдир. Айниқса, унинг Туркистон бирлиги борасидаги фикрлари, амалий фаолияти унутилмасдир.

Беҳбудийнинг маҳорати ҳақида гапирилганда, ёзган мақолаларидаги опшоқ ниятини турли қарашдаги мухолифларга ҳам сингдира олганини алоҳида таъкидлаш жоиз деб ҳисоблаймиз. Унинг мухолифлари рус мустамлакачилари ва жаҳолатда қолган маҳаллий руҳонийлар эди. Бу икки рақиб билан келишиб, фикрини тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳам ўзига хос маҳорат самарасидир. Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, маҳорат диний ва дунёвий билим натижаси эканлигига иқрор бўламиз. Давлат арбоби Файзулла Хўжаев: “Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадиждаридан унга тенг кела оладиган киши бўлмаса керак”, деб бежиз айтмаган эди.

ХУСУСИЙ НАШР ЗАРУРАТИ

3 - ф а с л. “САМАРҚАНД” — ЖАДИДЛАР ҒОЯСИНИНГ ТАРҒИБОТЧИСИ

“Самарқанд” газетасининг аҳамияти ҳақида Абдулла Авлоний “... элу халқнинг кўзини очишга боис бўлди”¹ деб ёзганди. Бу қисқа бўлса-да, арзигулик баҳо эди. Унинг саҳифаларида муҳрланиб қолган мақолалар ҳануз долзарблигини йўқотмаган. Хабарлар, фактлар давр ҳақидаги сиёсий, маънавий аҳволдан, воқеалардан хабар бериб турибди.

Одатда газета хусусида сўз борса, аввало, унинг мақсади ва вазифалари ҳақида гапирилади. Биз ҳам ушбу анъанага риоя қиламиз. Бироқ бу нашр илк бор тилга олинган манбаларни кўрсатиб ўтиш жоиз. Абдулла Авлонийнинг 1924 йили ёзган “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласи илк манбалардандир².

Шунингдек, Зиё Саид ҳам ўз китобида “Самарқанд” ҳақида фикр билдириб ўтади³.

Фикримизча, Абдулла Авлонийнинг маълумотлари ва газетага берган баҳоси аҳамиятлидир: “Бу газета 1913 йилда Самарқандда марҳум Беҳбудий

¹ Меҳнаткашлар товуши. 1920. 8 апр.

² Бу ҳақда қаранг: Саудов Ҳ. Беҳбудийни қатл этган ким? / «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995. 6 январ. Саудов Ҳ. мажбурий «Ҳаж» тафсилотлари / «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995. 14 апрел.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 942-иш.

томонидан форсий-ўзбек тилларида чиқарилиб, элу халқнинг кўзини очишга боис бўлди”.

Авлоний ушбу тадқиқотида аср бошидаги барча нашрларга қисқача тўхталиб ўтгач, бу нашрларни яқиндан биладиган кишилардан қўшимча маълумотлар сўраган. Бироқ биз кейинчалик тўлдириб ёзилган матбуот тарихини эмас, балки қисқартирилган, устига устак ноҳолис, юзаки ёзилган “тарих”ни ўқиб келдик.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз даври матбуотида фаол қатнашиб, жуда кўплаб мақолалар ёзган адиб эди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики (бу ҳақда юқорида батафсил тўхталганмиз — **Ҳ.С.**), у 1903 йилдан бошлаб Туркистондаги яккаю ягона ўзбекча нашр — “Туркистон вилоятининг газети”да хабар ва мақолалари билан чиқа бошлаган. Ўзининг газетасига эга бўлиш нияти унда 1908 йилдан қатъий тус олган. Негаки, ўша йили у “ТВГ”да “Таърих ва жуғрофия” (90-сон) сарлавҳали сиёсий-маърифий мақоласи билан чиқади ва унга ҳар томондан маълумат тошлари ёғилади. Аввало, мақолага ёзилган сўзбошида “ТВГ” муҳаррири — Остроумов Беҳбудий фикрларининг “зарарли” жиҳатларини “очиб” беради. Мақола катта шов-шувга сабаб бўлади, 3-4 кун ўтгач эса, “Охранка” бу мақолани таржима қилдиради¹. Натижа шу бўладики, орадан бир ҳафта ўтгач, Беҳбудийнинг мақоласига қарши Остроумов яна бир сўзбоши битади. Бу сўзбоши Беҳбудийнинг изоҳ талаб қилмайдиган мақоласига “тавзеҳ” (изоҳ) учун эди. Бу икки мақолани ўқиб солиштирган киши публицист уларнинг қай бири дилдан қайгуриб ёзилганлиги ва қай бири мажбуран ёзди-

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш.

рилганлигини пайқашни қийин эмас эди. Беҳбудий азобда қолади. Тўрт томонлама сиқув... Бундай сиқувларни уюштираётган Остроумов ва унинг “ТВГ” си эканлигини англаб етиш унчалик мушкул эмасди.

Фикримизнинг исботи тариқасида “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1920 йил 8 апрел сонидоги Беҳбудий ўлими муносабати билан тузилган комиссия хулосасида қуйидаги жумлаларни ўқишимиз мумкин:

“1908нчи йилдан ўз идорасинда бирон газета чиқармоқ фикрига тушуб, 1913нчи йил апрел ойинда бу мақсадига етишуб “Самарқанд” газетасининг бир неча рақамини чиқаришга муваффақ бўлгон”.

Беҳбудий газета очиш учун беш йил саргардон бўлди. Бу саргардонликларнинг маҳсули бўлмиш - тўлдирилган ҳужжатлар фикримизга далил бўла олади. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланмоқда¹.

Дейлик, “Самарқанд”нинг босилиш жараёнида унга иккита рухсатноманинг ёзилганлиги замирида ҳам қандайдир саргардонлик, югур-югурлар ётганлиги кўриниб турибди. Рухсатноманинг биринчиси 1913 йил 10 апрелда берилади ва газета чиқа бошлайди. Лекин, негадир Беҳбудий шу йил 23 май куни Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторидан “Янги Самарқанд” («Самарқанди нав - Новый Самарқанд») номли газета чиқаришга рухсат беришини сўраб яна ариза ёзади². Бу ҳақда “Русская периодическая печать в Туркестане. 1870—1917 гг.” китобида қуйидаги фикрларни ўқишимиз мумкин:

¹ Ўша манба.

² Ўша манба.

“Маҳмудхўжа Беҳбудий нашр этган бу газета аввал “Самарқанд”, бир неча сони чиққач эса - 26,27-сонлардан — “Янги Самарқанд” номи билан чиқди. Бу вақтинчалик ўзгариш газетадан ахборот олишда ҳар хилликка олиб келди. 28-сондан эса яна ўз номини олди”.

Бу ҳақда Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам “Самарқанд”нинг 45-сониди ёзади, бироқ мазкур газеталарни у алоҳида-алоҳида кўрсатади. Бу мақола “Миллатга мурожаат” деб номланиб, унда газетанинг тўхталиш сабаблари ҳақида ёзилган: «Самарқанд»нинг ношир ва муҳаррири ўзининг беш ойлик хизматини миллатина жизона ҳада этиб, ҳисоб ва дафтар, оқчани ширкат ихтиёрина топширар ва ширкат истаса, бошқа исм ила-да жариди ё мажалла чиқара билур. Хулоса, янгидан барпо бўлатургон ширкатни амрига миллатнинг 1000 сўм пули ила “Самарқанд”нинг ношири ва муҳаррири ҳам “Самарқанд”, “Янги Самарқанд”, “Ойина” муҳайёдур. Жариди чиқарилганда ҳафтада уч бўлмагон суратда ривожу бўлмас...”

Ўзбекистон Республикасининг Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси “Нодир нашрлар” бўлимидаги “Самарқанд”нинг тахламида “Янги Самарқанд” номи билан чиққан газетанинг икки сонинигина учратишимиз мумкин. Хўш, нега газета қайта рўйхатдан ўтди? Ўрганишимиз жараёнида бир жиҳатинигина аниқлай олдик. Аввалги аризада, яъни икки тилда (ўзбекча, тожикча) газета чиқариш айтилган бўлса, иккинчисида уларга русчаси ҳам қўшилган. Демак, рус тилини ҳам қўшиш “тавсия” этилган. Бу Беҳбудийнинг газета чиқариш жараёнида саргардон бўлганлиги, машаққат чекканлигига ишончли далилдир.

“Самарқанд” газетасининг тўхтатилиши билан боғлиқ яна бир фикр. Абдулла Авлонида “муштарийсизлик, моддий танглик орқасида тўхтатилди”, дейилса, Садриддин Айний қаламига мансуб, биз юқорида тилга олган комиссия хулосасида эса: “... 45инчи рақам чиқонидан кейин онинг ўрнига “Ойина” мажалласини чиқариш маслаҳат кўрулуб, тўхтатилгон”.

Бизнингча, иккинчи фикрни тасдиқлайдиган асослар кўпроқ. “Самарқанд” газетасига обуна бўлганларга “Ойина” журналининг етказиб берилганлиги ҳақида маълумот сақланган. Улардан бири “ТВГ”да босилган Тавалло(Тулаган Хужамиёр)нинг ёзганларидир: “... ҳар мусулмон қариндошларимизни маълумотларига бултургина худонинг қудрати ила бизнинг шўринг қурғурлар учун Самарқанддин бир газет “Самарқанд” исминда вужудга келган эди. Биз гафлатзадалар анга аҳамият бермадик, ўқимадик ва қадрига етмадик. Бизларнинг касофатимизга учраб, 44-нчи нумирида бир минг сўм сарф қилиб тўхтаган эди. Бир неча адабиёт муҳиблари бу ишга хафа бўлгон бўлуб, телеграм хатлар юборуб, газетани тўхтатманг, юргузинг, бизлар ёрдам этамиз, оқча, бир минг муштарий кўпайтирамиз, деб илтимос қилдилар. Хайр, бу иш шунда оқча бўлиб турмади. Жаноб Маҳмудхўжа муҳаррир ғайрат қилдилар. “Самарқанд” номидин газет ўрнига “Ойина” номлик ҳафтали журнал чиқардилар. “Самарқанд” муштарийларина “Ойина” юборилди”¹.

Бу кўчирмада бизга зарур бўлган далил мавжуд, яъни Тавалло газетанинг ўрнига журнал олган. Шунингдек, “Хайр, бу иш шунда оқча бўлиб турмади”, дея унинг тўхтатилганлигига яна бошқа са-

¹ Тавалло. Эътироз. // «ТВГ» — 1914, 18 март

баблар ҳам борлигини таъкидлайди. Бунда иқтисодий қийин аҳвол, аниқроғи, босмахона харажатларининг ошганлиги, ижара ҳақининг кўплиги билан бирга, Беҳбудийнинг хасталигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак: “Шуни-да ёзайинки, рақами ҳуруф хастаман, миллат истаса, бош муҳаррир бўлгувчи киши мандин бошқа топиладур ва ушбу мулоҳазага аҳамиятсиз қарамасликлари миллат номидан ражо қилинадур”¹.

“Самарқанд” газетаси ўзигача чиқиб турган газеталардан фарқ қилишини ҳам пайқаш мумкин. Бунда Беҳбудийнинг матбуотчиликда тўплаган тажрибалари жуда қўл келган. Бу пайтгача у “Таржумон”ни тинимсиз ўқиб борган, “ТВГ”, “Вақт” газеталарида эса мақолалар чиқариб, газетачиликнинг муайян кўникмаларига эга бўлган эди.

“Самарқанд”нинг ўзгачалигига эса биринчи далил шуки, бу кунгача ҳеч бир нашр биратўла уч тилда чиққан эмас. Бунда А.Авлоний айтмиш, “форсий, ўзбек тилларида”гина эмас, балки газетада ёзилишича, “ўзбек, форсий ва рус (на узбекскомъ, персидскомъ и русскомъ...)” тилларида чиққан². Ўз даврининг тараққийпарвари ва донишманди бўлган Беҳбудий газетани фақатгина ўзбек тилида чиқариб, тожик тилида сўзлашадиган халқларни ҳам эътибордан четда қолдира олмас эди. Беҳбудий “Самарқанд”нинг 36-сонигаги мақоласида газетани нега уч тилда чоп этаётганлигини ҳам қисман изоҳлайди: “Самарқанд” жаридаси ўзбеки, форсий ва русий тилларида ва Туркистоннинг ўрта шеvasинда таъсис этилиб туриб эди. Мундан мақсад шул

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Миллатга мурожаат. // «Самарқанд» 1913, 16 сентябр.

² «Самарқанд». 1913, 30 апрел.

эдики, Баҳри Ҳазардан бошлаб жанубдаги Афғонистон фасили, Аму наҳри ўртасиндаки васеъ аросига сокин турк ва тожик биродарларимизга бу қадар тоқат хидмат этмак ва аларни ҳолига ва ижобат асрия, вақойиъ замонияда ва Россия култури, илми, ҳунари ва саноатга ошино бўлишларига оживона ташвиқ этмоқдан иборат эди. Мактаб бўлсун, мадраса бўлсун, ислоҳ ва тараққийсига ёрдам учун халқни даъват қилмоқ эди. Фосид урф ва ботил расмларни, ёмон одатларни шаръан ислоҳига кўшиш этмоқ эди”¹.

Албатта, бу чиқишида Беҳбудий барча ниятларини баён қила олмасди. Рус тилида чиқадиган қисми унчалик узоқ муддат давом этмаган бўлса-да, унинг рус тилида берилишидан муҳаррирининг ўз ниятлари бўлган. Бу ҳақда у ёзади: “Самарқанд” - русий қисми воситаси-ла кераклигимизни давлат мубтавеъмиз Россияга билдурмоқ эди. Ёшлар ёинки ёшлик фикрини ва ҳолини рус ватандошларга билдуруб ватандошлик бобинда орани яқинлаштирмоқ эди. Дини мубайинимизни аҳкомий ва асосий маданияти ҳозирага мунофий ва ё ватан Россияга музир (зарар етказувчи) ва ё рус ватандошлар ила эътилоф этмоқга зид эмаслигини тадрижо иштиҳор этдурмоқ эди...”²

Кўп нуқта Беҳбудийнинг “Китобат ул-атфол” асарида шундай изоҳга эга: “Нотамом сўзлар, киноя, мубҳам ва маҳзуфлар аломати”. Киноялар Беҳбудий асарларида кўп учрайди. Бироқ кўчирмадан яна шулар кўриниб турибдики, муҳаррир маҳаллий ҳаётни Россия ҳукуматига кўрсатмоқчи, уларни ўз

¹ На учун илтифот этмайдурлар // «Самарқанд» — 1913, 16 август.

² Ўша манба.

ҳолидан хабардор қилишни хоҳлайди. Дейлик, газетанинг 7-сонида рус тилида Самарқанд остонасида ҳалок бўлган рус аскарларига (Самарқандни босиб олиш вақтида — **Ҳ.С.**) қўйилган ёдгорликнинг таъмирга муҳтожлиги ҳақида хабар берилади. Ёки газетанинг бир неча сонларида рус тилида “Уйғонаётган Афғонистон” (“Пробуждающийся Афганистан”) мақоласи бериб борилган. Бу мақоланинг тагсарлавҳаси “Император аъло ҳазратлари аскарларига гамхўрлик” дейилиб, Россиянинг босиб олиши керак бўлган навбатдаги давлат — Афғонистондаги ҳарбий машқлар кўрсатиб берилган. Муҳаррир бу мақолалар орқали ўзининг Россия билан душман эмаслигини “исботлаган”. Шундан бўлса керак, “Самарқанд” газетаси бошига ўзидан аввалги жаҳид нашрлари — “Тараққий”, “Шуҳрат”, “Хуршид” газеталарининг куни тушмади. Яъни, Абдулла Авлоний айтмиш “истибдод ҳукуматининг фавқулодда сақлаш (чрезвычайный охран) қўли билан газета (“Тараққий” — **Ҳ.С.**) ўлдирилди”, “18-сонига етганда (“Хуршид”) идорасида бир неча қатла тинтув ясалиб, ниҳоят, бу ҳам фавқулодда сақлаш идораси томонидан тўхтатилди”¹. У пайтда цензура ўта даражада қаттиқ бўлганки, буни сиз 1917 йили эски ҳокимият ағдарилиб, чор цензурасининг саҳнадан кетиб, болшевик цензурасининг пайдо бўла бошлаган пайтида “Чаён” журнали идорасига илк бор цензура хати келиб тушгач, журнал унга қарши фикр билдириб чиққан мақоласидан билишимиз мумкин: “Николаининг жаҳаннам кибик истибдоди остинда бутун матбуотни виждонсиз “цензура”ларнинг раҳмсиз пичроқ қаламлари талвис (сохталаштириш, бузиш

¹ «Туркистон». 1924, 24 июнь.

— Х.С.) этиб турган соатларда “Стрекоза”, “Форх-ий” ва “Сатирикон” кибик сатира журналлари Протапопов ва унинг ибдошларининг расмларини тушириб, Николайнинг саройи теграсинда буюк князларнинг оилалари ичинда сафоҳат қаҳрамони Распутиннинг қилган пичроқларидан ични қотирарлиқ кулдиралар ва кулалар эди. Золим Николай-да фиръавн Протапопов ва пичроқ цензуралар-да нечундир бу журналларни кўрмийлар, ёхуд олижаноблик қилиб кўрувга тиламийлар эди. Келди ҳуррият, берилди матбуотга эрк, ҳурриятга хизмат этувчи ибдашлар иш бошина минди. Демак, ҳуррият таъмин этилди. Йўқ, таъмин этилмади!.. Агар таъмин этилса эди, татар социалист ишчилар комитети вазифаси бўлмаган шундай бир ишка журъат этуб, бу қоғозни юбора олмас эди...”¹.

Бу кўчирмадаги “виждонсиз “цензура”ларнинг раҳмсиз пичроқ қаламлари” деган гапнинг ўзидан давр цензурасига нисбатан ишлатиладиган энг рост гап эканлиги англашилади. Қиссадан ҳисса шулки, чор цензурасидан эсон-омон сақланиш учун мустабид мустамлакачининг ногорасига ўйнашга тўғри келган. Беҳбудий учун бу иш қанчалик огир бўлмасин, шундай йўл тутишга мажбур, халқ равнақи йўлида шундай қилиши шарт эди.

Қисқа хулоса шунда эдики, токи халқ маърифат нуридан баҳраманда бўлиб, кўзи очилмагунча ҳурриятга чиқиш қийин. Халққа маърифат тарқатиш йўлидан бири эса матбуот эди.

Дарҳақиқат, Беҳбудий учун жадидлар нашрлари бўлмиш “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат” газеталарининг тақдири катта мактаб эди. У тинимсиз

¹ *Зиёг Саиғ*. Танланган асарлар. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 59-60-бетлар.

изланганлиги натижасида шундай хулосага келган, албатта. Лекин унинг газетада чоп этган мақолалари, хабарларини ўша замонни объектив ўрганмаган киши ўқиганда ёки коммунист ўқиганда албатта муҳаррирни ёмонлаши, танқид остига олиши табиий. Зеро, унда Самарқандни босиб олганлар учун қўйилган ёдгорлик таъмирга муҳтожлиги ва мустақил Афғонистон жангчиларининг ҳарбий машқлари сирларини баён қилишнинг ўзи газетани таҳлил қилгувчи катта асос бўла олади. Фикримизга далиллар кўп. Масалан, ўзбек совет матбуоти ҳақида асарлар битган Т. Эрназаров ва И. Акбаров ўз китобларида шундай ёзишганди:

“Жадидчиликнинг бошлиқларидан бири Беҳбудий “Тараққий” газетасида ёзганди: “... Россия билан биргаликда подшо ҳукуматини қўллаб-қувватлаймиз”.¹

Бу юқорида айтилган фикримизга бир асос. Бироқ муаллифлар ўша давр шароитини яхши тушунишса-да, улар Беҳбудийнинг не сабабдан бундай йўл тутганлигини тушунтириб беришмайди, балки энг осон йўл ҳисобланмиш — тарихий шароитни, вазиятни ҳисобга олмай, Беҳбудийни қоралайдилар. Оқибатда “жадидлар буржазия вакиллари” эканлиги рўкач қилинади ва улар меҳнаткаш халқнинг душманлари қаторига киритиб юборилади. Буни шўро давр мафкурасининг тазйиқидан деб тушунамиз.

Ўзининг тарихини яхши билган, боболарини ҳурмат қилган Беҳбудий ёки бошқа бир зиёли ўз йўли туриб, ўзга миллат йўлини тутишга осонликча рози бўлармиди? 1898 йилги Дукчи Эшон қўзғолонининг

¹ Т. Эрназаров, И.А. Акбаров. История печати Туркестана. Т., «Ўқитувчи» 1976, стр. 98.

оқибати нима бўлганлигини Беҳбудий билмасми-ди? Тиш-тирногигача қуролланган мустамлакачиларга қарши фақат маърифат йўли билангина курашиш мумкинлигини Беҳбудий англаб етган эди.

Беҳбудийнинг йўлини тушуниш учун ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитини тўла англаб етмоқ керак. Қолаверса, “Самарқанд” газетасидаги русча мақола ва хабарларни Беҳбудийнинг ёзишича, “Самарқанд”да русча босилгонлар рус қалами ила эди”.¹ Кўриниб турибдики, “Самарқанд”даги русча мақола ва хабарларни газетани ўзига бўйин эгдиришни истаган рус идораси тайёрлаб берган.

Шундай қилиб “Самарқанд” газетаси уч тилда чиққан ва халқнинг кўзини очишга сабаб бўлди, дея Абдулла Авлоний фикрига қўшимча киритсак мантиққа тўғри келади.

Муҳаррир деганда аввало “ёзувчи, таҳрир қилувчи”² маъноси англашилади. Бироқ аср бошига келиб муҳаррир фақат ёзадиган, таҳрир қиладиган одамгина эмас, балки таҳрир қилинган хабар ва мақолаларнинг газетада берилишини бошқарадиган, шунингдек, яна бир қанча вазифаларни бажарадиган шахс эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Шарқу Ғарб тушунчасидаги муҳаррирнинг ҳам вазифасини бемалол бажара оладиган инсон эди. Айниқса, ўзининг қаламига мансуб бўлган мақолаларда муҳаррир нуқтаи назари билан қараб, қисқа ва лўнда шаклда ёзганлигини кўрамиз. “Таҳсил ойи”, “Миллатлар қандай тараққий этарлар?”, “Эҳтиёжи миллат” каби кўпгина мақолалари фикримизга далилдир.

¹ «Самарқанд». 1913, 16 август.

² Навоий асарлари луғати. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Дарҳақиқат, “Самарқанд” газетасидаги мақола-ларнинг аксарияти Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қаламига мансубдир. Бироқ у газетага бутун Туркистон зиёлиларининг қатнашишларини истарди. Газетанинг илк сонлариданоқ ёзувчиларга мурожаатнома ёзиб қўйди ва бу ёзув унинг охириги сонига-ча биринчи саҳифадан тушгани йўқ: “Исломиянинг саодати ва солиҳига мусулмонларни маданият ва фунуни замонадан нафъиланмоқлари учун ёзилган маҳаллий туркий ва форсий мақола ва ашъор қабул бўлуб, аммо жаридага ёзилиши идора ихтиёрида-дур”.

Бу мурожаат ҳар сонда такрор берилишига қарамасдан, жойлардан муҳаррир кутганчалик мақола ва хабарлар келмайди. Бундан у нола чекади. Шундан бўлса керак, газетанинг 36-сонига бош мақолада айнан ана шу муаммони кўтариб чиқади. “На учун илтифот этмайдурлар?” Бу Беҳбудийнинг оқ чекиб ёзган мақолаларидан биридир. Унда муҳаррир газетанинг, юқорида биз таъкидлаган мақсади уч тиллигининг боиси-ни тушунтиргач, муштарийлардан, ўлка зиёли-ларидан хафалигини баён қилиб, шундай ёзади: “Ушбу мақсаднинг баҳси уч лисонда бўлса, таъсирнинг сири ва умумиятини форсий, туркий ва русий қаламлик туркистонли аҳли ватанимиз албатта мушоракат этуб ва иона қаламияда бўлушларини яқин қилиб эди. Аммо, ҳайҳотки, бу умидларимиз бўшга чиқди. “Самарқанд” инқарийб бешинчи ойни тамом қилур. Бу мўддатда русча қалами борларимиз беш сатрлик бир нимарса ёз-моқга танзил этмадилар... Инчинун, иона ва мушоракат қаламларидан умид қилганларимиз миллий жаридага миллий хидматга аҳамият берма-

дилар (қаламлари ила иона этган муҳтарам зотлар мустаснодурлар)”¹.

Дарҳақиқат, Беҳбудий хафа бўлишга арзигулик ҳол юз берган эди. У зиёлиларнинг газетага ёзишларини, фикр уйғотишларини, баҳслашишларини истарди. Бироқ қолоқ муҳит, мустамлака оқибатидаги карахтлик, бефарқлик одамларни ҳадеганда тарк этавермайди. Беҳбудий, айниқса, жадиждларнинг илк газетаси чиққан жой — Тошкентдан мақола ва мактублар кутганди. Бироқ “... 150 минг мусулмон нуфуслик ва бир даста муҳаррир, шоир ва мусаннифи бор ва бир неча жаридида чиқарган ва маркази Осиё бўлган Тошканд шаҳридан форсий ё туркий бир сатр бўлсун бир шай(нарса) келгани йўқ”².

Бу фурсатда ҳали Тошкентда “Садойи Туркистон” газетаси чиқиб улгурмаган, “Самарқанд” Туркистон бўйича жадиждларнинг бирдан-бир нашри эди. Танқиднинг кучидан эмас, балки ҳамиятнинг зўрлигидан бўлса керак, Беҳбудийнинг маслақдошларидан бири, Тошкент жадиждларининг мураббийси Мунаввар қори тезлик билан қўлига қалам олади. Нафақат ўзининг, балки Тошкент жадиждларининг ҳаракатсиз ўтирмаганлигини, Тошкентдаги илк жадижд газеталари (“Тараққий”, “Хуршид” — **Ҳ.С.**) ёпилган бўлса-да, асосий мақсад унутилмаганлигини ёзади. Мунаввар қорининг “Тошкентда мусулмон жамияти” сарлавҳали бу мақоласи Тошкент жадиждларининг фаолиятини муайян маънода акс эттирган ва у жадиждларнинг кейинги ҳаётида, хусусан, Беҳбудийнинг фаолиятида ҳам сезилар-

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. На учун илтифот этмайдурлар? // «Самарқанд» 1913, 16 август.

² Ўша манба.

ли из қолдирганлигини унинг кейинги мақолаларида, амалга оширган ишларида кузатишимиз мумкин. Мунаввар қори жаҳидларнинг бойлар билан ишлаши миллатни танбал ҳолатга солиб қўйишини ва бу аҳволдан чиқиш йўллари жуда одоб ва публицистик маҳорат билан очиб берган.

Беҳбудийнинг мазкур танқидий чиқишидан сўнг газетада чет муаллифларнинг кўпайганлигини кузатиш мумкин. “Самарқанд”нинг 36-сонида Ҳожи Муиннинг “Нашриёт ширкати керак”, 39-сонида “Бойси тараққий”, Камийнинг “Фазилатлу маърифатпарвар афандим”(41-сон), Абдулрауф Фитратнинг “Тараққий ва таждид”(44-сон) мақолалари босилди. Айниқса, Бухородан мактублар кўпайганлигини ҳам сезиш мумкин, лекин уларнинг барчаси мустаор имзо ёки ҳарфлар воситасида берилган.

Муҳаррир айтган “қаламлари ила иона этган зотлар” хўжандлик Муҳаммад Саъид,¹ наманганлик Дадамирзо қори², самарқандлик Ҳожи Муиндир.³

Туркистонда матбуот органларининг кўпайиши, ёйилиши ва улардан халқ бохабар бўлишини уйлаган, истаган муҳаррир дунё мамлакатларидаги матбуот нашрлари билан қизиққан, тараққий қилган мамлакатлардаги аҳволотни ўрганган. “Самарқанд” газетасининг 27-сонидаги хабарлардан бирида Америкадаги газета, журналлар ва уларнинг муштарийлари ҳақидаги фактларни ўқишимиз мумкин:

“... кундалик газеталарнинг сони 2472та, ҳафталик газеталар 16269та, ўн беш кунлик ва ойлик журналлар 2769та чоп этилади. Булардан 200 кун-

¹ Ажиб воқеа. // «Самарқанд» 1913, 16 июль.

² Дадамирзо қори. Ўз ҳолларимиз. // «Самарқанд» 1913, 29 июль.

³ Ҳожи Муин. Ёшларга мурожаат. // «Самарқанд» 1913, 10 август.

далик газета борки, буларнинг муштарийси 10 миллион кишидур, 5 журналы борки, 5 миллион муштарийга эга. Энг кам ўқулатургон газетанинг муштарийси 100 минг кишидур”.

Беҳбудий нашр этган газета ва журналнинг диққатга молик томони шундаки, бирор-бир нашрдан кўчирилган, таржима қилинган мақола, хабар ва фактлардан кейин албатта “Идора” ёки “Самарқанд” имзоси билан ўша материалга нисбатан ёки унга қўшимча тариқасида таҳририят фикри билдирилган. Дейлик юқорида бошқа нашрлардан олинган фактлардан кейин ҳам “Идора” ўз фикрини баён этади:

“70 миллионли Америка халқи 22882 жариди ва мажалла ўқишади. Биз Туркистон нуфуси онлардан 8 дафъа оз бўлсак-да, илм борасида 3000 дафъа оздурмиз. Бу дунё аҳлидан биз туркистонлилар беилм ва ваҳший(ёввойи— **Ҳ.С.**)дирмиз”.

Бу фактлар албатта “бошқа халқларга қаранг, ўтиг олинг, биз улардан беилмроқмиз ахир”, деган дардли чақириқни билдириб турибди.

Газетанинг 32-сонидида чоп этилган хабарда эса Евроосиё қитъасидаги тараққий этган мамлакатлардаги газеталар сонининг жадвали берилган.

“Давлатлар номи	газеталар сони
Франса	8940
Олмон	8050
Жапун	6152
Инглис	4329
Италия	3068
Рус	1661
Испания	1350

Шветсария

1332

Калантия

1402”¹

Бу рақамларнинг келтирилишидан асосий мақсад Туркистонда ҳам кўплаб газета ва журналлар чоп этиб, халқ кўзини очиб, миллатни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш бўлган, албатта.

“Самарқанд” газетасини синчиклаб ўқирканмиз, муҳаррирнинг телеграф ҳамда хориж матбуоти хабарларидан катта маҳорат билан фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Янгиликларни муҳаррир “Хорижия хабарлари”, “Болқон муҳорабаси” бўлимларида берган. Газетанинг илк сонларида, яъни икки саҳифа бўлиб чиққан пайтида хорижий янгилик ва хабарларнинг барчаси “Ибратли хабарлар” рукнида берилган. Рукн жуда чуқур ўйланган бўлиб, ундан бир неча мақсад кўзда тутилган. Биринчидан, энг муҳим хабарлар ажратиб олинган, иккинчидан цензура кўзи шамғалат қилинган, энг асосийси эса, бу хабарларнинг ҳар биридан маҳаллий аҳоли ўзига хос хулоса чиқарган, яна кимларгадир “ибрат” бўлиши киноя билан таъкидланган. Масалан, газетанинг 5-сонигаги ушбу рукн остида Туркия давлати Яман мамлакатига мухторият берганлиги баён қилинади:

“Туркия давлати Яман давлатини асир қитъасига имтиёз — афтаномия бериб, имом Яҳёга топширар. Имом Яҳё: “Баъзи қабилаларни Сайид Идрисга топшириб аҳд ва паймон қиладурлар. Бир неча йилдан бери Яман мамлакатадаги дохили гавголар энди ётишса керак...”².

¹ «Самарқанд». 1913, 2 август.

² «Самарқанд». 1913, 30 апрел.

Бу далилнинг берилишидан ибратли ўғит «автономия» сўзининг тилга олинганлиги ва автономия берган мамлакат Туркия давлати эканлигидир. Бунда Россияга нисбатан пичингни ҳам сезиш мумкин. Газета тўрт саҳифа бўлиб чиққанидан кейин, аниқроғи, газета қайта рўйхатдан ўтгандан сўнг биз “Ибратли хабарлар” бўлимини учратмаймиз. Унинг ўрнига уч бўлим: “Хорижия хабарлари”, “Доҳилия хабарлари”, “Болқон муҳорабаси” вужудга келди.

Бунда ҳам Беҳбудий хориж матбуотидан олинган хабарлардан усталик билан фойдаланади. Одамларга ўғит беришни у энди “Идорадан” изоҳи остида ёзади. “Идора”нинг фикри эса одамлар дунёқарашини шакллантиришда муҳим вазифаларни ўтади.


Муҳаррирнинг энг муҳим хислатларидан бири мақола, хабарларга мос сарлавҳа қўйишдир. Сарлавҳада ёзилмиш мақоладаги муаммо ёки масаланинг асосий гоёси ифодаланиши ва бу гоё жамиятдаги энг долзарб масала бўлиши керак. Сарлавҳага кўз тушгандаёқ ўқувчида уни ўқишга рағбат уйғониши керак. Шунинг учун журналистикада сарлавҳани ярим мақола дейишади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бу иқтидордан маҳрум эмасди. Биз буни унинг илк мақолаларидаёқ кўришимиз мумкин. Тўғри, унинг сарлавҳалари соддагина, бироқ ушбу соддалик ёшу қарини ўқишга чорлайди. 1906 йили “ТВГ”нинг 7-сонида чоп этилган хабари “Ўзбекистон — эркинлик — свобода — озодлик” сарлавҳасида берилган. **Эркинлик, озодлик** сўзлари ўша пайт зиёлиларининг диққат марказида эди. Бунда “ТВГ” муҳаррири Н. Остроумовнинг ҳам ҳушёрлиги иш бермай қўйган. Бу, албатта, муаллифнинг маҳоратидир.

Беҳбудийнинг 1907 йили “Тужжор” газетасининг 8-сонига босилган “Дума ва Туркистон” сарлавҳали мақоласи ҳам маҳорат билан ёзилгандир. “Дума” сўзининг ўзи Туркистон мусулмонлари учун тушунарсиз эди. Дума Николай II ўйлаб топган алдамчи сиёсат бўлса-да, Беҳбудий Думанинг нима эканлигини халққа тушунтириб боришга ҳаракат қилади. “Дума” сўзининг Туркистон билан боғланганлиги мақолани ўқиб чиқишга чорловчи чақириққа айланган.

Бевосита “Самарқанд” газетасида чиққан мақолаларининг сарлавҳаларини ҳам алоҳида таъкидласа арзийди. Масалан, “Болқонми, вулқон?” (7-сон), “Эҳтиёжи миллат” (26-сон), “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” (31-сон), “Кўкнорихўрларга жазо” (32-сон), “Уф” (33-сон), “На учун илтифот этмайдурлар?” (36-сон), “Қонуни Оврупо” (43-сон), “Миллатга мурожаат” (45-сон) каби сарлавҳаларни мисол тариқасида айтиш мумкин. Ўқувчи эътиборини бир қарашдаёқ жалб қиладиган бундай сарлавҳаларни “Ойна” журналида ҳам кўплаб учратамиз.

Беҳбудийни журнал муҳаррири сифатида урғанишимиздан аввал унинг газета муҳаррири сифатидаги фаолиятдан шундай хулоса чиқариш мумкин: Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзбек миллий газетачилигининг шаклланиши ва ривожланишида ўз ҳиссасини қўшган илк муҳаррирлардан биридир.

Миллий ўзига хослик Фарб газетачилигидаги фақат шов-шувли хабар ва мақолалардан фарқли ўлароқ ибрат вазифасини ўтайдиган фикра ва мақолалар, улар ифодалаган гоялардadir. Масалан, Хужанддаги бир бойнинг ўз фарзанди томонидан ўлдирилиши ҳақидаги мудҳиш хабар Фарб газета-



сида ҳам босилиши мумкин. Лекин ушбу хабарнинг хулосаси, яъни агар бу бой фарзандини уқитиб, иймонли, билимли бўлишига сабаб бўлганида ўз ўғлининг қурбонига айланмаган булар эди, қабилидаги ибратномаси ўзига хос миллийликдир. Беҳбудийнинг “Самарқанд” газетаси худди мана шу жиҳатлари билан ҳам бугунги миллий газетчилигимиз учун аҳамияти беқиёсдир.

4 - ф а с л. **“ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЭНГ БИРИНЧИ ВА ЭНГ ЯХШИСИ...”**

Ўзбек миллий матбуотида журналчиликка асос солган инсон ҳам Беҳбудийдир. Унинг “Ойина” журнали фақат Туркистонда эмас, балки Россиянинг мусулмонлар яшайдиган бошқа ўлкаларида ҳам машҳур бўлган. Шунинг учундир, Абдулла Авлоний “Бу журнал “Ойина” чиққунча чиққон журналларнинг энг биринчи ва яхшиси эди”¹, деб таъкидлаган эди. Журналнинг номланиши муқовада — араб, ўзбек, форс ва рус тилларида ёзилганлигини кўриш мумкин, яъни “Миръот”, “Кўзгу”, “Зеркало” ва “Ойина”.

Беҳбудий Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига ёзган аризасида журнални уч — ўзбек, тожик ва рус тилларида чиқаришга изн сўраган. Журналда русча мақола ва хабарлар ўрнига фақатгина эълонларни кузатиш мумкин. Афтидан, русчани ҳам қўшганлиги Беҳбудийнинг арзи ижобий ҳал бўлишида асосий омилардан бири бўлган. Бу ҳақда олдинги параграфда батафсил тўхталган эдик. Қолаверса, “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журнали “Русская периодическая печать в Туркестане 1870—1917” (Ташкент, 1960) рисоласига бекорга киритилмаган.

Филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов матбаачиликни, хусусан, журнал чиқаришни Беҳбудий татарлардан ўрганганлигига ўринли ишора қилади: «Беҳбудий фаолиятида, шу жумла-

¹ А.Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // «Туркистон», 1924, 24 июнь.

дан матбаачилигида татарларнинг таъсири кучли кўринади. У Қозон, Уфага борган 1903—1904 йилларни хотирга олайлик. Татар ҳаётидаги янгиликларга интилиш кўзга яққол кўриниб келаётган йиллар. Янгиликка ташна тиниб-тинчимас Рашидқори Иброҳимовнинг “Эй миллат, мана аҳволингга бир разм сол, қандай яшамоқдасан!” дегандек “Миръот” (“Ойина”)и йўлга қўйилган (дарвоқеъ ҳозирда уни мутахассислар дастлабки татар журнали сифатида баҳоламоқдалар)¹.

Бу фикрда ишонарли асослар бор. Зеро, Беҳбудий ҳаждан қайтгач, биринчи бўлиб татар матбуотига, хусусан, Гаспиралининг “Таржумон”ига обунна бўлиб, мунтазам уни ўқиганлиги ҳақида аниқ далил бор. “Ойина”нинг номланишини ҳам Беҳбудий ҳавас билан улардан олган бўлиши мумкин. Лекин икки тилда чиқиши бўйича ягона эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

“Ойина”нинг илк сони 1913 йил 20 август куни “Самарқанд” газетасининг 37-сони билан баробар чоп этилган. Бу ҳақда “Самарқанд”да “Арзи туҳфа” сарлавҳаси остида шундай сўзларни ўқиш мумкин: “Самарқанд” жаридасининг барча муштарийлариға ийди саъид муносабати-ла ушбу рақам ила “Ойина” мажалласи “Самарқанд” идораси тарафиндан ожизона туҳфа юборилди. Қабули маржудир”.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги Беҳбудийга бағишланган махсус “Иш”да унинг “Ойина” журналини очиш учун изн сўраб Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига 1913 йилнинг 14 май куни ёзган аризаси, унга шу йилнинг

¹ Б. Қосимов. Маслақдошлар. Т., «Шарқ», 1994, 15-бет.

8 июнида берилган 11576-рақамли гувоҳномаси ҳам сақланмоқда¹.

“Ойина” саҳифаларида қандай материаллар берилганлигини санаб ўтишдан аввал Беҳбудийнинг рус тилида ёзган аризасида журналга қандай материалларни беришни зиммасига олганлигини билишимиз мумкин.

- “1) ҳукумат кўрсатмалари;
- 2) бош мақола;
- 3) чет эл хабарлари шарҳи;
- 4) ички шарҳ;
- 5) ахборотлар;
- 6) умумий, маҳаллий ва савдо хроникаси;
- 7) рус ва чет эл матбуоти шарҳи;
- 8) қишлоқ хўжалиги;
- 9) фелъетон, адабиёт ва илмий бўлим;
- 10) агентлик ва шахсий телеграммалар;
- 11) умумимперия ва халқ судларининг ҳисоботлари;
- 12) театрлар;
- 13) эълонлар;
- 14) таҳририят жавоблари;
- 15) безак ва суратлар;
- 16) сатира ва аралаш”².

Юқорида саналганлар орасида “ҳукумат кўрсатмалари”нигина “Ойина”да учратмаймиз. Журналнинг мақсади ҳақида ҳам арзномада алоҳида тўхталган ва айнан ушбу сўзлар ҳам журналнинг чиқишига туртки бўлганлиги шубҳасиздир: “Юқоридагиларга қўшимча қилиб, шуни маълум қиламанки, нашрнинг мақсади маҳаллий аҳоли орасида рус мада-

¹ Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш.

² Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш.

нияти ва Европа билимини олиб кириш ва рус му- сулмонларини руслар билан яқинлаштиришди¹. Бу сўзларни турлича талқин қилиш, яъни, масалан, Беҳ- будийни рус маданиятини мусулмончиликка (!) олиб киришда айбланиш мумкин. Бироқ журнал саҳифала- ридаги мақола ва хабарларни ўқиганимизда ариза- даги гаплар нашрга рухсатнома олиш учун ёзилган- лигини англадик.

“Ойина” журнали А8 ҳажмида 24 бет бўлиб чиқ- қан. Муҳаррирнинг 32 саҳифада чиқариш нияти ҳам бўлган. У журналнинг 18-сонидан (1914, 22 феврал) шундай қисқа эълон беради: “Ойина” мажалласини 32 саҳифада чиқармоқчимиз. Анинг учун муҳтарам муштарийларни ёру дўстларидан муштарий топмоқ- лари умид қилинур”. Лекин Беҳбудийнинг бу нияти ҳам амалга ошмаган. Сабаби шуки, у умид қилган миқдорда обуначилар кўпаймаган. Журнал шу зайл- да, яъни 24 саҳифада ҳафталик чиқишини бир йил давомида қанда қилмаган. Тўғри, 1-илова сони би- лан 2-сон ўртасида икки ойдан кўпроқ вақт бор. Ле- кин иккинчи сондан бошлаб обуначиларга 52 сон журнал ҳафталик бўлиб етиб борган.

“Ойина” иккинчи йил учун етарли муштарий йиға олмайди. Шу боис Беҳбудийнинг сафдошлари- дан бири Сиддиқий “Туркистон жаридалари” сар- лавҳали мақоласи билан чиқади. Унда Сиддиқий ерли халқнинг газета ўқимаслиги, ўқийдиганлари ҳам негадир чет эл матбуотини ўқишларини, аслида эса “ўз дохийий дард ва аламларини даъво қилмоққа тавсия қиладургон мақолаларга қарамоқ, ёраларига малҳам, ранжларига илож ва камликларини тузат- моқ борасидан баҳс қилгувчи ва биз учун ўқулмоғи

¹ Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш.

лозим жарида ерли Туркистон жаридалари”¹ эканли гини ўкиниб таъкидлайди. 4-5 сўм пулларини жарида учун аямасликларини сўрайди.

Мазкур мақолага “Ойна” таҳририяти томонидан изоҳ ҳам ёзилган бўлиб, унда Беҳбудийнинг овозини эшитгандек бўламиз. Уни Сиддиқий ёзган мақолага жавоб сифатида ҳам қабул қилишимиз мумкин. Бир далил. Сиддиқий Туркистон халқининг газета ва журнал ўқимаганлигининг асосий сабаби жанг майдонларидан батафсил ҳикоя ёзилмаслигидан, деб айрим муштарий фикрини беради. “Ойна” унга жавобан “тўғриси, муҳтарам халқимизни маҳаллий матбуотга илтифот этмаганларидур. Агарда аҳли мутолаа ва тараққийпарвар ёшлар ҳиммат ва жаридалар нашрига гайрат этмасалар матбуотимизни сўнмоги муқаррардур”².

“Ойна”нинг 52-сонида юқоридаги мурожаат натижаси ҳақида “Идорадан” сарлавҳали мақоладан билиб оламиз: “Ойна” муҳаррирининг асаб хасталиги зиёдалашгани учун ҳамда муштарий озаёиб, адади 300га тушгани ва идора мудирларининг илтифотсизликлари сабабли “Ойна” ётқурулмоги 49-рақамда ёзилиб эди. Аммо муҳтарам баъзи хонанда (ўқувчи — Х.С.) ва маорифхоҳ аҳли ватандан дасталари ила мактуб ва телеграф ила муҳаррирдан ётқурулмасликни илтимос этганликлари учун “Ойна”ни чиқариб турмоқга қарор берилди. Аммо муштарийни озлигидан меҳнати озаймаса ҳам зарари озайсун деб биринчи ноябрдан “Ойна” уч дафъа чиқарилур”³.

Беҳбудий харажатнинг қайга ва нима учун сарф-

¹ «Ойна». 1914, 49-сон, 16-17-бет.

² «Ойна». 1914, 49-сон, 16-17-бет.

³ Ўша журнал, ўша сон.

ланишини математик ҳисоб-китоб билан тушунтириб бергач, шундай хулоса чиқаради: “Ушбу 52-адад “Ойина” биринчи санани охири бўлур. Чунки “Ойина”нинг биринчи адади бултур 1331 сана биринчи шаввол, 2-нчи адади 1331,16-нчи зулҳижжа ойинда нашр бўлуб эди. Келар адад “Ойина” 2-нчи санани аввалинчиси бўлуб чиқадур”¹. “Ойина”нинг чиққан сонлари ҳақида биринчи маълумотни Садриддин Айний ёзганлиги учун ундан иқтибос келтирамиз: “Ойина” мажалласининг бир неча рақами 1331 йил шаввол ойинда(1913,август) чиқиб, 1333 йил шаъбон 15-гача давом қилгон (1915, 15 июн). Бу муддатда 68 рақамда 1720 саҳифалик “Ойина” чиқгон”². Зиё Саидда³ ҳам худди шундай маълумот келтирилган.

“Ойина” ҳақиқатан ҳам ўз номига яраша иш олиб борди. Бўлиб ўтган ва содир бўлаётган, шунингдек, кутилаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини доим билдириб турди. Муҳаррир журналга мақола ёзишларини миллат зиёлиларидан сўраб турди. Нашр таҳламларини кўздан кечирарканмиз, унда бир талай муаллифлар қатнашганини кўрамиз. Хусусан, Абдурауф Фитрат, Сиддиқий, Ҳожи Муин, Ақобир Шомансур, Муҳаммад Саъид, Саидризо Ализода, Саидахмад Васлий, Тавалло, Садриддин Айний, Ҳаким Бухорий, Ниёзий Ражабзодалар қаламига мансуб кўплаб мақолалар, шеърлар “Ойина”нинг оммалашувига сабаб бўлган. Бунда Беҳбудийнинг ҳам энг сара мақолалари чоп этилган. “Икки эмас, тўрт тил лозим”(1-сон), “Майда қарз, мулки кредит”(1-сон), “Тутун, тамоку”(1-2-сонлар), “Лойиҳа-проект”(9-, 10-

¹ «Ойина». 1914, 52-сон, 1248-бет.

² С. Айний. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли //«Меҳнаткашлар товуши», 1920, 8 апрел.

³ Зиёг Саид. Танланган асарлар. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 45-бет.

11-сонлар), “Мезон”(8-сон), “Миллатни ким ислоҳ этар?”(12-сон), “Фавқулодда такфир”(12-сон), “Бизни ҳоллар ва ишлар”(13-сон), “Оҳ, бонклар бизни барбод этди”(19-сон), “Ёшларга мурожаат”(21-сон), “Сарт сўзи мажҳулдур”(22, 23-, 25-, 26-сонлар), “Тиётр надур?”(29-сон), “Танқид сараламоқдур”(31-сон), “Ичгуликнинг зарарлари”(36-сон), “Туркистон тарихи керак”(38-сон), “Ватанпарварлик керак”(43-сон), “Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат”(49-сон), “Исмоилбек ҳазратлари”(50-сон) каби кенг таҳлилли мақолалари, тарих ва географияга оид “Шердор мадрасаси”1-сон), “Улуғбек расадхонаси”(3-, 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 9-сонлар) “Ер”(10-, 13-, 18-сонлар), “Таърих ва жуғрофия”(27-, 28-сонлар), “Саёҳат хотиралари”(34-, 35-, 37-, 38-, 39-, 40-, 41-, 42-, 43-, 44-, 45-, 46-, 47-, 48-, 49-, 50-, 52-, 53-сонлар), “Офтоб”(49-, 50-, 51-сонлар) каби мақолалари шулар жумласидандир.

Маълумки, журнал журналистикаси билан газета журналистикаси орасида муайян фарқлар мавжуд. Беҳбудийнинг муҳаррирлигида чиққан “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журнални солиштирганда уларнинг ўзига хослиги сақланганлигини, яъни икки нашр ҳам ўзининг зиммасидаги вазифани бажарганлигини англаймиз. “Ойина”да ёзилган мақолаларнинг ҳажми кенгроқ, чуқур таҳлилли ва албатта, хабарлар “Самарқанд” газетасига нисбатан кам.

Журналга хос мақолаларда Беҳбудийнинг юқорида саналган публицистик асарлари билан бирга, “Турк давлати на учун мағлуб бўлди?”, “Ҳаёт ва гойиъ ҳаёт”(Абдурауф Фитрат), “Тараққий ва таранний”(З. Футуҳиддин), “Таърихи ихтирои башар — одамларнинг чиқарган нимарсалари”, “Адаб ва тарбият”(Муҳаммад Саъид) кабиларни мисол келтириш мумкин.

“Ойина” ҳақида, умуман, Россия давридаги матбуот ҳақида гапирганда, уларни кузатиб, “тартибга чақириб” турган, вақти келса газеталарни ёпиб қўйган цензура, унинг ишлаш тартиби ҳақида ҳам фикр юритиш жоиз. Зеро, собиқ совет замонидаги цензура чоризм цензурасидан андоза олганди. Хуш, уларнинг ишлаш тартиби қандай бўлган? Буни “Ойина” мисолида кўриб чиқсак айни муддао бўларди. Ўзбекистон Марказий давлат архивида бизга далил бўлиб хизмат қиладиган кўп ҳужжатлар бор. Улардан бири “Ойина” журнаliga тегишли бўлиб, Туркистон ҳарбий округининг штаб бошлиғи имзоси билан Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига 1914 йил 19 август куни 100-рақамли хат юборилган¹.

Хатнинг мазмуни шундаки, биринчи жаҳон уруши даврида “маҳаллий матбуотда Россия манфаатига зид бўлган мақолалар пайдо бўлиши мумкинлиги” боис Туркистон ҳарбий цензурасининг Туркистон ҳарбий округига ёзган мактубига асосан жўнатилган. Шу муносабат билан Самарқанддаги маҳаллий матбуотни назорат қилиб туриш штабс-капитан Отаевга топширилади ва журнал корректураси учун чиқарилган кўчирма(оттиск)дан журнал босмадан чиқишига икки кун қолгунча юборилиши “Ойина” муҳаррири зиммасига юклатилади.

Албатта, бу топшириқни ҳарбий округ рисоладагидек қилиб бажаради. Беҳбудийни ҳарбий округга чақиртириб, яъни “таклиф қилиб” ушбу “ўта махфий хат” остига “Ўқидим ва маълумот учун қабул қилдим”, дея имзо чектиришган. Демак, шундан сўнг “Ойина”нинг корректура учун олинган нус-

¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф-1, 1-рўйхат, 8752-иш.

хаси цензорлар қўлида ҳам бўлган, яъни уларнинг хоҳиши билан журнал чиқа бошлаган.

Цензуранинг кучайишига Беҳбудийнинг ўша йили яна бир бор Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиб қайтгани ҳам сабаб бўлганлиги эҳтимол. У хорижга кетишдан аввал “Ойна” муҳаррирлигини вақтинча Саидризо Ализодага топширади. Беҳбудийнинг муҳаррирликни топширганлиги ва Ализоданинг қабул қилганлиги ҳақида 1914 йил 27 апрелда ёзилган ариза¹ ҳам Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланмоқда. Ҳарбий губернатор Саидризо Ализодага учинчи май куни гувоҳнома берган². Бу ҳужжатларда Беҳбудийнинг имзоси ҳануз сақланади.

“Ойна” журналини, хусусан, унинг муҳаррир ва ноширини ҳам турли йўллар билан таъқиб қила бошлайдилар. Масалан, Туркистондаги мавжуд урф-одатлар, янгича жаид мактаблари, ўзгаришларни ўрнаётган миссионер Г. Андреев Беҳбудий ва унинг “Ойна” си ҳақида кетма-кет икки мақола ёзади³. Биринчи мақолада у Беҳбудий билан суҳбат қуриб, унга “турецкий таргаш” сифатида исм қўяди. Иккинчи мақоласида эса “Ойна”нинг 1915 йил 1(53)-сонини батафсил ўз нуқтаи назари билан шарҳлайди ва “зерикарли” мақолаларга тўла журнал эканлигини айтади. Қисқаси, муаллиф Беҳбудийнинг публицистик ҳамда муҳаррирлик фаолиятига паст назар билан қараганлигини англаш мумкин. Миссионердан ўзгача муомала кутиш ҳам қийин эди, чунки улар ўзларини Туркистонга “маданият келтирган” инсонлармиз деб ўйлашарди.

¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф-1, 1-руйхат, 8752-иш.

² Ўша манба.

³ Г. Андреев. Самаркандский журнал «Айна» и его редактор-издатель Махмудходжи Бегбуди // Туркестанские ведомости». 17 — 19 сентября, 1915 г.

Мустабид Россия ҳукумати сиёсатини тарғиб қиладиган “Туркистон вилоятининг газети” ҳам “Ойина” журнаliga турли йўллар билан халақит бериб келган. Беҳбудий ва Остроумовнинг “сарт” сўзи бора-сидаги мазкур баҳси ҳам мана шу икки нашрда босилган.

Журналнинг миллат ривожига қўшган ҳиссасини, бу борада мавжуд муаммоларни кўрсата олган муҳаррирнинг маҳоратини озодлик ҳаракати нуқтаи назаридан таҳлил этсак, бизда умуман бошқача тасаввур пайдо бўлади.

Аввалги параграфда “Самарқанд” газетасининг миллий хусусиятлари ва бунда муҳаррирнинг ўрни ҳақида фикр юритгандик. “Ойина” журнали ҳам ўзига хос миллий хусусиятларга эга. Журналнинг биринчи сонидан бошланган Туркистон тарихига, боболар қолдирган меросга эътибор унинг охириги сонларигача сезилиб туради. Масалан, биринчи соннинг биринчи саҳифасида Шердор мадрасасининг виқорли сурати ва “Туркистон” сарлавҳали бош мақола ва ундан сўнг Шердор мадрасасининг тарихи ёзилган. Иккинчи сонда эса “Улугбек расадхонаси” ҳақида муҳаррир мақоласи берилган. Учинчи сонда эса ушбу мақоланинг давоми ва расадхонанинг сурати берилган. Шунга ўхшаш мақолалар давомий қилиб берилганки, бу муштарийда ўз миллати, боболарига нисбатан меҳр уйғонишига, фахрланишга, ўзининг кимларнинг авлоди эканлигини англашига сабаб бўлган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзбек матбуотида журналчиликка асос солган муҳаррир ҳамдир.

Етмиш йиллик совет жамиятида хусусий мулкнинг барча кўринишларига нисбатан курашиб келинди. Шунинг учун хусусийлик наздимизда капиталистик

тузумнинг энг ёмон илати ҳисобланди. Эҳтимол, салбий жиҳатлари бордир, лекин халқ ҳаётининг барча жабҳаларида эмас. Дейлик, хусусий нашрлар, коммунистик матбуот назариясида айтилганидек, халқ манфаатига қарашли эмаслигини уларни мутолаа қилгачгина англаб етиш мумкин. Жумладан, Беҳбудий ўз маблагига очган “Самарқанд” газетаси ҳамда “Ойина” журнали миллат қайгуси, юрт озодлиги ва ободлиги учун курашган нашрлар сирасига киради.

Шахснинг ноширлиги ҳақида социалистик матбуотга доир қўлланмаларда ҳеч гап айтилмаган. Шунинг учун хориж манбаларидан кўчирма олишга мажбурмиз: “Ношир — китоб, газета ва ҳоказо нашрларни ишлаб чиқарадиган ҳамда нусхаларини тарқатадиган ширкат ёки шахс”¹.

Беҳбудийнинг ўз ноширлик фаолиятида биз китобни ҳам, газета, журнал ва ҳатто хариталарни ҳам нашр қилиб тарқатганини кўрамиз. Масалан, унинг қаламига мансуб “Мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия” китобида кўп вазифалари қаторида ноширлиги хусусида ҳам ёзувларни ўқишимиз мумкин: “Ал-ҳожиди Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа хатиб ўглини жамъ ва нашри, яна соҳибидур”².

Яна бир асарида “муҳаррир ва ношир Самарқанддорилқазо муфтийларидан Абу Масъуд Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа хатиб”³, дея таъкидланади.

Ўзининг кўпгина китобларидан ташқари, адиб Фитратнинг “Сайёҳи ҳинди” китобининг ўзбекча ва русча нусхаларига ҳам ноширлик қилган. Бу ҳақда “Самарқанд” газетасининг 1913 йил 27-сонигаги

¹ The concise Oxford dictionary/ Delhi, Oxford university press, 1993.

² Маҳмудхўжа Беҳбудий. Мунтахаби жуғрофияи умумий. Самарқанд, Демуров, 1906.

³ «Самарқанд». 1913, 12 июль

эълондан ҳам билишимиз мумкин: “Поступило в печать. Новая книга. “Рассказы индийского путешественника” (“Бухара, как она есть”). Сочинение Абду-Рауфа. Перевод с персидского А.К. Цена 50 коп. Издание газеты “Самаркандъ”. Выписывающие от издателя: Самаркандъ, Махмуд Ходжи Бегбуди. Решетниковская, 9, за пересылку не платят”.

Газета ва журнал ноширлигининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, у китоб ва бошқа бир марталик нашр маҳсулотларидан фарқ қилади. Масалан, китоб нашри учун босмахона ҳамда уларни тарқатиш борасида улар билан бир марта алоқада бўлинса, газетани босиш ва тарқатиш учун тарқатувчи ҳамда босувчилар билан доимий алоқада бўлишнинг ўзи муайян фарқларни кўрсатиб беради.

Дарҳақиқат, Беҳбудий муҳаррирлик билан ноширликни ҳам ўз зиммасига олади. У Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Туркистоннинг Россия қўл остида бўлган жойларига бориб газета ва журнални тарқатиш ишларини йўлга қўйди. Алоқа тизгини Россия қўлида бўлганлиги боис унинг барча расмийликларини бажариш учун ҳам анча асабини сарф этган.

Ношир сифатида у обуна бўлишнинг ёки реклама беришнинг расмий жиҳатларини ҳам газета орқали тушунтириб берган. Шунингдек, реклама бериш учун жойлардаги вакилларига мурожаат қилиб “Самарқанд”да “Ноширдан” сарлавҳаси остида бериб борган: “Самарқанд” жаридасининг вакиллари обуна ва эълон қабул қиладурлар. Хоҳлаганлар ружуъ қилсалар керак.

Хўқандда Мирзоҳид Миробид ўгли Оқил.

Бухорода Иноятиллохон Бахшиллохон ўгли.

Бухорода Мирзоҳамдам Мирзоабдулвоҳид ўгли.

Фаргонада кафказлик Муҳаммад Саъид афанди”¹.
Газетанинг сотилиш нархи унинг таннархига тўғри келмасди, яъни газетанинг босилишидан ўқувчи қўлига етиб боргунигача бўлган харажатлар обуначилардан тушган пулдан ошиб кетарди. Бунда Беҳбудий ўз ҳамёнидан тўлаганлиги ҳақида далиллар бор. Жумладан, у “Муҳтарам муштарийларимизга” мақоласида ёзади: “Самарқанд” жаридаси ушбу адади ила 5 ойни тамом этди. Алан 500-дин бироз фазла муштарийси бордур. Ушбу 5 ой тарафинда муҳаррир ва сармартабага пул бермай юрушга, фойтун пули ҳисобланмай, идорага ижара бермай ва идора захминда бир кун масраф қилмай фақат мураттиб, котиб ва мувазаҳларга, матбаа, қоғоз ва маркага оқча сарф этиб идорага 1000 сўмдан фазла зарар бўлди. Ушбу зарарни бир неча самарқандий тараққийпарвар зотлар ила ношир ўз киссаларидин бергани учун муштарийларга зарар юкланмади”².

Кучирмадан кўриниб турибдики, ношир ҳисобкитобни аниқ олиб борган, ўзининг зарарига бўлсада, газета чоп этаверган. Бу билан биз носоциалистик жамиятларда матбуот доимо гайриинсоний, тараққиётга қарши деган тушунчалардан воз кечшимиз лозим бўлади.

Юқорида Беҳбудий айтмоқчи, тараққийпарвар зотларнинг газетага маблағ ўтказганлари учун доим газета орқали ташаккур билдириб турган. Масалан, “Самарқанд”нинг 1913 йил 16 июл сонисида “Ташаккур” сарлавҳасида қуйидаги сўзларни ўқишимиз мумкин: “Хўжандда сокин самарқандий Ақобир

¹ «Самарқанд». 1913, 12 июль

² Маҳмудхўжа Беҳбудий. Муҳтарам муштарийларимизга. // «Самарқанд». 1913, 13 сентябр.

Шомансур ўгли жанобларига идора ташаккур этар, газета нашрига саъй этганлари учун”.

Беҳбудий беш ой давомида ўз маблағи билан бирга, рекламадан тушган пуллардан ҳам фойдаланган. У пайтда бирор газетанинг ҳомийси бўлганлиги ҳақида ҳужжатлар йўқ бўлса-да, “Самарқанд” газетасининг ҳомийси бор эди, деган хулосага келдик.

Тугри, Беҳбудий ва бирор ташкилот раҳбари ўртасида тузилган шартнома йўқ. Бироқ биз газетада босилган рекламалар орасида “Зайдел” гишт заводининг эълонини газета сонларида узлуксиз кўришимиз мумкин. Ҳатто, газетанинг охири 44-сон ҳисобланиб, 45-сон қўшимча чоп этилган бўлса-да, унда ҳам “Зайдел” гишт заводининг эълонини ўқишимиз мумкин. Бу эълон шу ҳолича “Ойна” журналига ўтказилади.

Бундан ташқари, газетада турли эълонлар мавжуддирки, бу ҳам Беҳбудийнинг рекламага эътибор берганлигидан далолатдир. Реклама ва эълон берувчилар нашрнинг қай даражада қизиқарли, ўқишли, фуқаро учун зарурлигини ҳисобга олганлар. Демак, газетанинг қизиқарли чиққанлигига яна бир далил топдик, дейишимиз мумкин.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ноширлик фаолиятини қисқача хулосалаб, шуни айтишимиз мумкинки, у имкон доирасида китоб, ҳатто хариталар нашр эттирди, шу билан мустамлака асоратида эзилаётган, тарихини унутаётган, маънан ҳолсизланаётган халқни уйғотишга ўз ҳиссасини қўшди, бошқаларга ибрат бўлди. Таъбир жоиз бўлса, у биринчи ўзбек ноширларидандир. Туркистон тарихида ноширлик хусусида сўз борганда, албатта, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг алоҳида ўрни борлиги инобатга олиниши керак бўлади.

АЛҚИССА

Тарих истиқболнинг тарозусидур, ҳар ким ўлчасун-да, билсун!

Бу сўзлар ҳам ушбу рисола қаҳрамонига тегишлидир. Дарҳақиқат, жуда ўйга толдирадиган, топиб айтилган фикр. Тарих бир бутун вужуд сифатида ўрганилса ва энг асосийси — зарур хулосалар чиқарилса, келажакда шу ўғитга амал қилган халқ фақат олга қараб юради, бошқаларга муте бўлмайди, кучли давлатлар ичида тенг бўлиб яшайди.

Демак, бундай давлат бўлиш учун илм-фанга асосий эътиборни қаратиш, бунинг учун эса жуда катта миқдордаги маблағларни ҳам аямаслик лозимлиги англашилади. Чунки, “дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, илм ва фандан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”, деганда Беҳбудий ҳақ эди.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов боболарнинг ана шундай ўғитларига амал қилмоқда. У илм-маърифатни ривожлантиришни давлатнинг устувор йўналиши деб эълон қилди. Илмли, маърифатли, иймонли, иродали авлодгина Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига кўтара олади.

Ушбу рисоламизда Беҳбудий гоёлари, орзу-умидлари ва армонлари ҳақида публицистик асарлари асосида фикр юритдик. Бироқ унинг шахси шу

қадар бойки, уни ўрганиш, келгуси авлодларга сўзлаб бериш учун у ҳаракат қилган барча — маориф, сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ, адабиёт ва ҳоказо йўналишлардаги фаолияти мисолида алоҳида-алоҳида тадқиқотлар олиб борилмоғи лозим бўлади. Ана шундагина Беҳбудий шахси бутун борлиги билан кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шунингдек, Беҳбудий шахсини ўрганиш тарихнинг у яшаган даврдаги саҳифаларини тулиқроқ уқишга хизмат қилади.

ИЛОВА

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли

МУФТИ МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ҲАЗРАТЛАРИ КИМ ЭДИ?

Бу саволга ҳақ жавоб бермак учун газета саҳифалари эмас, жилдларча китоб ёзмоқ керак бўладур. Шундоқ ҳам бўлса мундан кейин ёзиладургон муфассал таржимаи ҳолига бир замин ҳозирламоқ учун маросими таъзия муносабати ила қўлимизга кирган маълумотлардан бу хулосани ясаймиз:

Беҳбудий афанди 1291 ҳижрий зулҳижжа ойининг ўнинда охшом (1873 милодий ҳамал ойига мутлақ) Самарқандда Беҳбудхўжа хатиб талабиндан дунёга келиб, таҳсилани биткузгундан кейин Самарқанд муллаларининг олдинда бироз муқаддимот илми, иншо, таҳрир ва ҳисоб каби нарсаларни ўқуғон .

Маҳмудхўжанинг отаси Беҳбудхўжа оила эгаси ва фақир хатиб бўлдуғи сабабли Маҳмудхўжа ўз маишатини таъмин қилмоқға мажбур бўлар. Мунинг учун Самарқанд уезди Кобут волостининг қозихонасига котиблик сифати ила кирган. Бир неча фурсат котиблик вазифасига сабот билан давомат қилиб, қозихоналарға воқеъ бўладиган ишларға маҳорат пайдо қилган. Сўнгра мазкур вулустнинг таҳрири масоил(масалалар - **Ҳ.С**) ва фунун ишлари муҳдасига ҳавола қилинуб 1901 йилғача қадар бу хизматда давом этган.

1318нчи санаи ҳижрияда Ҳижозга сафар қилуб, Истанбул ва Арабистонни зиёрат ва ҳажи исломни адо қилгон. Ҳижоз сафари Маҳмудхўжага кўб билмайтургон нарсаларини ўргатган, кўб ибратлар олгон. Бориш-келишда ҳар синф кишилар билан кўришган ва фикр олишган. Маҳмудхўжа Ҳижоз сафаридан сўнгра гўё дунёга янги келгандек бўлуб, Туркистоннинг илмий ва ижтимоий ишлариға бошқа бир кўз, бошқа бир ўлчак билан қарагон. Лекин муҳитнинг қоронғу ва васойилининг (воситалар - **Ҳ.С.**) йўқолғонида нима иш қилишини билмасдан неча вақт иккиланиб юрган.

Бул аснода Хўқандда янги мактаблар очилиб, Самарқанддан мулла Абдулқодир Шакурий Хўжанд мактабларини кўриб келиб, Самарқандда ўз боғинда Ражабамин қишлоқинда 1321 ҳижрий робиалаввал ойинда усули жадиди савтия мактаби очган. Шу кундан эътиборан Беҳбудий афанди ҳам ишга киришган. Ҳар куни Шакурий мактабини зиёрат қилиб тургон. Маънавий ёрдамлар берган. 1324нчи ҳижрий — 1907 милодийда Россияга сафар қилуб, Петербург, Москва, Нижний ва Қозон каби шаҳарларни зиёрат қилуб, Ислом мутафаккирлари билан кўрушиб ва ислом оламининг, билхосса Туркистоннинг ҳамла ва асоратдан тахаллуси (халос этиш - **Ҳ.С.**) учун хаёлотлар (ўй, фикр — **Ҳ.С.**) бератургон фикрлар олишган.

1907нчи йилда Фарғонани саёҳат қилиб халққа фикр берган. Бухоро, Фарғона ва Туркистоннинг бошқа ёқларида саёҳат қилиб халқға фикр ва руҳ берган.

1914нчи йил жаҳон муҳорабаси арафасинда такрор Истанбул, Адрина, Сурия ва Мисрни саёҳат қилгон.

Беҳбудий афандининг осори қаламияси

Маҳмудхўжа Ҳижоз сафариндан сўнгра Туркистон халқининг илмий ва ижтимоий аҳволига доир хотирига келган бор фикрларини (бошқа газета йўқлиги учун) ("Туркистон вилоятининг газети")да ёзиб турғон. Ёзғон нарсаларини кўтариб мажлисдан мажлисга бориб ўқуб юрган.

Ёпун муҳорабасиндан сўнгра Россияда инқилоб бўлуб, мусулмонларча газеталар кўпайгандан кейин ҳар қайсинисиға мақолалар ёзиб турғон. Ўринбурдан чиқғон "Вақт" газетаси ва "Шўро" мажалласи воситаси билан баъзан ўз фикрини нашр қилғон. 1908нчи йил ўз идорасинда газета чиқармоқ фикриға тушуб, 1913нчи йил апрел ойинда бу мақсадиға етушуб, "Самарқанд" газетасининг бир неча рақамини чиқаришға мувофиқ бўлғон. "Самарқанд" газетаси 45 рақами чиқғондан кейин онинг ўрниға "Ойина" мажалласини чиқариш маслаҳат кўрулиб, тўхтатилғон.

"Ойина" мажалласининг бир неча рақами 1331нчи йил шаввол ойинда (1913нчи, август) чиқиб, 1333 йил шаъбон 15 гача давом қилғон (1915нчи, 15 июн) бу муддатда 68 рақамда 1720 саҳифалик "Ойина" чиқғон.

Рисола ва китоб шаклинда нашр қилғон асари ўн адад бўлуб булардан бири тиётр, бошқалари жуғрофия, тарих ва илми ҳол каби мактаб китобларидур. Булардан биринчиси "Асбоби савод" исминда алифбо китоби бўлуб, 1324(1906)да табъ этғон. Кейингиси "Янги ҳисоб" исминда 1918нчи йил охирларида бо-силган.

Маҳмудхўжа осоринда замонинда Туркистонда нашр бўлғон газетлардан узун умрлироқ бўлуб, халқ

орасинда кўпроқ фикр тарқатган "Ойина" мажал-
ласидур.

Туркистонда бир неча аввалроқ тиётр китоби
ёзгон Маҳмудхўжадир.

Маҳмудхўжа Туркистон маишатиндан олиб
1329нчи ҳижрийда "Падаркуш"ни ёзди, 1331да таъ-
қилди. Маҳмудхўжанинг бу осори Туркистоннинг
ҳар шаҳринда такрор-такрор саҳнага қўйулиб, ҳар
дафъасинда рағбат билан томошга қилинди. Шундан
кейин туркистонлилар тиётр олами билан топиш-
дилар. Ҳозир Туркистонда бир неча тиётр кито-
блари ёзилдиғи ҳолда "Падаркуш" ўз мавқеини
қўлдан берган эмас.

Маҳмудхўжанинг таъқилинмаган осори эъло-
нига кўра 9 ададдур. Лекин Бехбудхўжа ҳазратла-
рининг маҳдуми муҳтарами Масъудхўжа билан ав-
роқи (варақлар - **Ҳ.С.**) паришонларини тафтиш эт-
дикимиз "Фароиз" ва "Ҳайъат"дан бошқасини то-
полмадук. Ҳолбуки, эълонда тиётр ва ҳикоят кито-
бларининг номи ҳам учраладур.

**Самарқанд кутубхона ва мутолаахонаи исломи-
яси:**

Маҳмудхўжа ҳазратларининг хидматлариндан
бириси "Самарқанд" кутубхонасидир.

Маълумдирки, Николай даврида кутубхона очмоқ
газета нашр қилмоқдан ҳам қийинроқ эди. Шу-
нинг учун Николай тахтдан тушгангача Тошканд
ва Хўқанд каби шаҳарларда мутолаахона миср
бўлмади. Лекин Маҳмудхўжанинг саботкорона вай-
рати билан 1908 йил май ойинда мутолаахона жа-
миятининг низомномаси тасдиқ қилинуб, сентябр
ойинда расман очилди. Кутубхонада ҳар бир турли
китоблардан бошқа Россия, Истанбул ва Миср мат-
буоти келтурулди. Китобхона 1919-нчи йилгача халқ

ионаси билан давом қилиб, мазкур санадан маориф шўъбасининг қўлига ўтди.

Муфти Маҳмудхўжанинг 1917 йил инқилобига-ча қилгон хизматлариға умумий бир назар:

Маълумдирки, 1901нчи йилда, умуман Туркистон, билхосса, Самарқанд бутун дунёдан хабарсиз, қоронғу бир зиндон каби эди. Халқ нодон, уламо мутаассиб, ҳукумат ниҳоят даражада гадбир(алдамчи, бераҳм - **Ҳ.С.**) ва золим, маишати бузуқ, ахлоқи фасод... эди. Шунуфтга(суҳбатда - **Ҳ.С.**) халқ ичида фикр киргузмак ва алами исломия учун мутаадид(-бир қанча - **Ҳ.С.**) илум ва фунунга мутахассис дохийлар керак эди. Муҳаррирлар, муаллимлар, диний уламо, илми иқтисодий ва ижтимоий мутахассис одамлар, сиёсий эрлар лозим эди. Маалтаассуф буларнинг ҳеч бири Самарқандда йўқ эди.

Яна муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий мунтазам бир таҳсил кўрмагани ҳолда элға хизмат машқининг ўтиға чидайолмасдан, ўзининг сабот ва ғайратига таяниб, бутун хидматни ўз бўйниға йуклади. Маҳмудхўжа юртнинг эҳтиёжига қараб муҳаррирда бўлди, муаллимда бўлди, газетачилик қилди, мактаб китоблари ёзди, тиётрчилик қилди, сиёсий ишларға ишлади, халқға сиёсий фикр берди, халқнинг иқтисодий- ижтимоий аҳволини ислоҳ қилмоқ, учун иқтисодий ва ижтимоий олим бўлиб халқға фикр тарқатди. Фикҳ, ислом, ҳадис ва тафсир билан шуғулланиб сўйлайтургон ва ёзадургон нарсаларни шаръий далиллар билан исбот қилди.

Табиий, "Маҳмудхўжани юқорида мазкур бўлгон илмларнинг ҳар якини мутахассиси эди", деб халқға тақдим қилмаймиз, лекин "илмий ва ижтимоий инқилоб ҳар нима, неки тиласа, Маҳмудхўжа ҳормасдан, чарчамасдан они уддалади ва ишлай олди", деб

тақдим қиламиз. Ҳайлаб қарағанда бу оддий одамларнинг қўлидан келадурғон иш эмас. Масалан, бирикки ўз санъатиға мутахассиси бўлдиғи ҳолда муаллимликдан бошқа ишни қила олмайдур. Аммо Маҳмудхўжа юқоридаги ишларни устозимиз ва шойитимиз ўзиндан-ўзи ўрганди ва халқға ҳам ўргатди. Бир дуо ва саломни тузук ёзолмайдурғон, мунинг уддасинға фавқулодда мутаассиб ва мағрур бир халқ ичидан чиқиб, таърих, жуғрофия каби фанний ҳикмат китоблари ёзиб, ўқувчи йўқлиғиға қарамасдан ўз харжи билан босдирди. Мунинг устиға ҳар кун бўлаётган такфирларға (кофир деб ҳукм этиш - **Ҳ.С.**) қарамади, таҳдидларға қарамади, буюк мақсад ила оъмолиға қараб югургандан югурди.

"Ҳақни талашиб олурлар" жамъи ҳукмияси, доим Маҳмудхўжанинг дарди забони эди. "Ҳақ" учун талашоладурғон одамлар етуштирмак учун рус мактаблариға болаларнинг ўқитмоғини лозим билар эди. Бу тўғрида ўзи халқға ҳусни мисол бўлди: ўғли Масъудхўжани мусулмонча мактабни биткузганидан кейин, кўп оқчалар сарф қилиб, ҳозирлатиб, гимназияга киргузди. Лекин Николай ҳукумати замониндаки мактаблар ғайрирусларни тазйиқ қилар эдилар. Шунинг учун икки синф гимназия ўқиғонидан кейин интриқалари билан синфдан қолиб, Масъудхўжа шаҳар мактабига кириб, биткузиб чиқди.

Маҳмудхўжа халқни русча ўқишга ташвиқ қилмоқ учун баъзан таътил замонинда ўғлини мактаб фурмаси остинда бирга олиб, Туркистоннинг ҳар тарафиға саёҳат қилар эди.

Инқилоб давринда муфти Маҳмудхўжа жаҳон муҳорабасининг сўнгги йилларинда асабий хасталиғи шиддатланиб, ишлай олмайдиган бир ҳолга келиб эди. Феврал инқилоби билан яна янги рух, янги қувват олиб ишға киришди.

Бухоро амирининг машхур манифести муносаба-ти билан Самарқанддан вакил бўлуб, табрик учун Бухорога борди.

Уламо ва эски фикрлилар хурриятга ўзларича маъно бериб, ўзларича ҳаракат қила бошладилар, ёшлар ҳам ўзларича юра бердилар. Маҳмудхўжа бу кетишни хуррият ва инқилоб учун зарарли топди. Шунинг учун халқнинг аксариятини ташкил қилғали уламо ва эски фикрлиларни ёшлар билан яқинлашдурмакчи бўлиб, "Уламо" орасиға кириб ишлади. "Шўрои ислом" исми билан юрган у вақтдаги "Уламо" жамияти Маҳмудхўжанинг олий фикрларининг ҳеч бирига амал қилмади. Ёшлар Маҳмудхўжанинг насиҳатларини тинглаб қанча яқинлашсалар, уламо шунча узоқ кетдилар. Тобора ёшлар билан «Шўрои ислом» ораси бузулди. Алоқибат Маҳмудхўжа маъюс бўлиб, яна асабий хасталиги уд этди(қайталади - **Ҳ.С.**). Бу вақтларда Ўктабр инқилоби бошланиб, дунёнинг ости устун бўлди. Бу инқилоб асносида Маҳмудхўжа захматкаш "Иттифоқ" жамиятиға руҳ ва фикр бериб турди. Қурултойлар, кунфиринсларда раҳбарлик қилди. 1918нчи йил монопулия масъаласи чиқғонда бул зот Тошкандға бориб ҳукумат арбоби билан кўрушди. Бу ишнинг Туркистонда кўб нотинчсизликларға сабаб бўлмоқ эҳтимолини англатди. Монопулия ўрниға Ҳиндистондан ҳукумат ҳисобиға қидти баҳо билан тўрт путдан ғалла олмоқ лойиҳасини тақдим қилиб, қабул қилдирди. Агар муфти Маҳмудхўжанинг шахсий ташаббуси бўлмаса эди, 1919нчи йилда оз тиғи билан воқе бўлар эди. Маҳмудхўжа бу фасодни олдиндан кўрди, чора ҳам қилди.

1918 йил "Иттифоқ" жамияти Маҳмудхўжани мусулмон маорифи шўъбасиға мудир тайин қилди.

Лекин у вақтдаги тор миллатчи руслар бу ишга истехзо билан жавоб бердилар, Маҳмудхўжани ёлғуз комиссия аъзоси деб қабул қилдилар. Лекин маориф коллегиясида мусулмон маорифи учун воқе бўладургон ҳар бир масъалани Маҳмудхўжага англлатмасдан ўзларича ҳал қила бердилар. Ночор Маҳмудхўжа истеъфо қилди. Лекин ғайрирасмий суратда ҳамиша маориф йўлига хизмат қилуб турди. Мусулмонлар учун очилган курс ва мактабларга ҳамиша мусулмон ёки бир муршид каби бориб руҳ бериб юрди.

"Иттифоқ" жамияти бир дафъа уёз ижроия кўмитаси ҳайъатиға киргузди. Лекин тор миллатчилар фирқасиз деб эътироз қилуб чиқардилар.

Осипов воқеасиндан сўнгра Самарқандға кўб талон-тарожлар бошланди, ноҳақ хибслар кўпайди. Катта тазминотларға халқ таҳаййул қила олмасдан ер ва юртларини ташлаб қочдилар. Маориф иши ниҳоятда тазйиқға тушди. Халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. "Бу ишларға бирон чора тополурманми", деб Маҳмудхўжа 1919нчи йил феврал ойинда Тошқандға борди. Лекин бу сафариндан ҳеч бир натижа кўлға киргузолмади. Шундан сўнгра ҳеч бир кишиға онгллатмасдан маслақдош ва фикрдошлари мулла Мардонқул Шоҳмуҳаммад ўғли, Муҳаммадқул Ўринбой ўғли билан 25-нчи март ойинда 1919 йил асрорангиз бир суратда Самарқанддан ғойиб бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин буларнинг Қарши йўли билан сафарга чиқонлари, Қарши шаҳридан Бухоро ҳукумати тарафиндан ушланиб хибсга олингонлари, ҳатто шаҳид бўлгонликлари шойиъ бўлди. Шундан сўнгра мухталиф(хилма-хил)- **Ҳ.С.**хабарлар кўп эшитилди. Лекин расмий суратда на ҳаётлари, на мамотлари со-

бит бўлмади. Шунинг ила баробар Самарқанд аҳолиси буларнинг шаҳид ўлфонликларига занни (тахмин - **Ҳ.С.**) ғойиб билан инониб маросими таъзия ва қадрдонишини ёд этмоқчи бўлди.

Маҳмудхўжанинг авлод ва аҳфодлари:

Маҳмудхўжадан уч ўғил, бир қиз, жаъми тўрт халқ қолди. Ўғлининг каттаси Масъудхўжа 22 яшар. Оила эгаси бўлиб, мусурмонча ибтидоий мактабни, русча икки синф гимназия билан тўрт синф шаҳар мактабини биткузгандир.

Иккинчи ўғли Мақсудхўжа 12 яшар, учинчиси Матлубхўжа 8 яшар бўлиб, мусулмонча ибтидоий мактабни давом қилмоқдалар. Муниг устига Самарқандга бутун ёш фикрлилар Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг маънавий ўғилларидур. Беҳбудий афандининг авлоди ва аҳфоди (авлод ва набиралари - **Ҳ.С.**) ва маънавий ўғилларининг бутун мусибатларига чин кўнгил билан қўшилиб, шаҳиди муҳтарамни хайр билан ёд қиламиз. Ўрнингиз жаннатда бўлсин, муҳтарам устоз!

Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сафари ҳақида ўзимнинг фикрим

Муфти Маҳмудхўжа ва рафиқлари сафарининг сирини ва асбоби ҳеч кимга маълум бўлмай қолди. Булар бу сафардан мақсадлари нима эканлигини ҳеч бир кишига англазмафонлар. Бу тўғрида халқ оғзига тахминий кўп сўзлар тушди: "Булар ҳажга борар эмишлар", ё булар Ҳиндистонга бориб, инқилоб қилмоқчи эмишлар ёки булар болшевиклар тазйиқидан қочмишлар каби сўзларда бу сабаблар аҳволидин хабардор одамлар олдида сабаб бўла олмай-дур. Буларнинг шахсларига бул зот (?) фалокат воқеъ бўлгон эдики, Самарқанддан қочсунлар.

Ўзимнинг хусусий фикримча, бундай бўлса керак: Болшевик исминдан Самарқандда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида кўб тартибсизликлар бўлди. Баъзи-бир ишларни муфти Маҳмудхўжа Бехбудий маҳаллий ҳукуматга ё Тошкандга бориб, маъруза бериб, ислоҳ қилдируб турди. Осипуф воқеасидан сўнгра ҳеч ким ҳеч бир нарсани тингламайдургон бўлди. Шўролар ҳукуматининг ҳақиқий пругроми ва Москванинг хато ҳаракати Маҳмудхўжа ва Мардонқулларга маълум эди. Эҳтимол, булар Москвага бориб, Туркистоннинг фожеали ҳолларини марказ ҳукуматга маъруза қилиб, ислоҳотни ражо қилмоқчи бўлсалар. Ўрунбурғ йўли боғлиқ бўлғони сабабли Қарши чўли устиндан Кофқозга ўтиб, Москвага бормоқчи бўлсалар, зотларни танийдурғонга маълумдурки, булар ҳақ ва йурт манфаати учун ҳар бир таҳликани кўзга оладургон эрлар эдилар. Ҳар ҳолда бизнинг бу фикримиз бир занн ва тахминдур.

**“Меҳнаткашлар товуши” газетаси,
1920 йил, 8 апрель.**

ҚАДРНОШУНОСЛИК

Ушбу йил март ойининг охирларинда Самарқанд ёшларидан муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий, Мардонқул Шомухаммадзода, Муҳаммадқул Ўринбой ўғли ила Турк қардошларимиздан муаллим Наъим афанди (халқнинг сўзиға кўра) Маскавга ёки бошқа бир ерга бормоқ қасдила йўлга чиқғон эдилар. Булар от ила Бухоро тупроғидан ўтаётганларида Қарши шаҳрида Бек тарафиндан қўлга олиниб, зиндонга қаматғонлар. Мана ҳозиргача булар ҳақинда асослик бир маълумот олғонимиз йўқдур. Шунинг учун бу тўғринда ҳеч нарса ёзмай турдуқ. Халқ орасинда алар ҳақинда бир неча турлик ривоятлар суйланмақда-

дур. Баъзи кишилар сўзларига кўра, Маҳмудхўжа ва рафиқлари Амирнинг амри ила Қарши зиндониде бўғдирилиб ўлдурилганлар. Иккинчи ривоятга кўра, Бек тарафидан аларга зоҳиран йўл бериб, сўнгра орқасидан бир неча яроқди одам юборилиб чўлда ваҳшиёна бир суратда ўлдирилиб ташлангонлар. Учинчи ривоятга қарағанда алар ҳануз Қарши зиндониде барҳаёт эмишлар.

Мана мазкур уч турли ривоятнинг қайси бири асосли эканлиги тўғрисида маълумот олурға мувофиқ бўлолмай турибмиз. Ҳар ҳолда аларнинг ўлдурилган ва ўлдурилмаганликлари аниқ ва равшан эмас. Бу тўғрида хабар олмоқ учун ҳаракат қилатургон бир киши ҳам йўқ. Яқинда Ақобир афандини ҳибс этилганини билиб ғалаёнға келган ва они ҳибсдан чиқармоқ учун биргалашуб бўқурган Самарқанд ёшлари ўз миллатиға 25 йил хидмат этган муҳтарам Маҳмудхўжа ила онинг рафиқларини золим Бухоро ҳукуматининг қўлидан қутқариб олмоқ ёки аларнинг бор-йўқларидан хабардор бўлмоқ учун ҳаракат этмадилар ва этмайлар. Мана шундай "тараққийпарвар" ёшларни "Қадрношунос" демай нима дейлук?!

Ҳожи МУЪИН

"Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1919 йил 23 апрел

САМАРҚАНДЛИК ТЕМУРХОН

АФАНДИ КЕЛДИ

Дунё муҳорабаси арафасинда (1914 чи йил) Самарқанддан Истанбулга таҳсили илм учун борган Темурхон афанди келди. Бу зот бултур шу вақтларда Истанбулдан чиқиб, мундан икки ой бурунғача Бокуда ва Қофқознинг бошқа шаҳарларинда турган экан. Тафсилли кўриша олмаганимиз сабабли ёлғуз Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида берган маълумотини тубанда берамиз.

МУФТИ МАҲМУДХҲЖА БЕҲБУДИЙ ҲАҚИДА

Темирхон афандининг маълумотига кўра Беҳбудий афанди Самарқанддан чиқиб Бухоро музофотидан ҳибс қилинғони ҳамон бу хабар Бокуда шойиъ бўлғон. Бокуда турғувчи туркистонли Саид Носир исми бир зот бир восита топиб Бухородан Беҳбудий ҳақида маълумот сўраб таҳлиси учун кўшиш қилғон. Лекин бу ҳақда Бухородан ҳеч хабар ола олмағон.

Бу мавсуқ хабардан маълум бўладурки: мундин бурунроқ Москвадан келиб "Иштирокиюн" вазитаси идорасинда "Беҳбудий афанди Қафқозда экан" деб И. М. Афандининг сўзи ҳам, хорижия комиссариати воситасила, мусулмон ўлка бюросининг Беҳбудий ҳақинда сўраган саволиға Бухоро ҳукуматининг "Маҳмудхўжа Беҳбудийни ҳибсдан чиқориб узотиб эдик" деб берган жавоби шубҳали хабарлар қисмидандур.

*"Меҳнаткашлар товуши" газетаси,
1919 йил 20 ноябр*

ЖАВДАТ РАҲМОН :
АЙТГАНЛАРИМ БЕҲБУДИЙ ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТНИ
ТИКЛАШГА ЁРДАМ БЕРСА БАС

Суҳбатдошим Жавдат Раҳмон. Самарқанд шаҳридаги Боғи майдонда туради. 1918 йилда Иштирокиюн талабалар жамиятининг илк аъзоларидан ва раҳбарларидан биридир. 1918 йилда Маориф касаба союзини бошқарганлардан. 1921 йил Самарқанд партия уторкоми котиби. Ҳозирда пенсионер.

У билан мен Аҳрор Мухторов иштирокида 1970 йил 14 октябрь куни Самарқанд аэропорти чойхонасида узоқ суҳбат қилдим. Суҳбатда менинг Беҳ-

будий ҳақидаги сўроқларимга қуйидагича жавоблар берди.

С. Беҳбудийнинг Совет ҳокимиятига муносабати қандай эди?

Ж. Беҳбудий тараққийпарвар жамоат арбоби сифатида халқ орасида обрў қозонди. Февралдан сўнг ташкил топган "Иттифоқ"га қўшилади, "иттифоқ"-чилар сафида октябргача келди. Аммо кейин билдики Самарқанд жамоат арбоблари орасида бошқа гуруҳ вакиллари ҳам бор экан.

С. Қачон билинди?

Ж. Инқилобдан сўнг аниқроқ кўринди. Балки илгари ҳам бўлгандир. Биз билмагандирмиз. Ёш эдик. Аммо инқилобдан кейингисини аниқ биламан. Ақо-бир билан Мардонқули солишгани солишган эди. Аммо Беҳбудий уларни келиштиришга тиришар эди.

С. Ўзи кўпроқ кимнинг тарафини оларди?

Ж. Бунисини дуруст билмайман.

С. Мунозаралар асосан нима ҳақида бўлар эди?

Ж. Кўпинча давлатни идора қилиш масаласида.

С. Беҳбудий бу масалада қандай фикрда эди?

Ж. Унинг кўп мунозараларини эшитганман, суҳбатлашганман. У кўпинча ўқиш-ўқитиш ҳақида гапирар эди. Маорифпарвар эди.

С. Давлатни идора қилиш масаласидаги фикрини айтмоқчи эдингиз.

Ж. Ҳа, шуни айтмоқчиман. У ўқимишли кишилар бўлмаса озодлик (ҳуррият) қўлдан кетади. Руслар билан бирга ишлаб, улардан ўрганайлик, деярдди.

С. Русларга муносабати қандай эди?

Ж. Яхши кўрарди. Руслар билан бирга ишлаган. Русчани ўрганинлар, деяр эди. Маданиятли бўлиш керак, бусиз тараққиёт бўлмайди, деярдди.

С. Ўқимишли одамлар кўпайса, Россиядан ажра-ламиз деярмиди?

Ж. Буни эшитмаганман. Чамамда бундай демаса керак. Думада ҳам рус амалдорларига қарши чиққан бўлмаса керак. Подшоҳ турган вақтда унга қарши курашмади-ку. Февралдан кейин ҳуррият бўлди, деб суюнган албатта. Бироқ русчани ўқиб, кейин Россиядан ажралайлик деганини эшитмаганман. Билмаганимни сизга қандай қилиб айтай.

С. Хўш Октябрь инқилобини қандай кутиб олди? Бу сизга маълумми?

Ж. Буни бироз биламан. Февралдан кейин "Иттифоқ" тузилди. Яна гуруҳ-гуруҳ бўлиб гурунглар бўла бошлади. Биз ёш талабамиз. Аммо бориб турар эдик. Шуларда вақтли ҳукуматни қоралаган гаплар кўп бўларди. Шов-шув кўпайгандан кўпайиб бормоқда эди. Учредительное собрание бўлади, халқ хоҳлаганини сайлайди деб ёзиб қолишди, шундан кейин бироз тинчиб турган эди. Петроградда янги ҳукумат бўпти, деб гап тарқади. Учредительное бўлмай туриб бу нима бўлди деб ҳайрон бўлдик. Биров дуруст дейди. Керинскийдан қутилсак дуруст дейди. Бошқаси халқ ўзи сайлар эди-да, нега ҳукуматни шу пайт ўзгартишди, дейди. Кейин ўқиб қараб билдим. (У вақтда ўқимаган эканман, бир дўстим ёзилган деганидан кейин ўқидим, у билар экан).

С. Нимани?

Ж. Газеталар инқилобга қарши чиққан экан. Ленинни ҳам қоралаган экан.

С. Қайси газеталар ва кимлар? Эсламайсизми?

Ж. "Ҳуррият" деган газета чиқарди. Ўшанда кўп ёзишган. Кейин русча бир газета бўлган: "Свободный Самарканд". Унда ҳам гап кўп. Хуллас, Учредительный маъқул эди, большевик зўровонлик қилди деб ёзарди.

С. Кимларнинг мақолалари ёдингизда қолган?

Ж. Кўп йил бўлди. Унутдим. Чамамда Питрат (Фитрат демоқчи) кўпроқ ёзардиёв.

С. Беҳбудийчи?

Ж. Унинг ёзгани эсимда йўқ. Бироқ сўзлаган эди. Бир кун "Иттифоқ"да мажлис бўлди. Беҳбудий маж-лисга раис эди. Тошкентда Шўро учредительнаси кўнмай зўрлик билан ҳокимиятни олибди, деб қора-лаб қолишди.

С. Қўқон мухториятини-чи?

Ж. Уни мақташганку.

С. Сабаб?

Ж. Билмадимов. Бироқ ҳар қалай мақташган эди. Кейин айниб ҳам қолишди. Хуллас билиб бўлмайди.

С. Беҳбудий нима қилганини биласизми? Эслай-сизми?

Ж. Беҳбудий нима қилганини билмаган одам бўла-дими? Халқнинг кўпи саводсиз, омий. Кўпинча нима қилишни билмай туради. Шунда Беҳбудий бундай қил ёки бундай қил деса бас, ҳамма худди шундай қилади.

С. Нега?

Ж. Халқдан жонини аямас эди-да. Театрдан туш-ган пулларини ҳам театр тузиш, мактаб очиш, ку-тубхона қилиш учун берар эди.

С. Беҳбудий нима деганини айтмоқчи эдингиз?

Ж. Ҳа. Беҳбудий ҳам шу Учредительна бўлса ду-руст эди, халқ ўзига маъқулини сайлаб олади деб турса, яна зўрлик бўлибди. Халққа қўйиб бериш керак эди, дейди-да.

С. Ахир у Шўрони ёқлар эди деддингиз. Тошкент-да ҳам Шўро олдику. Нега энди ёқламади?

Ж. Нима ўйлаганини қайдан билай, болам. Бироқ Шўро ҳақида ҳам ҳар хил гапларни гапиришар, ёзи-шар эди. Бу ҳам шуни ўқиганми? Ҳар қалай шун-дай деб гапирганини эшитганман.

С. Мухторият хабари қандай бўлди?

Ж. Аввал мусулмон қурултойи бўлади, деб телеграф келган экан. Самарқанддан Беҳбудийни, Шамси Иброҳимов, яна бир Соломон деган адвокат бор эди.

С. Герцфельдами?

Ж. Шундай бўлса керак. Шуларни сайлаб юборишди.

С. Мусулмонлар қурултойига русни ҳам сайлашдими?

Ж. Шундай қилишган экан. Беҳбудий билан шу Соломонни мухторият ҳукуматига ҳам сайлашган экан. Газеталар ёзган. Ўқиганман. Бошқа ўрислар ҳам бор. Қизиқ бўлган экан. У вақтда ўйлаб қарамаган эканмиз, болам.

С. Беҳбудий Қўқонда ишлаб қолдими?

Ж. Йўқ тез қайтиб келди.

С. Кейин нима қилди?

Ж. Мухторият бўлди, деб хурсанд бўлиб юришди. Кейин мухторият ёмон экан, деган гап чиқди. Нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Беҳбудий ҳам бир дуруст фикр айтолмай қолди.

С. Ундан сўрашганмиди?

Ж. Кўп сўрашган. У бўлса, учредительна бўлгани дуруст эди. Мана шўро чиқди, мухторият бўлди. Ҳали ҳам учредилетъна бўлиб, халқдан сўраш маъқул эди. Яна нима бўлишини билмай қолдим, деярдим.

С. Сиз шуни эшитганмисиз?

Ж. Ҳар қалай бир йиғинда бўлгандим.

С. Қаерда, қачон?

Ж. 1918 йил бошида бўлса керак. "Иттифоқ"дами, бошқа ердами (эслай олмайман), ҳар қалай Беҳбудий айтган эди. Кўп ўтмай мухторият ҳам йиқилди.

С. Беҳбудий нима қилди, хафа бўлдимиз? Ҳеч нарса сўзлагани эсингиздами?

Ж. Йўқ эслай олмайман. Чамамда, у "Иттифоқ"да юра берди. Кейин "Иттифоқ"нинг ўрнига "Шўро" бўлди. Шунда Беҳбудий ҳам бор эди. У маориф комиссари қилиб қўйилди. Олдин касал экан. Кейин ишга киришиб кетди. Бунга яхши биламан. Мен иштирокиюм талабалар жамиятига аъзо эдим. Бошлиқ ҳам бўлганман. Маориф масалаларидаги бирор мажлис бизсиз ўтмас эди. Бу мажлисларда Иштирокиюм талабалар жамиятидан ҳам, "Анжумани маориф"дан ҳам яна бошқа гуруҳлардан ҳам одам бўларди. Мударрислар, талабалар ҳам қатнашар эди. Баъзи бундай мажлислар бирор бойнинг уйида бўларди. Ҳатто Тошкентдан вакиллар келган вақтлар ҳам бўларди. Бундай мажлисларни Беҳбудий олиб борарди. У мажлисни қисқача маъруза билан очади. Ҳар масала бўйича изоҳ беради. Бошқаларнинг сўзини тўлдирар ё тузатарди, кейин хулоса қиларди. Хуллас, Беҳбудий жуда кўп гапирарди.

С. Қандай мажлисларни эслайсиз?

Ж. Мактаблар очиш, ўқитувчилар тайёрлаш, яна қандай гаплар бўлгани эсимда йўқ.

С. Дорилфунун очиш ҳақида ҳам мажлис бўлган-а?

Ж. Ҳа, билар экансиз, бўлган. Тошкентдан битта катта олимми, амалдорми келган экан.

С. Мухтор Бакр эмасми?

Ж. Отини билмайман, ўзини кўрганман. Юқорида Беҳбудийнинг ёнида ўлтирган эди.

С. Ҳайит пайти эдимиз?

Ж. Ҳа, баракалло, билар экансиз-ку, нега сўрайсиз? Сизга бунга ким айтди? Оллоқулми? Ҳожимуротми?

С. Уларни ҳали кўрганим йўқ. Кўришиш ниятим йўқ эмас. Мен буни газетадан ўқиган эдим.

Ж. Ёзилган экан-да.

С. Ёзилган. Аммо сиз кўргансиз. Шунинг учун Сизнинг хотирангиз ўша мақоланинг қанчалик тўғрилигини аниқлашга ёрдам беради. Мен баъзи нарсалар эсимдан чиқмасин деб ёзиб оляпман. Кейин дурустлаб кўчириб оламан, ўзингизга ҳам кўрсатаман.

Ж. Дуруст. Нимани ҳам айтай, ўқиган бўлсангиз, ўша-да.

С. Йўқ айта беринг, кўрганингизни айтишингизни илтимос қиламан.

Ж. Кўрганим шуки, бир бойнинг уйидами, бошқа ердами (эслай олмайман) ёшларнинг катта йиғини бўлди. Шунга Тошкентдан келган ҳали айтган меҳмон билан Бехбудий келиб қолди. Биз ҳурмат билан юқорига ўтказдик. Суҳбат охирида ҳалиги меҳмон Самарқандда ҳам халқ дорилфунунининг шўъбасини очиш зарурлиги ҳақидаги фикрни ўртага ташлади. Биз хурсанд бўлиб кетдик. Эртасига турли ташкилотлардан вакиллар йиғиб маслаҳат қилишадиган бўлди. Эртасига кўп киши келди. Мен яна шу ерда эдим. Ўша Тошкентлик узоқ сўзлаб дорилфунни тушинтирди. Биз унинг шўъбаси очилсин, деб илтимос қилдик. Кейин шўъба очиладиган бўлди. Ҳожи Муъинни раис қилиб сайладик. Ўша Тошкентликни, Сиз биласиз-ку, оти ким эди?

С. Мухтор Бакр.

Ж. Шу Мухтор Бакр билан Бехбудийни фахрий раис қилдик. Сайидахмадхожа (Сиддиқий) хазиначи бўлди. Шўъба ҳам унинг идорасида. Адлия комиссарлигида иш бошлайдиган бўлди.

С. Яна бошқа қандай йиғинларни эслайсиз?

Ж. Йиғин кўп бўлган. Лекин кўп замон бўлди. Баъзиларигина эсда қолибди. Мен иштирокиюн талабалар жамиятида эдим. Маорифчилар союзида ҳам ишладим. Кейин угоркомга секретарь бўлдим. Баъзан икки-уч вазифани бажарар эдик. Нима мажлис бўлса борар эдик. Меҳмон билети билан киритилмас эди. Мажлисга келган одам аралаш қуралаш ўтираберар, зерикканлар кетиб ҳам қолар эди. Қизиқ замонлар экан. Аммо, қаричилик-да, болам, кўпи эсдан чиққан.

С. Ҳали ҳам анча нарсани эслар экансиз. Раҳмат. Яна бир нарсани сўрай. Беҳбудийнинг сафарга чиқиш сабабини билмайсизми?

Ж. Улар 1919 йил бошида кетган. Бу пайт мен бетоб эдим. Ўзим сафар олдида у кишини кўрмаганман. Одамлар ҳар хил гапиришади.

С. Масалан?

Ж. Ҳожи Муъин Беҳбудий ҳажга бормоқчи экан, деб ёзган, бироқ Беҳбудий ҳажга илгарироқ борган эди. Яна қайта бориши учун тинчроқ замон қуриб қолибдими? Уни Эрон ё Афғонистонга консул қиламиз, дейишганида хасталигини ўртага солган экан. Комиссар қилиб сайланганида ҳам касал эди, кейинроқ ишга чиқди. Кўпинча касал ҳам бўлиб турар эди. Шунинг учун ҳажга боришга кучи етмаса керак дейман.

Яна Бухоро тупроғи орқали ўтиш унга хавфли эди. Бошқа сабаб бўлгандир дейман. Бошқа бировлар у Бокуга бормоқчи эди, дейди. Озарбойжон жаидларидан биродарлари бор эди, деб эшитар эдик. Уларнинг олдига бориши мумкин эди. Бироқ Бухоро тупроғи орқали ўтишнинг ўзи бўладими? Беҳбудий амир ва унинг кишилари Айнийнинг бошига қандай қаро кунларни солганини яхши билар эди. Шу сабабли

Бухоро тупровидан ўтиб ўз ҳаётини таҳликага солишга бошқа сабаб бўлган, деб ўйлайман. Аммо аниқ билмайман. Баъзилар у Ленинни кўрмоқчи эди, дейдилар. Бунга ҳам ишониш қийин. На партия, на совет ташкилотларида унга нисбатан душманлик кайфияти йўқ эди. Шу сабабли Ленинга мурожаат қилиш учун хатарли йўлга отланиши мумкин эмас. Оренбург томон маҳкам эди, Ашхободга ҳам ўтиб бўлмас эди. Унинг устига большевикларнинг раҳбари бўлган Лениннинг олдига сўл эсэр Мардонқул билан бирга бормаса керак. Бу ҳақда Ҳожимуротдан сўранг у мендан кўпроқ нарса билади.

С. Мен Ҳожимурот ака билан кўришиш ниятиданман. Яна бирор савол туғилса, сизга ҳам мурожаат қилишга рухсат берасиз.

Ж. Билган нарсаларимни ҳаммасини айтдим. Яна бирор нарса қолган бўлса, айтиб берарман.

С. Вақтингизни олганим учун кечиринг. Мен Сиздан жуда кўп қимматли маълумотлар олдим. Сизга ажойиб суҳбатингиз учун, қимматли вақтингизни аямаганингиз учун ташаккур айтаман.

Ж. Ташаккурга арзимаёди, аммо айтганларим Беҳбудий ҳақидаги ҳақиқатни тиклашга ёрдам берса бас. Биздан қоладигани мана шу.

Солиҳ ҚОСИМОВ,
(Қўлёзманинг асл нусхаси С. Қосимовнинг қизи
Наргиза Қосимовада сақланмоқда.)

ОТАМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРИМ

Ёхуд Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ҳақида айрим далиллар

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1873 йилда Самарқанд шаҳридаги Ёмини маҳалласида қори оиласида дунёга келди.

Унинг отаси қори бўлиб, асосан ўз маҳалласидаги масжидга имомлик қиларди.

Шу билан бирга тўн савдоси билан ҳам шуғулланарди. Маҳмудхўжа 25 ёшда эканлик чоғида у оламдан ўтади.

Маҳмудхўжа ўқишнинг бошланғич давридан (Ҳафтияк ва Чоркитоб) ўтгач, қорилар мактабига ўқишга киради. Хотираси яхши бўлганлиги боис Қуръонни икки йил ичида ёд олади ва қорилик дипломига эга бўлади.

Шундан кейин Маҳмудхўжа доимий равишда бўлмаса-да, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларига қатнаб туради. У бутун умри давомида китобдан узоқлашгани йўқ.

Қорилар мактабини тугатгач, у қишлоқ жойларидаги қози ва муфтиларга мирзалик вазифасида ишлади. Чамаси бу даврда "Фикҳ" китоблари устида тинимсиз ишлагани боис у тез фурсатда "Муфти" унвонига эришади.

Маҳмудхўжа умрининг охиригача Жомбойда муфтилик қилди. Одатда шанба кунлари ҳафтада бир марта Жомбойга бориб қозилар билан биргаликда баҳсли масалаларни ечардилар.

У 24 ёшида уйланган. Унинг тўрт фарзанди — уч ўғил, бир қизи бор эди.

Катта ўғил — Масъуд 1897 йилда, қизи — Парвин 1903 йилда, ўғли — Мақсуд 1909 йилда, кенжа ўғли — Матлуб эса 1913 йилда туғилган.

Катта ўғил — Масъуд Беҳбудий янги жаҳид мактабини — Шакурий мактабини тугатгач, гимназияга ўқишга киради. Гимназиядан сўнг у бадий таржимон бўлиб ишлайди, адабиётшунослик билан шуғулланади.

1898-99 йилларда Маҳмудхўжа Ҳаж амалини ба-

жариб келади. Ҳаж сафаридан ташқари у икки ма-
ротаба чет элларда ва Россияда (1914) саёҳатда бўлган.

Шаҳар зиёлилари орасида унинг дўстлари кўп эди. Уни-
кига асосан ўқитувчилар ва маориф билан шу-
фулланувчи кишилар келишарди. У ярим тунгача
Саидризо Ализода, Қўқонбой, Абдухолиқзода, Ша-
курий ва бошқалар билан суҳбатлашарди.

Парвин БЕҲБУДИЙ,
1970 йил, 17 октябрь.

Кўлёзма Наргиза Қосимовада сақланмоқда.

Муфти Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

**ҒАЛЛА, АСКАРЛИК, ЕР ВА
ТАЗМИНОТИ ҲАРБИЯ**

Тошкандда бўлатурғон маориф қурултойиға
қўшулмоқ учун Самарқанд анжумани маориф жа-
мияти тарафидан бормоқчи эдим. 15-нчи июлда Са-
марқанд мусулмон шўросиға бориб, Тошкандга бор-
моғимни билдуриб, агарда ғалла тўғрисида менга
бирор иш тобшурилса бир жой(и) кетуришимни
ифода этдим. Мусулмон шўроси ҳам ғаллаларнинг
забти ва қўлга олинишиға муқобил экан. Шунинг
учун аввало маним фикримни эшитиб, фойдали би-
либ, сўнгра ман билан Тошканддаки Ниёзуф отиға
маддат (ваколатнома) бердилар.

16-нчи июлда Тошкандга кирдим. Йўлда вағўнда
одам кўблиги учун ўтуриб бордик. Онда бориб Ниё-
зуф билан бирга ҳозирги Туркистон ҳукуматининг
раиси Тобулин афанди ҳузуриға кирдик. Ва ушбу
тубандаги масъалалар тўғрисида сўйлашдук:

1) ғалла; 2) аскар олиш; 3) тазминоти ҳарбия;
4) ер ва сув масаласи.

Ҳозирги ҳукумат ва ҳам Туркистон мусулмонла-
рининг нафъи нуқтаи назаридан юқоридаги масъа-

лалар хусусинда эътидол ва осон йўлларни кўрса-тиб, таклиф этдим ва ўзимни йигирма йиллик муҳаррирлик ва журналистик, 25 йил халқ ишига ара-лашиб ва бир неча дафъа саёҳат этиб дунё ва му-сулмон, хусусан, Туркистон мусулмонларининг ти-рикчилигига ҳосил этган тажрибам юзасиндан ху-лоса ва салоҳияти ватан ва Туркистоннинг тинчлиги номига бир хейли таклифотда бўлдум. Туркистон-нинг ҳозирги дохийий ва хорижий душманлари аҳволини ва халойиқнинг аҳволи руҳия ва эътиқо-дия ва маишиясига бир оз бўлса ҳам аҳамият бер-мак ва риоя қилмоқ кераклигини билдирдим.

Тобулин афанди бу сўзларга аҳамият бергандек кўрунди. Ниёзуф билан Жўрабойуф афандилар ҳам ҳозир эдилар ва маним сўзларимни таҳийя этди-лар. Юқоридаги масъалалар тўғрисида таклифла-римнинг хулосаси шу эди:

Биринчи, ғалани тамоман ва ўзиға заруридан бо-шқасини ҳукумат бутун ўз қўлиға олиб, ғалла олиш ва сотишни, ғалла бозорини, ҳатто, хусусий нонвой-хоналарни манъ қилмоқ ва бу ҳақда лойиҳа тузмак учун мамлакат озуқа комитетлари тарафиндин си-езд чақирилғон экан. Бул тўғринда маним такли-фим шу бўлдики: бозор очиқ бўлсун, аммо вилоят ва уезддан ғалла чиқорилмасун ва омбордорларнинг ғалла олиши манъ қилинсун. Такса (қатъий баҳо) асло бўлмасун. Фақат ғалла эккан деҳқонлар бир ботмон экилган ердан тўрт пуд ғалла такса юзасиндан бер-сунларким, бу ҳам аввало дафтар бўлуб, сўнгра терилсун.

Иккинчи:

— аскар масъаласидирки, бу ҳар нарсалин му-ҳим ва мунинг умумий бўлуши лозим. Аммо мусул-монлар ҳануз шунга ўрганмаган ва ҳам дохили фит-

начилар қора халқнинг фикридан фойдаланиб, эҳтимолки, баъзи бир фитналарға сабаб бўлсалар. Ва ҳам номаълум ва сиёсатан фикри билкулли нотўғри кишилар қўлиға яроқ ўтуб, эҳтимолки, кутулмаган ёмон ҳодисалар пайдо бўлса, шунинг учун таклиф қилманки, “то халқ ўрганиб, бироз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгилли тариқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволиға қараб олинса эди. Чунки...

Учинчи, тазминоти ҳарбия масъаласидирки, бу Туркистоннинг ҳар еридан зиёда Самарқандда ҳукм сурди ва Самарқанднинг бойлари бошқа жойлардан оз бўлса ҳам рус, яҳудий, мусулмонлар ёлғиз Самарқандда саккиз миллийун қадар тазминот ва уч миллийун қадар очлиқ солиғи бердилар ва бу қаторда баъзи камбағал ва паст ҳолли кишилар ҳам жабр кўрдилар. Мунинг тақсими устинда баъзи бир одилсиз ва инсофсиз кишилар туруб ришватхўрликлар ҳам бўлиб ўтди. Хулоса: ҳар ҳолда, Самарқанддин янгидин тазминоти олинмаса эди. Чунки ҳозирда маъишат сиёсий осойишталикни талаб этадур. Халқ ҳам очлиқ ва қимматчилик ва шунга ўхшаш офирликлардан ҳориган ва асабийлашгандур. Оқча керак бўлса бошқа йўллар билан солиғ тариқинда тўпланмоғи мумкиндур.

Тўртинчи, ернинг тақсими масъаласидурки, баъзи-бир агарчи кичик деҳқонларники бўлса-да, тақсим қилинмоқчи ва балки тақсим бошланибдур. Баъзи-бир кичик деҳқонларнинг ғалласини ҳам тамоман забт қилмоқға қарор қилғон жойлар ҳам бор экан. Ҳолбуки, бул бобда ҳануз марказий Туркистон ҳукуматидан бир амр йўқ экан. Шунинг учун бу ишларни марказий ҳукуматнинг чиқарғон қонунидан сўнгра қилинса эди. Мана ушбу ишлар ҳам

ҳозирги ҳукуматнинг сиёсатиға зарарлиқдур. То таъқиқланиб Туркистоннинг умум халқи ва ери истатистик ҳисоби-ла рўйхат бўлиб, қонуний бир қарор чиқарилгунча кичик деҳқонларнинг ва кичик тегирмон ва кичик корхона ва устахоналарнинг "нотсиёлизатсия"си (ёинки тақсими) мавқуф қолдурилса эди. Ҳолбуки, Туркистонда, бахусус бизнинг Самарқандда ери кўб киши ниҳоятда оз бўлуб, ерлар аксари яти ила деҳқон ва майда мулкдорлар қўлиндадур.

Ҳозирги ҳукуматнинг раиси Тобулин афанди билан музокарамиз икки дафъа бўлуб, бир соатдин зиёда чўзилди. Тобулин афанди юқоридаги масъалаларнинг муҳимларини ёзиб олиб, яхши ваъдалар берди. Ғалла иши сиезда бўлур, деди. Самарқандда аскарнинг кўнгилли равишда олиншиға ва янгидин тазминот олинмаслигига ва ҳам ер тақсимини мавқуф қолишиға фикри бирлигини сўйлади. Ва бутўғрида тадбирлар кўрарға ваъда этди. Ва ҳозирги тақсимнинг нотўғрилигини сўйлади. Самарқанддаги доираларға бул тарзда қоғоз бермакни ҳам ваъда этди. Хулоса: сўзимни яхши онглади ва яхши қаради. Ман шундай билдимки, маъқул сўзни болшавик ҳукумати эшитар экан, айб ўзимиздаки, қўшулмаимиз ва узулуқ йуриймиз.

Ғалла тўғрисидаки ишни тамом этмак учун Ниёзуф билан "Туркистон ўртоқ қурултойи"ға бордик. Кўб музокара ва сўзлардин маълум бўлдики, бир қисм аъзоларининг фикри шулки: Туркистон бутун ғаллаларни эгасининг ва деҳқонларнинг ўзига кифоя қилатурғон овқатиндан бошқасини бир ерда жамлаб, сўнгра ҳар кимга муқарраридек бир қадоқдин яқун ва оз бермакчи ва бутун ғалла бозорини, ҳатто хусусий нонвойхоналарни беркитмакчи эканларки, бу ишларни аввалдан "пализатсия" номини

эшитгандин маълум бўлиб эди. Мунинг Туркистон аҳлининг маъишатига тўғри келмаслиги ва ғаллаларнинг ер остига кириб кетиши, Бухоро ва бошқа тарафдин келмаслиги, хулоса: нарх ниҳоятда кўтарилиб камбағалларга ва балки бутун халойиқга зарар ва машаққат бўлурга муни бир неча дафъа такса тайинланганда натижаси кўрулди. Агарда ғалла олинмоқчи бўлунса, уйлар ва ҳовлилар ахтарилиб маъмурлар билан халқ орасинда баъзи кутилмаган ҳодисалар чиқиб қолса ажаб эмасдур.

Хулоса: кўб сўйлаганум сўнгра бизнинг таклифимиз бироз ўзгартирилиб, икки кунги мажлисуни сўнгра шул равишда қабул қилинди. Чунончи, бир дисатин(яъни тўрт таноб)ғача экин эккан киши ҳеч нима бермайдур. Бир дисатиндин ўн дисатинғача ҳар дисатинасидан тўрт пуддин берадур. Ўн дисатиндин 50 дисатинғача экканлар ҳар дисатинасидан саккиз пуддин, юз дисатиндин ортуқ экканлар ҳар бир дисатиндан 10 пуддин берарлар. Ва бу олингон ғаллалар тегин олинмайдур, балки такса тайинланиб пул тўлаб олинур. Ушбу таклифим 3га мақбул 37 кишининг товуш ва икки кишининг бетарафлиги ила қарор берилур. Нархига келгунча ихтилоф бўлди. Бошқалар 30 сўмдин 15 сўмғача таклиф этибдурлар ва, эҳтимолки, ҳар вилоятнинг таксаси бошқа бўлса ва маҳаллий шўроларга такса иши ҳавола қилинса. Мана, биродарлар, Тошкандга бориб қилгон ишимиз шудир. Бу майда-чуйда ғалларни розилик билан берсак керак. Ўшандоқ омбордорларнинг ғалла олмоқдин ўзларини сақламоқлари керақдур. Чунки омбордорларнинг ғалласини, эҳтимолки, тамоман забт қилинса.

Маним юқоридаги таклифим бутун Туркистон учун қабул қилинди ва, ўз фикримча, Туркистонли

ватандошларимнинг буни жон ва дилдин қабул этиб тезлик билан беришлари лозимдур. Агарда умумдан ғаллани олмоққа қарор бўлинса эди, ман халқнинг устига булагурдон кулфат ва офирлиқдин ниҳоятда қўрқар эдим. Ҳар кимнинг уйи охторилур эди ва балки ёмон ҳодисаларға сабаб бўлуб, моли ва жони кўб зарар бўлишини ўйлардим. Лекин алҳамдулиллоҳ, бу таклиф қабул қилинди ва Туркистон учун миллиардларча зарар ва балки бизнинг андоза фикриямиз ҳам ташқари зарар ва кулфатларнинг йўлини бу таклиф ва қарор боғлади. Агарда умум тарафидан бу таклиф ва қарор яхшилиқ билан қабул этилиб, кам ва зиёдасиз ижро қилинса, ўзимни хушбахт санар эдим. Муҳтарам уламо, ҳазрати ва аҳли фикр бу таклифни аҳли халқға тушунтуруб тездан ўрунға келтирмакликнинг нафъини халойиқға онглайсалар эди. Шуни ҳам билмак керакким, бир дисатин, яъни тўрт танобғача экилган ғалладан ҳеч бир нарса олинмайдур. Мева ва бедазор, ер олмаси (картошка), сабзи ва бошқа шуларға ўхшаш нарсадин олинмай фақат ғалла, яъни дони экилган ерлардин олинадур. Туркистоннинг баъзи ерларинда бир дисатин 4 таноб ва баъзи ерларда 6 таноб ҳисобланадур. Аммо ҳозирғи қоидаға дисатин ҳисоби ила яъни бир танобни 300 саржин ҳисоблаб олинур. Бир таноб 400 саржинлик жойлар бир ярим танобға бир пуд ғалла термарлар. Бир дисатин 3400 саржиндур.

Фикримча, лозимки ҳар даҳа ва қишлоқ учун махсус комиссия сайлануб, ҳар кимнинг неча таноб ерда нима эккани аввало рўйхати ва ўлка, солиқ дафтаридек рўйхат бўлуб, уезд комиссориянинг ва бу тўғридаки алоҳида бош комиссиянинг мустаҳкам этишидан сўнгра ғаллани йиғиштуруб, ҳар бир деҳқонға махсус дафтарда босма синф берилса эди.

Токи, хиёнат бўлмасун. Албатта, бу иш тўғрисида ҳар уезд ва вилоят учун алоҳида бош комиссия тайинланса лозим. Ҳар вулустнинг ғалласи ўзинда тўпланиб керакинча бошқа жойларга олинур.

Бу ҳозир бўлгон Тошкандаги Туркистон ўлкаси ўртоқ қурултойиға ҳар уезд шўроларидин уч нафардин киши чақирилгон экан. Сирдарё ва Фарғонадин бир неча нафар мусулмон бор эди. Аммо бизнинг Каттақўрғон, Хўжанд, Жиззах ва Самарқанд уездиндин биргина нафар ҳам мусулмон йўқ эди. Демакки, ҳануз халқимиз уйқуда бўлуб, ўз нафъи ва зарури учун қайғурмай, болта келгунча кундадек ётадур. Устиға бир йукни қўйғондан кейин дод дейурга ул вақтда иш ўтган бўлур. Бу ёмон одатни ташламоқ керак. Замон бошқа замондур.

Тошканднинг барча расмий комиссорияти ва ҳукумат доиралари ҳозирда қайнайдур. Ҳар биринда Туркистон учун зокун (қонун) лойиҳалари тузулмақдадур. Бир неча мажлисга каминани таклиф этдилар. Баъзисиға боролдим. Мусулмон тилини русий ҳукумат тили этмак мажлисиға ва ҳам Туркистон учун миллий комиссариятлар қонунининг музокараси мажлисиға бир неча дафъа бордим ва лойиҳалари боб-боб ўқулуб бизнинг таклиф ва тасҳиҳларимиздин баъзиси қабул қилинди. Агарда одам бўлса миллат нафъиға ишланатургон ишлар кўб экан.

Туркистон мактаб ва мадрасалари, вақф ва қозихоналар учун лойиҳалари тузулмақдадурки, бизнинг аҳли фикр ва донишларимизнинг иштирок этмаклари лозимдур. Мусулмон шўроларимизга вожибдурки шундай ишлар учун одам - делегат талаб қилинғонда салоҳиятлик ва муносиб кишиларни сайлаб юборсалар. Ҳозирги ҳукуматга одам керакдурки

муни иш устидоғилар ҳам сезибдурлар. Чунончи, ҳукумат аъзоларининг бир мажлисинда Эрон ва Афғонистон динлағларига кунсул юбормак масъаласи кунчилиб, блязи рус ва мусулмонлар ва хизмат учун мани муносиб кўруб юбормакчи бўлгонлар эканки, ман муни эшитиб, нохушлигим учун сафар минаққатини кўтара олмаслигимни баён этдим. Зотан, мен мактаб ва мадрасалар учун бўлатурфон қурултойға борган эдим. Йўлларнинг боёланғони учун қурултой муқуф қолди. Бовужуд шул бўлатурфонидоғи комиссияга бордим. Мадрасалар пругроммасини кўруб бир оз зичлаштирмақға таклиф этдим. Чунки мутасарруф пруграмдаки дарсларни мадрасаларға киргузмак билан ундай дарсларни айтатурфон мударрислар йўқдур. Мадраса асло ҳатто куйидан бошланиб кетса керак. Фаннинг ибтидоий таълимини кўрмаган кишига киргузуб таълим бермақдин фойда чиқмайдур. Охиринда шуни маъал таассуф иқрор этаманки: сиёсий, илмий, маиший ва аскарый йўлларда замон биздин кўб ишлар талаб этадур ва бу ишлар чун замонимиз масоиддур. Аммо бизда ишлайтурфон одам ниҳоятда оз ва бори ҳам ишламайдир ва ёинки эгри кетадур. Бу фурсатлар ўтганларидек ўтуб кетар. Сўнгра пушаймонлиқдин бошқа қўлда бир нарса қолмас, масалан, ҳозирда аскарый ва илмий ишлардан қочамизким, бу — бир боланинг мактабдин қочғонининг ўзгинасидур.

Самарқанд

**“Меҳнаткашлар товуши” газетаси,
1918 йил, 2 август**

ТАЙЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИДАН ЁДГОРЛИК

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, ўзлимизга қайтиш жараёни бошланди. Мустамлака даврида биз муқаддас деб билган қадриятларимиздан маҳрумликда яшадик. Жумладан боболаримиз, улар ёзиб қолдирган нодир асарларнинг кўпчилиги тақиқланди, уларнинг фаолиятлари яширилди. Хусусан, ушбу рисола қаҳрамони — Маҳмудхўжа Беҳбудийни янги авлод билмас эди. Истиқлол сабаб у ёд этила бошланди. Негаки у аср бошида истиқлол учун курашган, юртини мустамлакачилардан озод кўришни истаган ва шу йўлда шаҳид бўлган юрт ўғлонларининг энг сараси эди.

Бугун уни ҳамма билади. Давлатимизда унинг ҳурмати жойига қўйилаяпти. Туманимизда ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хотирасини абадийлаштириш учун қатор амалий ишлар қилинди. Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 125 йиллигини нишонлаш арафасида у туғилиб ўсган Тайлоқ туман Улуғбек номидаги жамоа хўжалигидаги Бахштепа қишлоғининг шоҳ кўчасига, шу қишлоқдаги 15-мактабга Беҳбудий номи берилди. Қолаверса ушбу рисола ҳам Тайлоқ меҳнаткашларининг улуғ маърифатпарвар, истиқлол фидойиси Маҳмудхўжа Беҳбудийга қўйган ёдгорликларидан биридир.

Ватан озодлиги йўлида жон фидо этганлар ёди халқнинг қалбида мангу яшайди.

Жамшид АШУРОВ
Тайлоқ тумани ҳокими

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА

Нотинч дунё у згаришлари ёхуд Беҳбудийнинг қўлига қалам тутқазган сабаблар	3
--	---

ҲУРРИЯТГА ЧОРЛАГАН ПУБЛИЦИСТИКА

1-фасл. Маърифат либосидаги озодлик	14
2-фасл. Публицистиканинг сиёсий “либос кийиши”	65

ХУСУСИЙ НАШР ЗАРУРАТИ

3-фасл. “Самарқанд” — жаидлар гоёсининг тарғиботчиси.....	94
4-фасл. «Журналларнинг энг биринчи ва энг яхшиси».....	113

АЛҚИССА

Тарих истиқболнинг тарозусидур, ҳар ким ўлчасун-да, билсун!.....	127
--	-----

ИЛОВА

Садриддин Айний. Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари ким эди?.....	129
Ҳожи Муин. Қадрношунослик.....	138
Ҳожи Муин. Самарқандлик Темурхон Афанди келди.....	139
Жавдат Раҳмон. Айтганларим Беҳбудий ҳақидаги ҳақиқатни тиклашга ёрдам берса бас.....	140
Нарвин Беҳбудий. Отам ҳақида хотираларим.....	148
Маҳмудхўжа Беҳбудий. Галла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия.....	150
Мамнид Ашуров. Тайлоқ меҳнаткашларидан ёдгорлик.....	158

Саидов Ҳалим Омонович

МАЪРИФАТ
ЛИБОСИДАГИ ОЗОДЛИК

«Ma'rifat-Madadkor» нашриёти

*Мухаррирлар А. Раҳимов, А. Бобониёзов
Техник муҳаррирлар М. Тошова, Л. Хижова
Бадий муҳаррир Г.Ҳазратова
Мусахҳиҳ Ҳ. Нишонов*

Босишга рухсат этилди 10.03.2000й. Бичими 84x108 1/32.

Балтика UZ гарнитураси. Шартли босма табағи 8,4.

Адади 5000 нухса. Букюртма №41

Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси,
700083, Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

